

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 330.115:334.75(575.1)

**УСМАНОВ МИРУМАР АБДУЛЛА ЎҒЛИ**

**УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ТАРМОҒИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ**  
**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар:**  
**и.ф.д., проф. Назарова Р.Р.**

**Тошкент – 2022**

## МУНДАРИЖА

|                |  |            |
|----------------|--|------------|
|                | <b>КИРИШ.....</b>  | <b>3</b>   |
| <b>I БОБ</b>   | <b>УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШ БОЗОРИДА ТАДБИРКОРЛИК<br/>ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНING НАЗАРИЙ<br/>АСОСЛАРИ.....</b>   | <b>12</b>  |
| 1.1            | Уй-жой қурилиш бозорида тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти<br>ва ўзига хос хусусиятлари .....   | 12         |
| 1.2            | Уй-жой қурилиш бозорида тадбиркорлик фаолияти<br>ривожланишининг ташкилий-иқтисодий асослари.....  | 24         |
| 1.3            | Уй-жой қурилиши бозорида тадбиркорлик фаолиятини<br>ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси.....   | 39         |
|                | <b>Биринчи боб бўйича хулосалар.....</b>   | <b>51</b>  |
| <b>II БОБ</b>  | <b>УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ БОЗОРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА<br/>ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ<br/>ФАОЛИЯТИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА<br/>САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ .....</b>  | <b>54</b>  |
| 2.1            | Уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва хусусий<br>тадбиркорлик ривожланиши динамикаси таҳлили.....   | 54         |
| 2.2            | Уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва тадбиркорлик<br>фаолияти ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар<br>таҳлили.....                             | 65         |
| 2.3            | Уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва тадбиркорлик<br>фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги .....  | 79         |
|                | <b>Иккинчи боб бўйича хулосалар.....</b>   | <b>89</b>  |
| <b>III БОБ</b> | <b>УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ БОЗОРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА<br/>ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ<br/>ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....</b>  | <b>92</b>  |
| 3.1            | Уй-жой қурилиши бозорининг инновацион ривожланиши ва<br>унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг<br>роли.....                              | 92         |
| 3.2            | Уй-жой қурилиш бозорида кичик бизнес ва хусусий<br>тадбиркорлик фаолиятини давлат-хусусий шерикчилиги асосида<br>ривожлантириш йўллари.....              | 112        |
| 3.3            | Ўзбекистоннинг уй-жой қурилишида кичик бизнес ва хусусий<br>тадбиркорликни ривожлантириш асосида халқаро рейтингдаги<br>ўрнини мустаҳкамлаш йўллари..... | 123        |
|                | <b>Учинчи боб бўйича хулосалар.....</b>  | <b>136</b> |
|                | <b>ХУЛОСАЛАР.....</b>  | <b>140</b> |
|                | <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>   | <b>150</b> |
|                | <b>ИЛОВАЛАР.....</b>   | <b>161</b> |

## Кириш

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, у кенг кўламли фаровонликни таъминлашда ўзаро боғлиқ тармоқларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, иқтисодиёт тармоқлари кичик бизнес орқали бир-бирини қўллаб-қувватлаш учун ўз салоҳиятидан қанчалик кўп фойдаланса, барқарор ўсишга эришиш имкони шунчалик катта бўлади. Хусусан, қурилиш соҳасида ҳам, кейинги йилларда жаҳон қурилиш соҳасининг янада ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши тобора ортиб, даромадли бизнесга алманиб бормоқда. Жумладан, қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг рентабеллиги Европа мамлакатларида ўртача 70-76 фоизни, Америка давлатларида 60-65 фоизни ва Осиё давлатларида 40-45 фоизни ташкил этмоқда<sup>1</sup>.

Жаҳон тажрибасига кўра, қурилиш, хусусан уй-жой қурилиши тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти йирик корхоналар фаолиятидан кўра кўпроқ таваккалчиликка асосланади. Бу эса соҳанинг заиф томони бўлиб, унинг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади. Хусусан, уй-жой қурилиш бозорида тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишининг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш, фаолият самарадорлигини ошириш, мавжуд муаммоларни ечиш ҳамда соҳани янада ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган муҳим иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар замирида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўлами янада кенгайиши, унинг кўплаб ижтимоий соҳаларга кенг жалб қилиниши ҳисобига аҳолининг турмуш даражасининг барқарорлашувига

---

<sup>1</sup> “Statista” интернет нашри маълумотлари. <https://www.statista.com>

эришилмоқда. Айниқса, мамлакатда аҳолининг барча қатламларини қамраб олган, давлатнинг адолатли ижтимоий ва иқтисодий сиёсати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг уй-жой қурилиши бозорида эркин иқтисодиёт тамойиллари асосида иштирок этиши ва бунинг натижасида, аҳолини мақбул нархлар ва шу билан бирга сифатли уй-жойлар билан таъминлашга қаратилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Албатта бунинг замирини, мамлакатнинг яқин ва узоқ истиқболда ривожланишининг пухта таҳлиллари асосида ва ҳар бир соҳа ҳамда йўналишларни қамраб олган стратегик режалар ташкил этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси”<sup>2</sup>да соҳани истиқболли ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида уй-жой қурилиш бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш, улар фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар ва муаммоларни ўрганиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Буларнинг барчаси мазкур тадқиқотнинг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4464-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/5130468>

2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4335-сонли ҳамда соҳага оид бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар тадбиркорлик фаолияти, унинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятининг назарий асослари ўтган аср ва ундан ҳам аввалги даврларда кўплаб олимлар томонидан кенг қамровли ўрганишлар амалга оширилган, улардан, Р.Кантилон, Ж.Б.Сей, А.Тюрго, А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршалл, В.Зомберт, Р.Хизрич ва М.Питерс, Й.А.Шумпетер, Л.Фон Мизес, Ф.Хайек, П.Ф.Друкер, М.Петерс, Р.Хизрич ва А.Хоскинлар<sup>3</sup> томонидан тадқиқ этилган.

Сўнги ўттиз йилда МДХ мамлакатлари олимлари томонидан ҳам тадбиркорликнинг турли шакллари, хусусан, кичик бизнес, ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ва унинг бошқа шакллари бўйича кўплаб олимлардан

---

<sup>3</sup> Кантильон Р. Очерк о природе торговли вообще. Ч. 1, гл. 13 // Мировая экономическая мысль Т. I. С. 273-276. <https://oll.libertyfund.org/title/higgs-essay-on-the-nature-of-trade-in-general-higgs-ed.>; Сэй Ж.Б. Трактат по политической экономии. Фредерик Бастиа. Экономические софизмы. Экономические гармонии. М.: Дело, 2000. – 232 с.; Тюрго А.Р.Ж. Избранные экономические произведения / А.Р.Ж. Тюрго – Москва: Директ-Медиа, 2007. – 171 с.; Шевелев С.Ю., Шевелева Е.А., Кропотова Л.А. Развитие предпринимательства в России: организационные, правовые и экономические аспекты. Монография. Санкт-Петербург: издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2014. С.88-90.; Rikardo D. Sochinenija. 1995. Moscow. С.82.; Marshall A. Principy jekonomicheskoy nauki. 2007. Moskva. Direkmedia Publishing.; Zombart V., Davydov Ju.N., Sapov V.V. Burzhua: Jetjudy po istorii duhovnogo razvitija sovremennogo jekonomicheskogo cheloveka. 1994. Nauka.; Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. В 5 вып. Пер.с англ. Вып.1-5. 1991. 974 с.; Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. М.: Эксмо. 2007. - 864 с.; Светуных М.Г., Светуных С.Г. Предпринимательство и инновации. Ульяновск: УлГТУ, 2010. с.239.; Zeynalova Z. Mūəssisədə maliyyə resurslarinin idarəedilməsi. Bakı: Dərs vəsaiti, 2018. С.15-24.; Хизрич З., Питерс М. Предпринимательство, или как завести собственное дело и добиться успеха. М. 1990. С.193.; Хоскинг А. Курс предпринимательства. <https://www.livelib.ru/author/171642/top-a-hoskingM.>, 1993.

Н.Б. Завьялов, О.В. Сиганов, Н.С. Матвеева, О.Н. Дорофеева, В.В. Алещенко, В.В. Карпова, Р.Б. Гамидуллаевлар<sup>4</sup> томонидан кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларидан бошлаб, жаҳон амалиётига таянган ҳолда тадбиркорлик фаолияти, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётида ривожлантириш масалалари мамлакатнинг кўплаб олимлардан М.И. Альмардонов, Н.Б. Ашурова, А.А. Ботиров, А.В. Ваҳабов, М.Р. Болтабаев, А.Н. Самадов, Ш.Ж. Эргашходжаева, А.Т. Юсупов, М.С. Қосимова, Б.К. Ғойибназаров, С.С. Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, У.П. Умурзаков, Р.Валижонов, О.Қобулов, К.И. Курпаянидилар<sup>5</sup> томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борган.

Юқоридаги тадқиқотлар уй-жой қурилиши тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Аммо, соҳани янада ривожлантириш борасида юзага келаётган муаммоларни тўлиқ бартараф этиш имконини бермайди. Айнан шу боис, мазкур мавзу тадқиқот иши сифатида танланган.

---

<sup>4</sup> Завьялова Н.Б., Сагинова О.В., Сидорчук Р.Р., Скоробогатых И.И. “Уровень государственной поддержки малого бизнеса с точки зрения ее получателей” // Маркетинг и маркетинговые исследования. 2013. №2 (104). С.82-93.; Матвеева Н.С. Предпринимательская деятельность как разновидность экономической деятельности // Предпринимательство. УЭКС, №1. 2008.; Дорофеева О.Н. “Совершенствование механизма финансовой поддержки малого предпринимательства (на примере Республики Коми)”. Автореферат. 2012. С.9.; Алещенко В.В., Карпова В.В. “Совершенствование механизма государственной поддержки субъектов малого и среднего предпринимательства”. Коллективная монография. Омск: ИЦ «Омский научный вестник». 2015. С.188.; Гамидуллаев Р.Б. Анализ механизмов государственной поддержки малого инновационного предпринимательства // Известия ПГПУ им. В.Г. Белинского. 2012. №28. С.298.

<sup>5</sup> Альмардонов М.И. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва уни тадбиркорлик фаолиятига таъсири. Дис. иқт. фан. д-ри. Т.: 2004.; Ашурова Н.Б. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда солиқ механизмнинг таъсири. Дис. ... иқт. фан. номз. Т.: 2008.; Ботиров А.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш йўллари. Дис. ... иқт. фан. номз. Т.: 2012.; Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик / А.В.Ваҳабов, Б.Р.Санакулова. Т.: ТМІ, 2013. - 405 б.; Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Т.: Мехнат, 2010. - 349 б.; Абдуллаев Ё., Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув кўлланма. Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: 2008. -365 б.; Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: 2010. Б.267.; У.П. Umurzakov, А.Т. Toshboyev Kichik biznes va tadbirkorlik. Т.: 2014. В.480.; Валижонов Р., Қобулов О. Менежмент асослари. –Т.: Университет. 1997. 51 бет.; Kurpayanidi K.I. To issue of development of entrepreneurship in the regions: theory and practice of Uzbekistan (on the materials of Andizhan region) / International Scientific Journal “Theoretical & Applied Science”. 2020. Philadelphia, USA.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928153-сонли «Корхоналарни инновацион ривожлантириш шароитида вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш йўллари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Уй-жой қурилиши тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

уй-жой қурилиш бозорида тадбиркорлик фаолияти шаклланиши ва ривожланишининг назарий-методологик асосларини очиб бериш;

Ўзбекистон уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг аҳамияти ва тутган ўрнини очиб бериш;

уй-жой қурилиш бозорида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш усулларини ишлаб чиқиш;

уй-жой қурилиш бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш орқали самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

уй-жой қурилиш бозорида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини таҳлил қилиш;

уй-жой қурилиш бозорининг инновацион ривожланиши ва унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини баҳолаш;

уй-жой қурилиш бозорини давлат-хусусий тадбиркорлик шерикчилиги асосида ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** уй-жой қурилиши тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** уй-жой қурилиши тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаштириш, илмий абстракциялаш, эмпирик, статистика, қиёсий ва динамик таҳлил, синтез таҳлил ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

ўз фаолиятининг инновацион тавсиф мезонларига мувофиқлигини таъминлаган уй-жой қурилиши тармоғидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига йирик қурилиш лойиҳаларининг муайян ҳажмини тақдим этиш таклифи асосланган;

аҳолининг кам таъминланган қатлами учун иқтисодий тежамкор уй-жойларнинг қурилишига давлат хусусий шерикчилик механизмлари асосида жалб қилишни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорликдаги кичик гуруҳларига татбиқ этиш орқали асосланган;

уй-жой қурилиши тармоғидаги кичик бизнес корхоналари учун белгиланган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўрсаткичи меъёрини 50 фоизга ошириш орқали фаолият кўламини икки баравар кенгайтириш таклифи асосланган;

уй-жой қурилиш ишлари ҳажми ва унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг миқдорий боғлиқлигининг эконометрик таҳлили асосида тармоқнинг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва унга таъсир этувчи асосий муаммолар очиб берилган;

уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши эволюцияси ўрганилган ва статистик таҳлиллари амалга оширилган;



уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар миқдорий боғлиқлиги иқтисодий-математик ва эконометрик усуллар асосида баҳоланган;

уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш ва инновацион ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

уй-жой қурилиш бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат-хусусий шерикчилиги асосида ривожлантиришнинг ташкилий механизми таклиф этилган;

Ўзбекистоннинг уй-жой қурилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг устувор йўналишлари асосида халқаро рейтингдаги ўрнини мустақамлаш йўллари ишлаб чиқилган;

эконометрик моделлар асосида уй-жой қурилиш ишлари ҳажми ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар бўйича ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, шунингдек халқаро ташкилотларнинг очиқ статистик ҳисоботларидан олинганлиги, хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан уй-жой қурилиши тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар учун услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Уй-жой қурилиши соҳасида хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятдан фойдаланиш, шунингдек, улардан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик”, “Бизнес асослари” фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Уй-жой қурилиши тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар:

Ўз фаолиятининг инновацион тавсиф мезонларига мувофиқлигини таъминлаган уй-жой қурилиши тармоғидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига йирик қурилиш лойиҳаларининг муайян ҳажмини тақдим этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан “Уй-жой қурилишида кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятидан фойдаланиш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 29 августдаги 18-06/13335-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида уй-жой қурилиши тармоғидаги йирик қурилиш лойиҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини ошириш орқали тармоқни янада инновацион ривожлантириш бўйича стратегияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

аҳолининг кам таъминланган қатлами учун иқтисодий тежамкор уй-жойларнинг қурилишига давлат хусусий шерикчилик механизмлари асосида жалб қилишни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорликдаги кичик гуруҳларига татбиқ этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан “Уй-жой қурилишида кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятидан фойдаланиш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 29 августдаги 18-06/13335-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида аҳолининг кам таъминланган қатлами учун иқтисодий тежамкор уй-жойларнинг қурилишида давлат хусусий шерикчилиги асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб этиш орқали тармоғда рақобат муҳитини янада яхшилашга эришилган;

уй-жой қурилиши тармоғидаги кичик бизнес корхоналари учун белгиланган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўрсаткичи меъёрини 50 фоизга ошириш орқали фаолият кўламини икки барабар кенгайтириш таклифи

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан “Уй-жой қурилишида кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятидан фойдаланиш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 29 августдаги 18-06/13335-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида уй-жой қурилиши тармоғидаги кичик бизнес корхоналарида ходимлар сонини ошириш орқали кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва қўшимча янги иш ўринларини ташкил этишда фойдаланилган;

уй-жой қурилиш ишлари ҳажми ва унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг миқдорий боғлиқлигининг эконометрик таҳлили асосида тармоқнинг 2026 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан “Уй-жой қурилишида кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятидан фойдаланиш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 29 августдаги 18-06/13335-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида қурилиши тармоғини иқтисодий ривожлантириш бўйича даврий таҳлилий материаллар тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда 2 та ва маҳаллий журналларда 5 та илмий мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 149 бетни ташкил этади.

# **I БОБ. УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШ БОЗОРИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **§ 1.1 Уй-жой қурилиш бозорида тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари**

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти иқтисодий тизимнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг ижтимоий аҳамияти, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва шунинг асосида даромад манбаини шакллантириш каби функцияларни бажаради. Демакки, тадбиркорлик фаолияти бу жамиятнинг ўрта қатламининг ажралмас қисми бўлиб, жамиятнинг барқарорлиги гарови ҳисобланади. Зеро, иқтисодий жихатдан таъминланган аҳоли, бу барқарор ва кучли мамлакат асосидир.

Тадбиркорлик хўжалик фаолиятни юритишнинг тури сифатида иқтисодиёт таълимотларида асрлар давомида кўплаб олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Бунинг натижасида иқтисодиёт таълимотида, тадбиркорлик фаолияти турли хилдаги талқинлари мавжуд, масалан, французча талқинга кўра “entrepreneur” – “тадбиркор”ни билдиради, испан тилида “empresario” – “ишбилармон”ни билдиради, инглиз тилида янада кенгроқ ёндашилган ва унинг қуйидаги талқинлари мавжуд, “entrepreneur”, “businessman”, “business”, “owner”, “employer”, “businessowner” булар тадбиркор, ишбилармон, мулкдор каби маъноларни билдиради.

Бугунги кунга қадар “тадбиркорлик” тушунчасини ёритиш ва уни илмий жихатдан асослаш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, илк бора иқтисодиёт таълимотларига тадбиркорлик тушунчасини ингилиз иқтисодчиси Р.Кантилон томонидан киритилган. Р.Кантилон тадбиркорлик фаолиятини ўрганишга илмий ёндашуларни шакллантирган ва унинг “Савдо қилиш тўғрисида битиклар” деб номланган асарида баён этилган. Р.Кантилон мазкур асарида: “Тадбиркор ҳавф-хатар остида савдо фаолиятини юритиб ўз корхонасига эга бўлган ва рақобат асосида фаолиятини юритувчи шахс ҳисобланади” деб таърифлайди. Унинг фикрича, тадбиркор бу ноаниқ даромадга эга кишилар, (деҳқон, хунарманд, савдогар ва бошқалар)

сабаби улар бошқаларнинг маҳсулотларини маълум нархларда сотиб оладилар ва ўз маҳсулотларини қанчага сотишлари номаълум деб ҳисоблайди<sup>6</sup>.

Француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей тадбиркорлик фаолиятини, ўз тавакалчилиги ва маблағлари асосида маълум бир маҳсулотни капитал, меҳнат ва табиий бойликлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришга киришган шахс деб таърифлайди<sup>7</sup>. Кейинчалик яна бир француз иқтисодчиси ва давлат арбоби А.Тюрго илк бора тадбиркорлик фаолиятида ишлаб чиқариш воситаларини асосий омил сифатида кўриб, тадбиркорлик фаолиятини нафақат рискга асосланган капитал қўйилмалар ташкил этиши, балки, маълум бошқарув қобилиятларни талаб қилади деб ҳисоблайди<sup>8</sup>.

Шотландиялик иқтисодчи А.Смит ўзининг “Халқлар бойлигининг табиати ва асослари” номли асарида, тадбиркорни маълум бир фойда кўриш мақсадида тижорат ғоясини амалга оширувчи шахс деб таърифлайди ва шунинг учун тадбиркорлик фаолиятдан кўрилган фойда бу аввал амалга оширилган рискнинг мукофоти деб таърифлайди<sup>9</sup>.

Инглиз иқтисодчиси Д.Рикардо тадбиркорни ўз маблағларини даромадли фаолиятга йўналтира оладиган инвестор ёки оддий капиталист сифатида таърифлайди<sup>10</sup>.

XX асрнинг бошларига келиб тадбиркорлик институтнинг мамлакат иқтисодиётида тугган ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратила бошланди, бу эса, ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар кўлами кенгайишига асос солди.

Инглиз иқтисодчиси А.Маршалл илк бора тадбиркорларни юқори малакали инсонлар сифатида кўриб, улар ўзларини ҳавфга қўйган ҳолда

---

<sup>6</sup> Кантильон Р. Очерк о природе торговли вообще. Ч. 1, гл. 13// Мировая экономическая мысль Т. I. С. 273-276. <https://oll.libertyfund.org/title/higgs-essay-on-the-nature-of-trade-in-general-higgs-ed>.

<sup>7</sup> Сэй Ж.Б. Трактат по политической экономии. Фредерик Бастиа. Экономические софизмы. Экономические гармонии. М.: Дело, 2000. – 232 с.

<sup>8</sup> Тюрго А.Р.Ж. Избранные экономические произведения / А.Р.Ж. Тюрго – Москва: Директ-Медиа, 2007. – 171 с.

<sup>9</sup> Шевелев С.Ю., Шевелева Е.А., Кропотова Л.А. Развитие предпринимательства в России: организационные, правовые и экономические аспекты. Монография. Санкт-Петербург: издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2014. С.88-90.

<sup>10</sup> Rikardo D. Sochinenija/D.Rikardo. 1995. Moscow. С.82.

жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш учун фаолият кўрсатишади, деб таърифлайди<sup>11</sup>.

Немис олими В.Зомбертнинг таърифига кўра: “Тадбиркор бу – рискга тайёр бўлган, руҳий эркин, ғояларга бой, тиришқоқ ва интилувчан кўп инсонларни умумий фаолият учун бирлаштира оладиган ташкилотчи” деб таърифлайди<sup>12</sup>.

Р.Хизрич ва М.Питерс тадбиркорлик фаолиятининг назарий жиҳатларини тадқиқ этган ҳолда қуйидаги таърифни таклиф этишган: “Тадбиркорлик – бу баҳоси бўлган янги нимадирни яратишдир, тадбиркор эса, мазкур фаолиятга барча кучини сарфлаган ҳолда юзага келадиган рискни англайдиган инсон”<sup>13</sup>.

Австрия иқтисодчи олими Й.А.Шумпетер тадбиркорлик тушунчасини кенг ёритишда салмоқли ҳисса қўшган бўлиб унинг “Иқтисодий ривожланиш назарияси”<sup>14</sup> асарида илк бора “янги комбинациялар” тушунчасини киритади ва унинг таърифига кўра, “тадбиркор бўлиш бу – бошқалар қилмаган ишни қилиш ва асосийси, тадбиркорлик нафақат мулкга эгалик қилиш, балки ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқига ҳам эгалик қилиш” деб таърифлайди<sup>15</sup>.

Кейинчалик Австриянинг иқтисодий мактаби вакиллари Л.Фон Мизес ва Ф.Хайек, Й.А. Шумпетернинг таълимотларини чуқур ўрганган ҳолда тадбиркорликни ресурс сифатида қарашади, аммо, табиий ресурслар учун фойдаси камлигини эътироф этган<sup>16</sup>.

Америкалик иқтисодчи П.Ф.Друкернинг таърифига кўра, тадбиркорлик алоҳида бошқарув фаолият бўлиб тадбиркорни нафақат хусусий мулк эгаси, балки, интеллектуал мулк эгаси сифатида таърифлайди<sup>17</sup>. Яна бир америкалик

---

<sup>11</sup> Marshall A. Principy jekonomicheskoy nauki. 2007. Moskva. Direkmedia Publishing.

<sup>12</sup> Zombart V., Davydov Ju.N., Sapov V.V. Burzhua: Jetjudy po istorii duhovnogo razvitija sovremennogo jekonomicheskogo cheloveka. 1994. Nauka.

<sup>13</sup> Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. В 5 вып. Пер.с англ. Вып.1-5. 1991. 974 с.

<sup>14</sup> Schumpeter J.A. The Theory of Economic Development. Cambridge. 1934. Harvard. Press.

<sup>15</sup> Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. М.: Эксмо. 2007. - 864 с.

<sup>16</sup> Светуных М.Г., Светуных С.Г. Предпринимательство и инновации. Ульяновск: УлГТУ, 2010. с.239.

<sup>17</sup> Zeynalova Z. Müəssisədə maliyyə resurslarının idarəedilməsi. Bakı: Dərs vəsaiti, 2018. С.15-24.

олимлар М.Петерс ва Р.Хизрич<sup>18</sup> ўз тадқиқотларида тадбиркорликни ташкил этиш омилларини ўрганишган бўлишса, А.Хоскин<sup>19</sup> тадбиркорликда қарорларни қабул қилишнинг муҳимлиги ва бошқарувни ташкил этиш жиҳатларини ўрганган.

Алоҳида илмий тадқиқотлар тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, унга кенг шароитлар ва имкониятлар яратишга бағишланган. Хусусан, иқтисодий таълимотлар тарихида, давлат сиёсатида хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларни амалга оширилишининг муҳимлиги Дж.М.Кейнс тадқиқотида ўз аксини топган ва унинг фикрича: “Давлат, турли бошқарув восита ва усуллардан фойдаланган ҳолда инвестицион ва истеъмол фаолиятга таъсир этиши керак, истеъмолга мойилликни ва инвестициялашни оширишни йўналтириши мақсади муносабати билан давлатнинг функцияси кенгайди”<sup>20</sup>.

Албатта бугунги кунга қадар тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш схемаси турли иқтисодчи олимлар томонидан турли қарашлари ривожланган. Жумладан, ўрганилган иқтисодий адабиётлар шуни кўрсатадики, турли иқтисодчи олимлар ўзларининг нуқтаи назарлари ва яшаб турган мамлакатларининг қонунчилиги ҳамда унинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш тизими ва иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширишган. Масалан, россиялик таниқли иқтисодчи олимлардан Н.Б.Завьялов ва О.В.Сигановлар тадбиркорлик фаолиятини ва хусусан, кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иерархик схемаси ишлаб чиқилган бўлиб у федерал, ҳудудий, муниципал жиҳатларини ўз ичига қамраб олган<sup>21</sup>.

---

<sup>18</sup> Хизрич З., Питерс М. Предпринимательство, или как завести собственное дело и добиться успеха. М. 1990. С.193.

<sup>19</sup> Хоскин А. Курс предпринимательства. <https://www.livelib.ru/author/171642/top-a-hoskingM.>, 1993.

<sup>20</sup> Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. М.: Гелиос АРВ, 2002. С.352.

<sup>21</sup> Завьялова Н.Б., Сагинова О.В., Сидорчук Р.Р., Скоробогатых И.И. “Уровень государственной поддержки малого бизнеса с точки зрения ее получателей” // Маркетинг и маркетинговые исследования. 2013. №2 (104). С.82-93.

Н.С.Матвееванинг фикрига кўра, тадбиркорлик фаолиятнинг таркиби, вазифалари ва турлари ижтимоий-иқтисодий тизим ва давлатнинг аниқ ривожланиш босқичидаги вазифалари билан белгиланади<sup>22</sup>.

О.Н.Дорофеева ўз тадқиқотларида тадбиркорликни давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг шакллари ишлаб чиқилган<sup>23</sup>. В.В.Алещенко ва В.В.Карповаларнинг тадқиқотларида, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг муҳимлиги ва зарурлиги асосланиши билан бирга, давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг иккита моделлари таклиф этилган, булар, либерал модел ва ижтимоий-йўналтирилган модель<sup>24</sup>.

Р.Б.Гамидуллаев эса ўз тадқиқотларида, кичик инновацион корхоналарни давлат томонидан кўллаб-қувватлашни ўрганган бўлиб унда дастурий-мақсад қисми, ташкилий ҳуқуқий ва ресурслардан фойдаланиш қисмларини кўриб чиқган<sup>25</sup>.

Хорижлик олимлар қаторида, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларидан бошлаб, жаҳонда тўпланган бой назарий билим ва амалий тажрибаларга таянган ҳолда тадбиркорлик фаолияти ва айниқса, кичик бизнесни мамлакатимиз иқтисодиётида ривожлантириш масалалари кўплаб республикамизнинг таниқли олимлари томонидан кенг қамровли тадқиқотлари асосида ўрганилган. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумий жиҳатлари М.Р.Болтабаев, А.Н.Самадов, Ш.Ж.Эргашходжаева, А.Т.Юсупов, М.С.Қосимова, Б.К.Ғойибназаров<sup>26</sup> олимларнинг асарларида баён этилган.

---

<sup>22</sup> Матвеева Н.С. Предпринимательская деятельность как разновидность экономической деятельности // Предпринимательство. УЭКС, №1. 2008.

<sup>23</sup> Дорофеева О.Н. “Совершенствование механизма финансовой поддержки малого предпринимательства (на примере Республики Коми)”. Автореферат. 2012. С.9.

<sup>24</sup> Алещенко В.В., Карпова В.В. “Совершенствование механизма государственной поддержки субъектов малого и среднего предпринимательства”. Коллективная монография. Омск: ИЦ «Омский научный вестник». 2015. С.188.

<sup>25</sup> Гамидуллаев Р.Б. Анализ механизмов государственной поддержки малого инновационного предпринимательства // Известия ПГПУ им. В.Г. Белинского. 2012. №28. С.298.

<sup>26</sup> Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Т.: Мехнат, 2010. - 349 б.; Абдуллаев Ё., Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув кўланма. Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.



Хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш ҳамда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш масалалари С.С.Ғуломов<sup>27</sup>, Б.Ю.Ходиев<sup>28</sup>, У.П.Умурзаков<sup>29</sup> томонларидан тадқиқ этилган.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни солиқ механизмлари орқали ривожлантириш муаммолари М.И.Альмардонов<sup>30</sup>, Н.Б.Ашурова<sup>31</sup>, А.А.Ботиров<sup>32</sup>, А.В.Ваҳабов<sup>33</sup>, томонларидан тадқиқ этилган.

Р.Валижонов ва О.Қобуловлар “бизнес” ва “тадбиркорлик” каби атамалар “фойда олиш ва зарар кўриш натижасига эга бўлган товарлар ва хизматлар айрибошлаш бўйича якуний операцияларни амалга оширишни кўзда тутди”<sup>34</sup>, деб таърифдашса, К.И.Курпаянидининг тадқиқотларига кўра, тадбиркорлик фаолияти бу – ресурсларнинг рационал ва фойдали кўйилмаларининг янги соҳаларини излаш, ишлаб чиқаришда янги комбинацияларнинг амалга оширилиши, янги бозорларга чиқиш ва янги маҳсулотларни яратиш тушунилади<sup>35</sup>.

Тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги назарий ёндашуларнинг таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, бир неча асрлар давомида кўплаб олимлар томонидан илмий жиҳатдан ўрганиб келинган ва бугунги кунга қадар ҳам унинг турли йўналишлари ва қирралари бутун дунё олимлари томонидан чуқур тадқиқ этиб келинмоқда. Тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига нисбатан турли назарий ёндашулар шакллантирилган бўлиб унга ягона бир таърифи мавжуд эмаслигини эътироф этиш мумкин.

---

<sup>27</sup> Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: 2008. -365 б.

<sup>28</sup> Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: 2010. Б.267.

<sup>29</sup> U.P.Umurzakov, A.J.Toshboyev Kichik biznes va tadbirkorlik. Т.: 2014. В.480

<sup>30</sup> Альмардонов М.И. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва уни тадбиркорлик фаолиятига таъсири. Дис. ... икт. фан. д-ри. Т.: 2004.

<sup>31</sup> Ашурова Н.Б. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда солиқ механизмнинг таъсири. Дис. ... икт. фан. номз. Т.: 2008.


<sup>32</sup> Ботиров А.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш йўллари. Дис. ... икт. фан. номз. Т.: 2012.

<sup>33</sup> Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик / А.В.Ваҳабов, Б.Р.Санакулова. Т.: ТМІ, 2013. - 405 б.

<sup>34</sup> Валижонов Р., Қобулов О. Менежмент асослари. –Т.: Университет. 1997. 51 бет.

<sup>35</sup> Kurpayanidi K.I. To issue of development of entrepreneurship in the regions: theory and practice of Uzbekistan (on the materials of Andizhan region) / International Scientific Journal “Theoretical & Applied Science”. 2020. Philadelphia, USA. http:// T-Science.org

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятининг турли соҳа ва йўналишлар бўйича фаол амалга оширилаётганлигини кузатиш мумкин ва унинг турлари кўпайиши шубҳасиз мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражасини белгилаб беради (1.1.1-расм).



**1.1.1-расм. Тадбиркорлик фаолияти турлари<sup>36</sup>**

1.1.1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва тармоқларига кириб борган ва бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятисиз мазкур соҳаларнинг ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди.

Миллий иқтисодиётнинг барча асосий фондлари ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига иқтисодий фаолиятнинг йирик соҳаларидан бири бу қурилиш ҳисобланади. Зеро, қурилиш тармоғи иқтисодиётнинг барча соҳалари моддий-техник базасини яратишда ҳамда аҳолининг уй-жой, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаси хизматлари, шунингдек, маданий хордиққа бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди. Қурилиш

<sup>36</sup> Муаллиф ишланмаси.

соҳасидаги давлат сиёсати мамлакат, минтақалар ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш мақсадида инновациялар, инвестициялар, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали тармоқ салоҳиятини оширишга йўналтирилган<sup>37</sup>.

Ижтимоий тадқиқотларда танилган олим А.Маслоу ўзининг “эҳтиёжлар иерархияси” деб номланган тадқиқотида инсоннинг энг асосий эҳтиёжи бу – ҳавфсизликга бўлган эҳтиёжи деб белгилайди, яъни, унинг энг асосий талаби бу уй-жойга бўлган талабини қондиришга қаратилган фаолият деб ҳисоблайди. Ҳаттоки бугунги кунда ҳам, замонавий техника ва технологиялар ривожланган даврда, ахборот технологиялари ривожланган ва интернет асри деб таърифланган даврда инсон учун, физиологик талабларидан энг асосийларидан бири бу уй-жой билан таъминланганлиги ҳисобланади.

Бунда шубҳасиз С.О.Вороновичнинг фикри билан қўшилиш мумкин, унинг эътироф этишига кўра, “уй жой билан таъминланганлик масаласи инсонларнинг ҳавфсизликга бўлган эҳтиёжлари билан бевосита корреляцияда бўлади”<sup>38</sup>.

Маълумки, қурилиш соҳаси бу – иқтисодиётнинг йирик соҳаси бўлиб, иқтисодиётни бошқаришнинг умумий қонуниятлари ва тамойилларига асосланган ҳолда фаолияти ташкил этилган бўлади. Аммо шу билан бирга қурилиш моддий бойликларни яратиш соҳа сингари саноатдан кескин фарқ қилади. Қурилишнинг маҳсулоти бу тўлиқ яқунланган ва ўрнатилган тартибда топширилган иш фаолияти ёки хизмат кўрсатишга тайёрланган уй-жойлар, корхоналар, бинолар, ижтимоий объектлар ҳисобланади. Демакки, қурилишнинг маҳсулоти, маълум ҳудудга бириктирилган кўчмас бўлади.

---

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси” ПФ-6119-сон Фармони.

<sup>38</sup> Воронович С.О. Социально-экономические особенности развития рынка жилой недвижимости в России / Вестник КГУ им. Н.А.Некрасова. №4. 2011. С.45.

Моддий ишлаб чиқариш тармоғи сингари қурилиш бошқа соҳалардан ажралиб турадиган ўзига хос қатор хусусиятларга эга. Мазкур хусусиятлар унинг якуний маҳсулоти, меҳнат фаолиятининг ўзига хослиги, фойдаланиладиган техника ва технологиялар, ишлаб чиқариш жараёни ташкил этиш, бошқарув ва моддий техник таъминот каби жараёнлари билан ажралиб туради. Ўз навбатида, қурилишнинг саноатдан фарқли жиҳатларидан бири, қурилишнинг маҳсулоти бозорга номаълум харидорга етказилмайди, аксинча, қурилиш маҳсулоти аввалдан келишилган ва тасдиқланган лойиҳа асосида аниқ буюртмачининг буюртмаси асосида қурилган объект ҳисобланади.

А.И.Сиверикова, В.З.Величкиннинг таърифларига кўра, қурилиш бу техник ва молиявий мураккаб жараён бўлиб вақт ва кўламда барча ишларнинг мужассам ҳолатдаги алоқадорлигисиз тасавур этиб бўлмайди. Қурилишнинг барча босқичларида қисқа вақт оралиғида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган барча технологик талабларга риоя қилиш талаб этилади<sup>39</sup>.

Таҳлилларга кўра, қурилиш соҳасида бевосита ёки билвосита 70дан ортиқ иқтисодиётнинг турли хилдаги соҳалари иштирок этади, улар жумласидан, қурилишга металл ва металлконструкцияларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилар, цемент, тахта маҳсулотлари, транспорт воситалар, ёқилғи ва энергия ресурслари ва бошқа кўплаб йўналишдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқлари жалб қилинади.

Демак бундан белгилаш мумкинки, умум иқтисодий жиҳатдан қурилиш соҳаси мамлакатнинг бевосита иқтисодий ривожланиш жараёнларига таъсир кўрсатиши сабабли ЯИМнинг ўсиши билан корреляцион алоқадорлиги шубҳасиздир.

Жаҳон амалиётидан маълумки қурилиш соҳасини тадбиркорликнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди ва соҳада қанчалик турли хилдаги тадбиркорлик субъектлари иштироки юқори бўлса, шунчалик улар ўртасида

---

<sup>39</sup> Сиверикова А.И., Величкин В.З. Параллельно-поточный метод организации строительства // Строительство уникальных зданий и сооружений. 4 (31). 2015. С.135-162.

рақобатнинг ривожланишига эришилади, бу эса, ўз навбатида юқори сифат ва мақбул нархлар шаклланишини таъминлайди, энг асосийси, бозордан норентабел қурилиш корхоналарнинг чиқиб кетиши ва қурилиш соҳасининг ривожланиш гарови бўлади.

Қурилиш корхоналари мураккаб иқтисодий тизимларни ташкил этиб, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида иштирок этишади. Шу билан бирга ҳар қандай қурилиш корхонанинг фаолият натижаси бу фойдаланишга тайёр бўлган, белгиланган муддатда яқунланган, ҳавфсизлик талабларига жавоб берадиган ҳамда иқтисодий самарадорликка эга бўлган кўчмас мулк объектидир<sup>40</sup>.

А.В.Волошин ўз тадқиқотида, қурилиш объектларнинг турли хили кўпайиши ва индивидуал қурилишнинг кескин кўпайиши шароитида турли хилдаги қурилиш ташкилотларига талаб кўпайишини асослайди<sup>41</sup>. Л.Г.Селютиннинг фикрига кўра, қурилиш корхоналари самарадорлиги бошқа корхоналар билан ўзаро алоқадорлиги натижасида эришилишини асослайди<sup>42</sup>.

А.М.Купчеков ва О.В.Лустинанинг<sup>43</sup> тадқиқотларига кўра, қурилиш корхоналарини қуйидаги тузулмаларга бўлиш мумкин:

- тор ихтисосликдаги корхоналар, оммавий ёки кўпсерияли чекланган ассортиментда маҳсулотлар ишлаб чиқаришади, маҳсул ишларни бажаришади;

- кўптармоқли корхоналар – турли хилдаги ихтисосликларга мослаштирилган кенг кўламдаги ассортиментли маҳсулотлар ишлаб чиқаришади. Рақобатнинг тобора ривожланиши сабабли аксарият тор ихтисосликдаги корхоналар молиявий-иқтисодий жиҳатдан мустахкамлангандан сўнг маҳсулотлар ассортиментини кенгайтирадилар ва

---

<sup>40</sup> Андреева Г.С. Оценка финансово-экономической устойчивости компаний в условиях развития системы саморегулирования / Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург. 2018. С.28.

<sup>41</sup> Волошин А.В. Малый бизнес в строительстве: перспективы развития // Вестник Иркутского государственного технического университета. 2013. №3 (74). С.129-132.

<sup>42</sup> Селютин Л.Г. Системный подход к решению задач в сфере проектирования и управления строительством // Кант. 2015. № 2 (15). С.71-72.

<sup>43</sup> Купчеков А.М., Лустина О.В. проблемы субъектов малого и среднего предпринимательства в строительной сфере // Молодой ученый. №17. 2016. С.431.

янги бозорларни ўзлаштиришади. Бу борада, қурилиш-муҳандислик корхоналари бир вақтда ғишт ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж қурилмалари, транспорт хизматлари ва бошқа тижорат операцияларни амалга оширишлари мумкин;

- аралаш турдаги корхоналар бир маҳсулот ёки хом ашё ишлаб чиқараётган корхона кетма-кетликда ёки параллел равишда бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида қурилиш соҳасининг ролини таҳлил қилишда асосий муаммолардан бири бу эмпирик маълумотларнинг етишмаслиги бўлиб қолмоқда. Очiq статистик маълумотлар тақдим қиладиган аксарият халқаро ташкилотлар (масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди) томонидан қурилиш соҳасининг ҳажми фақат кўшилган қиймат шаклида ҳисобланиб одатда иш ҳақи учун харажатлар, устама харажатлар ва даромадларни инобатга олади. Ваҳоланки, қурилиш соҳанинг ролини ўрганишда қурилишга сарфланган жами харажатларни инобатга олиш зарур<sup>44</sup>.

Ушбу муносабатда, турли мамлакатларда иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар ЯИМда қурилиш соҳасининг улушини аниқлашда Бон эгри чизиғидан фойдаланилади (Bon curve)<sup>45</sup>. Мазкур қонуниятнинг асосий ғояси, мамлакат иқтисодий жиҳатдан ривожланган сари ЯИМда қурилиш соҳасининг ҳиссаси ортиб боради.

1977 йилда Бурнс ва Греблер (Burns ва Grebler) мазкур боғлиқликни уй-жой қурилиш соҳасида мавжудлигини илмий асослаб беришган. Хусусан 39та мамлакатлар иқтисодиётини ўрганишда муаллифлар қурилиш соҳасининг ЯИМда улуши аввал ўсиш тенденциясига сўнг пасайиш тенденциясига эга бўлади<sup>46</sup>.

---

<sup>44</sup> Crosthwaite D. 2000. The global construction market: a cross-sectional analysis. *Construction Management and Economics*, 18, pp. 619-627.

<sup>45</sup> Ruddock L., Lopes J. The construction sector and economic development: the «Bon curve». *Construction Management and Economics*. 2006. pp. 717-723; Lopes J., Balsa C., Nunes A. 2011. The Long Run Relationship between the Construction Sector and the National Economy in Cape Verde. *International Journal of Strategic Property Management*, Vol.15(1), pp. 48-59.

<sup>46</sup> Burns L.S., Grebler L. *The Housing of Nations: Analysis and Policy in a Comparative Framework*. 1977.

1990 йилда Р.Бон ўз навбатида, Бурнс ва Греблер томонидан ўтказилган тадқиқотни янада кенгайтириш мақсадида уй-жой қурилиши бўйича амалга оширилган тадқиқотларнинг асосида бутун қурилиш соҳаси бўйича амалга оширади ва 150 мамлакатлар иқтисодиёти мисолида 15 йил оралиғида таҳлилни амалга оширади (1970-1985 йй.). Иқтисодий ривожланиш кўрсаткичи сифатида ЯИМнинг аҳоли жон боши бўйича таҳлилидан фойдаланилган. Тадқиқот натижалари сифатида Бурнс ва Греблерлар томонидан қурилиш соҳасига боғлиқлик асослаб берилган бўлиб кейинчалик унга Бон эгри чизиғи номи берилган<sup>47</sup>.

Қурилиш соҳасидаги мазкур илмий янгилик кейинчалик кўплаб илмий тадқиқотларда эмпирик таҳлиллар асосида бошқа тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда ўз тасдиғини топган. Жумладан, 2000 йилда Крошвайт ўз тадқиқотида қурилиш соҳасининг иқтисодиётда улушини аниқлашда қурилиш соҳасида амалга ошириладиган харажатларни 150та мамлакатлар мисолида ўрганган ва тадқиқот натижаларида, аввалги йилларда аниқланган боғлиқлик мавжудлиги ўз тасдиғини топди<sup>48</sup>.

Юқоридаги тадқиқотлардан фарқли равишда Турин (Turin), қурилиш соҳасининг миллий иқтисодиётга таъсир қилиш даражасини ўрганишда бошқача ҳулоса шакллантиради, яъни, 78та мамлакатлар тажрибаси ўрганиш асосида тадқиқоти натижаларига кўра, мамлакат иқтисодий ривожлангани сари қурилиш соҳасининг ЯИМдаги улуши доимий ўсишга эга бўлади, аввал, ўсиб бориш тезликда, сўнг нисбатан секин ўсиш бўлади<sup>49</sup>.

Уй-жой қурулиш бозорида тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг назарий асосларини тадқиқ қилиш асосида ҳулоса қилиш мумкинки, қурилиш – бу моддий ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳаси бўлиб, ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқаришга мослаштирилмаган янги, реконструкция қилинган

---

<sup>47</sup> Bon R. The World Construction Market 1970-85. Building Economics and Construction Management: Proceedings of the CIB W65 Symposium. 1990.

<sup>48</sup> Crosthwaite D. The global construction market: a cross-sectional analysis. Construction Management and Economics. 2000. Pp.619-627.

<sup>49</sup> Turin D.A. Construction and Development. Habitat Intl., 3(1-2), 1978. Pp.33-45.

объектларни ишга тушуриш, таъмирлаш ҳамда амалдаги объектларни техник куруллантиришга мўлжалланган фаолиятдир. Қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг муваффақиятли ривожланиш асосини унинг мобиллиги, бозорда ва бизнес жараёнларда рўй берадиган ўзгаришларга тезкор муносабат билдиришга асосланади.

Шунингдек, бугунги кунда замонавий техника ва технологиялар, ахборот технологиялари ва интернет ривожланган асри деб таърифланган даврда, инсон учун, физиологик талабларидан бири бу уй-жой билан таъминланиш, яъни, ҳавфсизликга бўлган эҳтиёжнинг ҳар замонда доимийлиги А.Маслоунинг “эҳтиёжлар иерархияси” назариясининг мукаммалигини тасдиқлайди.

Инсониятнинг уй-жой билан таъминланиш эҳтиёжи, бозор иқтисодиёти қонунияти – эҳтиёжни қондириш учун таклиф бозорининг ривожланишига асос солади. Яъни, ушбу йўналишда мустақил фаолият юритадиган, ўз билими, маблағи, таваққали ва меҳнатига таянадиган тадбиркорнинг шаклланишини билдиради.

## **§ 1.2. Уй-жой қурилиш бозорида тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ташкилий-иқтисодий асослари**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлардан бири, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилганлиги алоҳида аҳамиятга сазовор. Зеро, жаҳон амалиётидан маълумки, айнан тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиётда ривожлантирилиши ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши бу, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий ва шу билан бир қаторда ижтимоий соҳаларда ижобий натижалар ва устуворликларга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.


Белгилаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришда барча ташкилий чораларни кўриш имкониятлари мавжуд, чунки, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларидан бошлаб ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликнинг турли шакллари ва



йўналишларини ривожлантиришга барча имкониятлар сафарбард қилинганлиги эътирофга сазовор.

Хусусан, жорий йилнинг 3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда уй-жой қурулишида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижаларига бағишланган видеоселектр йиғилиши ўтказилди. Йиғилиш натижасида мамлакатнинг барча ҳудудларида уй-жой қурулиши бўйича кенг қўламли дастурни амалга ошириш вазифаси белгиланди ва мазкур дастурнинг молиявий ҳажми 1,1 млрд. АҚШ доллар миқдорида бўлиб айнан пандемия шароитида иқтисодий ривожланишга қўшимча қўмак бўлиши алоҳида белгиланди<sup>50</sup>.

Таҳлилларга кўра, қурилиш соҳасига киритилган 1,1 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар ўз навбатида ЯИМнинг ва иқтисодётнинг ишлаб чиқариш тармоқлари ҳажмининг ўсишига бевосита ва билвосита тарзда мултипликатив самарадорлиги бўлади. Хусусан, қурилиш маҳсулотларини, энергия ресурслари ва фойдали қазилмаларни ишлаб чиқаришнинг ўсишида намоён бўлади (1.2.1-расм).




**1.2.1-расм. Қурилиш соҳасининг молиялаштирилиши Ўзбекистон иқтисодиётига таъсир кўрсатиш самарадорлиги (% ҳисобида)<sup>51</sup>**

<sup>50</sup> <https://review.uz/post/ekspert-ceir-investicii-v-stroitelstvo-na-11-mlrd-privedut-k-dopolnitelnomu-rostu-vvp-ot-10-do-15>

<sup>51</sup> <https://review.uz/post/ekspert-ceir-investicii-v-stroitelstvo-na-11-mlrd-privedut-k-dopolnitelnomu-rostu-vvp-ot-10-do-15>

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўсиш кўрсаткичлари асосан ижара, лизинг, таъмирлаш ҳамда машина ва ускуналарни ўрнатиш билан боғлиқ бўлган хизматларнинг амалга оширилиши ҳисобига ўсиш кутилади. Пировард натижада қурилиш ҳажмининг ўсиши ЯИМнинг қўшимча тарзда 1,0 фоиздан 1,5 фоизгачан ўсишини ҳамда янги иш ўринлари ўсиши ва аҳолининг фаравонлиги таъминланади.

Таъкидлаш лозимки, қурилиш корхонаси бевосита бир нечта бозорлар билан алоқадорлиги ўрнатилади, улар жумласидан истеъмол бозори, ишлаб чиқарувчилар бозори, хизмат кўрсатувчилар бозори ҳамда воситачилар бозори шулар жумласидан (1.2.2-расм).



**1.2.2-расм. Қурилиш корхонасининг турли хилдаги бозорлар билан алоқадорлиги<sup>52</sup>**

Қурилиш корхонасининг барча алоқадорлиги мавжуд бўлган бозорлар билан ўзаро манфаатли алоқадорлик ўрнатилади, масалан, истеъмол бозорида бевосита қуриладиган объектнинг харидорлари билан аввалдан ёки қурилиш якунлангандан сўнг савдо алоқалари, ишлаб чиқарувчилар бозорида қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан алоқадорлик, хизматлар бозорида қурилиш соҳасидаги турли хилдаги хизматлар ва воситачи бозорда

<sup>52</sup> Муаллиф ишланмаси.

қурилиш объектларини қайта сотиш билан шуғуланувчи корхоналар билан алоқадорликлар амалга оширилади.

Қурилиш жараёнида бир нечта тадбир турлари ажратилади, улар жумласига қуйидагилар киради:

- лойиҳа бўйича зарурий хужжатларнинг йиғими ва уларнинг мутассади ташкилотларга тақдим қилиниши;

- зарурат холларида ташқи бошқарувчи, мухандис ва бошқа мутахассисларнинг ишга олиниши;

- зарурий текширувлардан ўтиш ва уларни талаб қилиш;

- сув таъминоти тизими ва қувурларга уланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар;

- қурилган объектларни сотиш имкониятини яратиш мақсадида рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар.

Барча жараёнларга сарфланадиган вақтга баҳо беришда, компания раҳбарияти қурилишга таълуқли бўлган барча талаблар ва нормалардан хабардорлиги ҳамда жараёнларнинг кетма-кетлигидан хабардорлиги назарда тутилади.

Қурилиш жараёнининг 3та асосий босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин, булар, қурилишга тайёргарлик кўриш, қурилиш жараёни, қурилиш маҳсулотини сотиш (тайёр бўлган қурилиш объектини фойдаланишга топшириш) (1.2.3-расм).



### 1.2.3-расм. Қурилиш жараёнининг асосий босқичлари<sup>53</sup>

Бошқа фаолият туридаги корхоналар сингари қурилиш корхоналарида ҳам бошқарув тизими маълум бир ташкилий тузулма орқали амалга оширилади ва уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

**1. Чизиқли бошқарув** – ҳар бир бўғинда алоҳида бошқарувчи бўлади ва бир нечта бўғинларга бўй синувчилар бўлади.

**2. Функционал** – алоҳида функцияларни таъминлаш мақсадида, бошқарувчилар томонидан белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутди.

**3. Аралаш** – юқори даражадаги бошқарувчи ходимлари томонидан таклифларни қабул қилади, таҳлил қилади ва қарор қабул қилади. Қабул қилинган қарорлар ижро учун қуйи – ижро этувчи тузулмаларга берилади.

<sup>53</sup> Муаллиф ишланмаси.

**4. Матрицали тузулма** – корхонанинг ташқи муҳитнинг ўзгаришларига мослашишни кучайтиради ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда якуний натижага қаратилган бўлади.

**5. Дивизионал тузулма** – алоҳида маҳсулотлар ва алоҳида вазифаларга асосланган бўлиб бошқарувнинг ажратилган ҳолатини назарда тутди. Бундай тузулманинг асосий масъулият менежерларда бўлиб, улар барча ишлаб чиқариш тузулмаларини бошқаришади.

Белгилаш зарурки, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик корхоналар учун энг мақбули чизикли ва функционал тузулмалар бўлса, йирик корхоналар учун аралаш, матрицали ва дивизионал тузулмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Қурилиш соҳасининг ривожланиши ишчи ўринларнинг ўсиши, шаҳарларнинг инфратузулмасининг кенгайиши, нафақат ҳудуднинг балки мамлакатнинг иқтисодиёти ривожланишига эришилади. Мазкур ҳолат қурилиш соҳасига алоҳида эътибор беришни, хусусан мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини излашни тақазо этади.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг қурилиш соҳасида фаол равишда турли шакл ва ҳажмдаги тадбиркорлик вакиллари фаолиятларини қурилиш-монтаж, қурилиш-таъмирлаш, қурилиш маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқариш, шаклларида амалга ошириб келишмоқда. Қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантириш доирасидаги илмий адабиётларнинг таҳлили асосида соҳадаги тадбиркорлик фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган турли хилдаги чекловлар ва тўсиқларни учта асосий тизимга ажратиш мумкин:

- умумиқтисодий чекловлар – мамлакат иқтисодиёти даражасида;
- умум соҳалараро чекловлар – бутун қурилиш соҳасига таълуқли бўлган чекловлар;
- махсус чекловлар – қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик фаолиятига таълуқли бўлган чекловлар.

**Умумиқтисодий чекловларга қуйидагиларни киритиш мумкин:**

- миллий иқтисодиёт ривожланишининг ҳажми пасайиши, яъни, янги қурилишлар ҳажмининг пасайиши;

- мамлакатдаги капиталнинг бошқа мамлакатларга чиқиб кетиши;

- давлат дастурларида белгиланган мақсадли вазифаларнинг ижро этилмаслиги.

**Умум соҳалараро чекловлар** қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қурилиш учун зарур бўлган ер ажратилиши билан боғлиқ бўлган муаммолар;

- хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги пастлиги;

- қурилиш монтаж ишларни амалга оширишда норма ва қоидаларнинг эскирганлиги ва уларга риоя қилинмаслиги;

- қурилиш соҳа мутахассисларнинг малакаси пастлиги, улар жумласидан, муҳандислар, техник ходимлар, менежерлар ва қурувчилар;

- қурилиш жараёнининг техник назорати тизимининг пастлиги ва бошқалар.

**Махсус чекловлар** – қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик фаолиятига таълуқли бўлган чекловлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. соҳада норматив-ҳуқуқий базанинг такомиллашмаганлиги;

2. соҳада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун молиявий-кредит механизмларнинг ривожланмаганлиги ва харидорларнинг тўлов қобилияти пастлиги;

3. инвестицияларни жалб қилиш муаммоси;

4. кадрлар кўнимсизлик муаммоси, айниқса малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;

5. яширин иқтисодий фаолиятнинг мавжудлиги;

6. инновацияларни жорий қилиш даражаси пастлиги.

Махсус чекловлар бўйича кўрсатилган йўналишларнинг таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

**1. Норматив-ҳуқуқий базанинг такомиллашмаганлиги.** Мамлакатда ташкил этилган барча фаолият турлари қонунчиликда белгиланган тартиб қоидалар асосида ташкил этилади ва фаолият кўрсатишга руҳсат берилади. Шу жумладан, қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини юритиш ҳам бундан истисно эмас. Аммо соҳа фаолиятини қонунчилик доирасида ташкил этилиши қаторида, соҳанинг истиқболда жаҳон талаблари даражасида ривожланишига ва пировард натижада юқори самарадорликни таъминлашга хизмат қилишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши аҳамият касб этади.

**2. Соҳада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун молиявий-кредит механизмларнинг ривожланмаганлиги ва харидорларнинг тўлов қобилияти пастлиги.**

Маълумки, жаҳон амалиётида тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган асосий муаммолардан бири бу молиявий таъминот ҳисобланади.

Чунки, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, айниқса АҚШнинг тажрибасига кўра, тадбиркорлик фаолиятининг етарли даражада молиялаштирилиши иқтисодиётнинг асосий локомативига айланади<sup>54</sup>.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш тизими таҳлилига кўра аксарият мамлакатларда молиялаштириш тизими ўзаро фарқ қилади. Масалан, Германияда асосан кредит тизимларидан кенг фойдаланилади, хорижий валюталарда кредитлардан Дания, Италия ва Португалия тадбиркорлари кенг фойдаланади, аммо бундай тизим бошқа Европа Иттифоқи мамлакатларида деярли мавжуд эмас. Японияда деярли барча банк кредитларининг 60 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келади<sup>55</sup>.

---

<sup>54</sup> Громковский В. Как американцы догоняли СССР за счет малых предприятий // Эксперт. 2016. № 7. С.50-53.

<sup>55</sup> Financing SMEs and entrepreneurs 2017: an OECD scoreboard highlights. URL: [https://www.oecd.org/cfe/smes/Financing%20SMEs%20and%20Entrepreneurs%202017\\_Highlights.pdf](https://www.oecd.org/cfe/smes/Financing%20SMEs%20and%20Entrepreneurs%202017_Highlights.pdf)

Ўз навбатида янги ташкил этилган ва фаолият юритаётган корхоналарни молиялаштиришда фарқлар ҳам мавжуд. Масалан, Буюк Британияда ташкил этилаётган кичик корхоналарда молиялаштиришнинг асосий манбаи бу хусусий жамғармалар ҳисобланади. Шунингдек, тез ривожланаётган, секин ривожланаётган ва ривожланмаётган корхоналар ўртасида фарқлар мавжуд. Улардан тез ривожланаётган корхоналар янги иш ўринларнинг яратилишида ўзига хос ўринга эгадирлар. Ушбу жиҳатда тез ривожланаётган корхоналар, секин ёки ривожланмаётган корхоналарга нисбатан турли хилдаги молиявий таъминот турларидан фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Демак, корхонанинг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб молиявий таъминот манбаалари шунга қараб ўзгаради. Масалан, бошланғич босқичда корхоналар учун асосий молиявий таъминот даромад ҳисобланади.

С.Матросова ва Н.Рейхерт ўз тадқиқотларида тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг турли хилларини тадқиқ қилишган ва ўзларининг тадқиқотлари асосида қуйидаги гуруҳларга ажратишган<sup>56</sup>:

1. Ишчи ўринлари кўп бўлмаган ҳамда жиддий молиявий муаммолари бўлмаган кичик корхоналар, асосан илғор технологиялар билан шуғулланувчи корхоналар.

2. Худудий бозорларда фаолият кўрсатувчи молиявий жиҳатдан барқарор бўлган корхоналар. Биринчи гуруҳдаги компанияларга нисбатан ушбу корхоналар секин ривожланадиган корхоналар тури ҳисоблаш мумкин.

3. Ноль ўсиш даражасига эга бўлган корхоналар, улар молиявий таъминотга нисбатан асосан ташқи муҳит омилларига боғлиқлиги юқори бўлади, улар жумласидан бозор конъюктураси, рақобатчиларнинг кўплиги ва бошқалар.

4. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган корхоналар бўлиб, улар асосан ўзини-ўзи банд қилиш режимида фаолият кўрсатади ва асосан хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритишади.

---

<sup>56</sup> Матросова С.В., Рейхерт Н.В. Проблемы финансирования малого предпринимательства в России // 2011 <https://cyberleninka.ru/article/n/problemyfinansirovaniyamalogo-predprinimatelstva-v-rossii>



Иқтисодиёти ривожланмаган, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг салмоқли қисмининг тўлов қобилияти пастлиги устувор муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу жиҳатдан аксарият ҳолларда мазкур муаммони бартараф этишда турли хилдаги молиявий механизмлардан фойдаланилади, улар жумласидан, тижорат банклар томонидан имтиёзли ва узоқ муддатли кредитларнинг ажратилиши, давлат томонидан аҳолининг маълум қатлами учун узоқ муддатли заёмларнинг чиқарилиши ва бошқалар.

### **3. Инвестицияларни жалб қилиш муаммоси.**

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятида мавжуд бўлган асосий муаммолардан бири бу инвестицияларнинг етишмаслиги ҳисобланади.

Мазкур муаммонинг ечими сифатида А.П.Родионов ўз тадқиқотида соҳага инвестицияларни фаол жалб қилишни таъминлаш мақсадида аралаш шаклдаги давлат-хусусий инвестицион компаниялар ва инвестицион банкларни шакллантириш таклифини илгари суради. Мазкур механизм орқали узоқ муддатли давлат инвестицион облигацияларни муомилага чиқариш, давлат кафолатлари асосида молиявий маблағларни жалб қилиш имкониятини беради, бу эса ўз навбатида, қурилиш соҳасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг инвестицион рискларини камайтиришга хизмат қилади<sup>57</sup>.

### **4. Кадрлар кўнимсизлик муаммоси, малакали мутахассисларнинг етишмаслиги.**

Тадқиқотларга кўра, аксарият қурилиш фаолиятидаги корхоналарда асосий муаммолардан бири бу барча тоифадаги ишчи ва мутахассисларнинг кўнимсизлиги ҳисобланади. Е.В.Фоломеев қурилиш соҳасидаги корхоналардаги муаммоларни тадқиқ қилишда аксарият муаммолар қаторида қурилиш корхоналарига ишчиларни танлаб олишда белгиланган

---

<sup>57</sup> Родионов А.П. Проблемы и перспективы развития малого предпринимательства строительной отрасли в России на современном этапе / Проблемы теории и практики предпринимательства. С.121.

мезонларнинг даражаси пастлиги, бунинг натижасида соҳада малакасиз мутахассислар таркиби кўпайшига олиб келиши эътироф этилган<sup>58</sup>.

### **5. Яширин иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши.**

Қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган яна бир муаммолардан бири бу соҳада яширин иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши ҳисобланади, яъни, корхоналар даромад манбаини кўпайтириш мақсадида яширин иқтисодий фаолиятни амалга ошириши мумкин. Хусусан, даромадларни яшириш, солиқ тўловларини камайтириш ва яширин тўловларни амалга ошириш, яъни, мазкур жараён асосида улар томонидан рақобатбардошликни ошириш йўли сифатида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар ва мамлакатни 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида: очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш; иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш; “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш вазифалар белгиланган<sup>59</sup>.

Маълумки, “яширин” иқтисодиётни аниқлаш, шаклланишини олдини олиш ва унинг улушини пасайтириш ҳозирги замон иқтисодий сиёсатнинг ўта долзарб муаммоларидан бири бўлиб, уни зудлик билан ҳал этиш учун комплекс чора-тадбирларни кечиктирмай амалга ошириш лозимлигини бугунги вазиятнинг ўзи талаб этмоқда.

“Яширин” иқтисодиёт миллий ҳавфсизликка таҳдид сифатида айрим индивидлар, уларнинг гуруҳлари, институционал субъектлар ўртасида моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва

---

<sup>58</sup> Фоломеев Е.В. Современное состояние и проблемы малых предприятий в строительной отрасли России // Мир. 2011. №4 (8).

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар” ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 29.12.2018 й.

истеъмол қилиш борасида юзага келадиган ҳамда натижалари расмий статистикада инобатга олинмайдиган ва солиққа тортилмайдиган муносабатлар мажмуидир.

Жаҳон амалиёти таҳлиliga кўра, яширин иқтисодиётни қуйидаги омиллар рағбатлантиради: солиқ юки ва ижтимоий тўловларнинг кўпайиши; меҳнат бозоридаги чекловлар; молия секторига киришнинг мураккаблашиши (кредит олиш, фонд бозорида иштирок этиш); тартибга солувчи институтлар бошқарувининг кучсизлиги ва коррупция; давлат хизматлари сифат даражасининг пастлиги; тадбиркорлик субъектлари текширувлари ва жарималарининг кўплиги; юқори даражадаги ишсизлик ва ўз-ўзини иш билан банд қилиш; нақд пул айланмасининг юқорилиги.

Жаҳон банки томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра<sup>60</sup>, қуйидаги омиллар “яширин” иқтисодиётнинг қисқаришига сабаб бўлади:

- электрон тўловларнинг фаол жорий қилиниши;
- солиқларни соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш ва ҚҚСни жорий этиш;
- таълим тизими ва инфратузилмани ривожлантириш;
- ишга қабул қилиш ва бўшатиш бўйича тартибларни соддалаштириш ва норасмий бандларни расмийлаштириш чораларини кўриш ҳамда энг кам иш ҳаққи даражасини ошириш;
- корхоналарни рўйхатга олиш ва тугатиш ҳамда кредит олиш тартиб тамойилларини соддалаштириш ва арзонлаштириш;
- чуқур ўйланган ва узоқ муддатли стратегияларни қабул қилиш (тез ўзгарувчан муҳитдан қочиш);
- рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва “gig workers” – онлайн бандликни қўллаб-қувватлаш.

Маълумки, яширин тадбиркорлик фаолиятлари тўғрисида статистик маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, “яширин” иқтисодиёт тадқиқ қилиниши

---

<sup>60</sup> Global economic prospects: Darkening skies, January 2019. A World Bank Group Flagship Report, World Bank, Washington, D.

мураккаб бўлган йўналишлардан бири ҳисобланади. Зеро, “яширин” иқтисодиёт иштирокчилари ҳеч қандай ҳисоботларни топширмаслиги сабабли унинг аниқ ҳисоб-китобларини олиб боришнинг имкони мавжуд эмас. Шунга қарамай, Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра<sup>61</sup>, тахминий ҳисоб китобларни олиб боришнинг бевосита ва билвосита турларидан фойдаланилади.

Белгилаш лозимки, сўнгги йилларда миллий иқтисодиётда “яширин” иқтисодиётни бартараф этиш мақсадида кенг қамровли ислоҳатлар фаол амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида асосан “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг улушини кескин қисқартириш вазифалари белгиланган.

Бунинг учун Стратегиянинг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”нинг Давлат дастурида “яширин” иқтисодиётнинг омилларини соҳалар ва тармоқлар кесимида таҳлил қилиб, уни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш кўзда тутилган. Жумладан, унда:

- солиқ юкини камайтириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш;
- импорт қилинган товарларнинг ҳисоботларини электрон тарзда шаклланишини таъминлаш;
- нақд пулсиз ҳисоб-китобни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш;
- айрим товарлар учун идентификация маркировка қилишнинг ягона тизимини жорий этиш ва солиқ органлари томонидан маҳсулотни ҳисобга олишнинг электрон базасини яратиш;

---

<sup>61</sup> Medina M. and Schneider F. “Shadow Economies around the World: What Did We Learn Over the Last 20 Years?” IMF Working Paper 18/17, International Monetary Fund, Washington, DC. 2018.

- электрон тижорат фаолиятини қонунийлаштириш ва назорат қилиш механизмини жорий этиш;

- кўчмас мулк объектлари ва автотранспорт воситалари олди-сотдиси ва бошқа йирик миқдордаги битимлар бўйича ҳисоб-китобларни банк орқали амалга ошириш учун қулай шароит яратиш;

- тадбиркорлар фаолиятига давлат идоралари томонидан ноқонуний аралашувлар фактларига қатъий йўл қўймаслик;

- давлат органлари ишида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш борасида бажарилиши лозим бўлган ишлар мужассамлашган.

Оммавий ахборот воситалари томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт кўрсаткичи ЯИМнинг 50%ни ташкил этиши белгиланган<sup>62</sup>. “Афсуски, ЯИМда яширин иқтисодиётда улуши бу каби юқорилиги мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу борада, солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш яширин иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарур” деб белгиланган<sup>63</sup>.

Янги солиқ тизимида норасмий фаолиятни легализация қилиш бўйича бир қатор янгиликлар киритилди. Жумладан:

- фойда солиғи 14 фоиздан 12 фоизга туширилиб, тадбиркор фақат даромад олсагина тўланиши белгиланди;

- норасмий бандликни камайтириш мақсадида иш ҳақидан 30 фоизгача олинадиган даромад солиғи ўрнига ягона 12 фоизлик солиқ тури киритилди ва 8 фоизлик суғурта бадали умуман бекор қилинди;

- ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга тушурилди;

- якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ҳам 30 фоизга пасайтирилди.

<sup>62</sup><http://tashkenttimes.uz/economy/1926-size-of-uzbekistan-s-shadow-economy-at-over-50-of-gdp-deputy-economy-minister>

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

Ушбу имкониятлар тадбиркорларнинг ҳалол ишлаши, кўпроқ иш ўринлари яратишига хизмат қилиб, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш ва “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг асосий йўлларида бири бўлиб хизмат қилади.

## **6. Инновацияларни жорий қилиш даражаси пастлиги.**

Аксарият тармоқлар сингари қурилиш соҳасида ҳам мунтазам равишда инновациялар фаол жорий қилинадиган соҳалардан бири ҳисобланади, аммо шу билан бирга энг мураккаб ва кенг йўналишли инновациялар жорий қилинадиган соҳалардан бири ҳисобланади. Зеро, қурилиш корхоналарининг инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг асосий шартларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- инновацион қарорлар ва маҳсулотларни жорий қилишга қаратилган халқаро стандартларни жорий қилиш;

- лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш даражасини ошириш;

- қурилиш маҳсулотларнинг сифатини инновацияларни жорий қилиш ҳисобига қурилиш жараёнларини технологик янгилаш;

- соҳада амалга оширилаётган илмий ишланма ва тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

- янги бошқарув қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш;

- энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш.

Шу билан бирга қурилиш корхонасининг инновацион фаоллиги турли хилдаги ресурслардан иборат бўлади, улар жумласидан, моддий ресурслар, молиявий, интеллектуал, кадрлар ва бошқа ресурслар.

### **§ 1.3. Уй-жой қурилиши бозорида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси**

Жаҳон иқтисодиётида қурилиш бозорининг ривожланиши истиқболлари (“Global Construction Perspectives” ва “Oxford Economics” таҳлиллари асосида)<sup>64</sup>.

Жаҳон иқтисодиётида қурилиши бозорининг ривожланиши бевосита жаҳон бозори конъюктурасига асосланган бўлади. “Global Construction Perspectives” ва “Oxford Economics” халқаро мутахассисларининг баҳосига кўра, жаҳон қурилиш бозори 2016 йилга нисбатан 2030 йилда 85 фоизга ўсади ва жами 17,5 трлн. АҚШ долларни ташкил этади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, мазкур прогноз Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари (Индонезия, Вьетнам, Филлипин ва бшқ.) иқтисодиётида давом этаётган саноатлашиш жараёнларининг ривожланиши, аҳоли сонининг ўсиши ва бунинг натижасида урбанизация жараёнларининг фаоллашиши ҳамда аксарият ривожланган мамлакатларда инқироздан кейинги ривожланиш жараёнлар билан боғланган.

Алоҳида эътибор Ҳиндистон қурилиш бозорига қаратилган, сабаби ушбу ҳолат мамлакатда тобора ривожланаётган урбанизация жараёнлари ва аҳоли сонининг ошишига боғлиқ ва мамлакатда юзага келадиган мазкур талабни қондириш учун келгуси 15 йилда 170 млн.дан кам бўлмаган уй-жойларнинг қурилиши талаб этилади.

2025 йилга дунёда қурилиш бозорининг ривожланиши бўйича иккинчи ўрин Африка мамлакатлари бўлиши мумкин, хусусан, Нигерия, Гана, Камерун, Судан ва бшқ. Сабаби ушбу мамлакатларда аҳоли сони 40 фоизга ўсиши ва 1,2 млрд. аҳоли бўлиши кутилмоқда. Натижада, урбанизацияга талаб даражасининг ортиши янги уй-жойлар ҳамда шаҳар инфратузулмасини қуриш талабига таъсир кўрсатади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, аксинча ҳолат Ғарбий Европа мамлакатларида кузатилиши мумкин, яъни, қурилиш бозорининг пасайиши

---

<sup>64</sup> [https://budexport.by/world\\_market.php](https://budexport.by/world_market.php)

прогнозлаштирилган. Мазкур ҳолатга бир қатор омиллар таъсир кўрсатиши келтирилади, жумладан, мавжуд аксарият саноат биноларнинг энергия тежамкор шаклларга келтириш ва атроф муҳитни заҳарламаслик мақсадида қайта таъмирланиши. 2025 йилга келиб меҳнатга лойиқ аҳоли сонининг камайиши, бунинг натижасида офис ва омборхона биноларига талабнинг пасайиши мумкин. Аммо шу билан бирга, ижтимоий объектларнинг қурилиши ортиши мумкин, масалан, касалхоналар ва бошқалар, булар ўз навбатида ижтимоий стандартларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Умумий ҳолда, мутахассисларнинг прогнозига кўра, аксарият Европа Иттифоқи мамлакатларида қурилиш бозорига асосий таъсир кўрсатувчи омил сифатида нобарқарор демографик ҳолат бўлиши эҳтимоли юқори бўлади.

Жаҳон қурилиш бозорининг ривожланишига бевосита халқаро даражадаги йирик қурилиш компаниялари ҳам таъсир кўрсатади. Халқаро рейтингга кўра дунёда энг йирик қурилиш компаниялар сони 250 тани ташкил этади ва уларнинг даромадининг асосий улуши хорижий (экспорт) шартномалар асосида шаклланади. Мазкур компанияларнинг ўнталигининг 7 таси Европа Иттифоқи мамлакатлари, 2 таси Хитой ва 1 таси АҚШ компанияларига тўғри келади.

Таҳлиллар натижасида мутахассислар томонидан, жаҳон қурилиш бозорида узоқ истиқболда кутиладиган ўзгаришлар қуйидагилар белгиланган:

- саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қурилиш компаниялари шаклида қўшма корхоналарнинг сони кўпайиши, айниқса, Жанубий-Шарқий Осиё (Хитой, Индонезия, Жанубий Корея ва бшқ.);

- рўй бераётган рақобат кураши натижасида дунёдаги 250 та энг йирик компаниялари рўйхатида осие мамлакатларидан компаниялар сони, Европадаги компанияларнинг сони камайиши ҳисобига улуши кўпаяди;

- ривожланаётган мамлакатларда қурилиш соҳаси бўйича махсус илмий-тадқиқот марказларнинг пайдо бўлиши;



- қурилишда фаол тарзда экологик ҳавфсиз маҳсулотлар ва технологияларда кенг фойдаланилади, яъни “яшил” қурилиш тамойилларига риоя қилган ҳолда.

Аммо, айрим мутахассисларнинг фикрига кўра, Европанинг қурилиш бозорига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган таҳдидлардан бири бу, истиқболда соҳани ривожлантириш учун малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, бунинг асосий сабабларидан бири бу қурилиш соҳасининг ёшлар учун жозибадорлик даражасининг пастлиги ва шу сабабдан унга ёшларнинг жалб қилиниши етарли даражада бўлмаслиги келтирилган.

Миллий иқтисодиётда қурилиш соҳасини ривожлантириш, унинг устувор йўналишини белгилашда жаҳон амалиётига таянишни ва жаҳон бозори конъюктурасини инобатга олишни тақозо этади. Шунинг учун, Ўзбекистонда қурилиш соҳасида монополиянинг юзага келишига йўл қўймаслик, аксинча, эркин рақобат муҳитини яратиш, бунинг натижасида мамлакат аҳолисини мақбул нархларда ва шу билан бирга юқори сифатли уй-жойлар билан таъминлашга қаратилган давлат сиёсати соҳага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг жалб қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сонли “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси” Фармони қабул қилинган. Мазкур фармоннинг 2-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 32-бандида халқаро тажрибани ўрганиш асосида қурилиш кластерларини жорий этиш вазифаси белгиланган.

Мазкур фармоннинг мазмун ва моҳиятининг долзарблиги, соҳада яратиладиган маҳсулотларнинг мураккаблиги ва турли хиллигига асосланади. Яъни, қурилиш корхонаси фаолияти давомида бошқа йўналишдаги ташкилотлар ва корхоналар билан кооперацион алоқаларга асосланган бўлади.

Чунки, қурилишда саноатга нисбатан биронта қурилиш монтаж ташкилоти ўз кучи билан барча қурилиш жараёнларини амалга ошириш ва тайёр маҳсулот яратиш имкониятга эга эмас, бунинг учун турли йўналишдаги маҳсул ташкилотлар жалб қилинади<sup>65</sup>.

Иқтисодиётда қурилиш кластерларнинг пайдо бўлиши, қурилиш маҳсулотларнинг таннархини пасайтиришга хизмат қилади, бу эса, соҳанинг рақобатбардошлигини таъминлайди. Чунки, анъанавий шаклда қурилиш соҳасида кластер механизмлари таркиби асосан қуйидаги бўғинлардан иборат бўлади:

- хомашё таъминоти (қум, шағал қарьералари ва бошқалар);
- логистика таъминоти (маҳсул транспорт техникалари таъминоти ва қурилиш хом ашёларини етказиб бериш);

- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш (цемент, бетон, ғишт, метал профиль ва бшқ.). Мазкур бўғинларнинг амалдаги узвийлиги, қуриладиган биноларнинг квадрат метри таннархини камайтиришга имкон беради, аксинча, алоҳида холда мазкур бўғинларнинг биронтасида бундай самарага эришиш имкониятига эга бўлмайди.

Таъкидлаш керакки, сўнгги ярим асрда ривожланган мамлакатларнинг рақобатбардошлиги, турли соҳаларда кластерларнинг самарали фаолияти асосида эришилганлиги бўйича кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ушбу муносабатда, қурилиш соҳасида кластерларни ташкил этиш ва ривожлантиришда юқори самарадорликга эришган Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибасининг ўрганилиши, фармонда белгиланган вазифаларнинг ечимига қаратилган йўналишларни аниқлаш имкониятини беради.

Хусусан, кўплаб мамлакатлар сингари Европа Иттифоқи мамлакатларида кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган ва амалда қўлланилаётган давлат дастурлари соҳага

---

<sup>65</sup> Асаул А.Н. Строительный кластер – новая региональная производственная система // Экономика строительства. 2004. №6. С.16-25.

ёндашувнинг долзарблигини асослайди. Масалан, айрим мамлакатларда кластерларни ривожлантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлардан бири бу инфратузулмани шакллантириш ҳисобланади, жумладан, Францияда “Режалаштириш миллий агентлиги” (DATAR), Люксембургда “Кластерларни излаш ва тизимлаштириш ахборот тизими” (CASSIS) ва бошқалар<sup>66</sup>.

Умумий ҳисобда Европа Иттифоқида 2 мингдан ортиқ кластерлар мавжуд бўлиб, уларда ишчи кучининг 38 фоиздан ортиғи банд. Айниқса, Дания, Финляндия, Норвегия ва Швеция саноатида эса кластер механизми кенг жорий қилинган<sup>67</sup>.

Германия ҳудудларида кластерларнинг ривожланиши давлат ҳокимиятининг аралашувисиз амалга ошириб келинган бўлса, 2003 йилдан бошлаб ҳукумат томонидан юқори технологияларни ривожлантиришга асосланган кластерларни қўллаб-қувватлашга эътибор берилмоқда, айниқса, саноат ва илмий-тадқиқот муассасалари билан алоқадорликни ривожлантириш ва молиявий таъминотни нафақат ҳудудий балки, федерал манбаалари ҳисобидан таъминлаш борасида чора-тадбирлар амалга оширилган. Мазкур ислоҳатлар натижасида, Германиянинг Рур ҳудуди оғир саноатга ихтисослашган бўлиб бугунги кунда ахборот технологияларга ихтисослаштириш режалаштирилган. Шунингдек, юқори самарадорликка эришган Баден-Вюртембергедаги автомобильсозлик кластери, Тутлингенедаги медицина ускуналари кластерини, Дрездендаги чипларни ишлаб чиқариш кластери ва Берлин-Бранденбургдаги биотехнологиялар кластерини мисол қилиб келтириш мумкин.

Финляндиянинг қурилиш соҳасида инновацион ривожланиш ва иқтисодий сиёсати кластер механизмларга асосланган. Ушбу соҳадаги юқори

---

<sup>66</sup> Грановеттер М. Успех инновационного кластера основан на открытости, гибкости и свободе // The New Times, 2010, 6 April.

<sup>67</sup> Муравьева Ю.А. Зарубежный опыт формирования кластеров // Евразийский союз ученых. 2015. №6(15). С.111-113.

натижадорлик илмий тадқиқот ва технологик кооперациялар даражаларининг юқорилигига асосланган<sup>68</sup>.

Таъкидлаш лозимки, Европадаги аксарият қурилиш кластерлари қурилиш объектларни яратишда ва қурилишга топширилгандан сўнг фойдаланиш жараёнида экологик тоза ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланишга йўналтирилган. Масалан, Португалияда “Барқарор атроф муҳит кластери”, Данияда “Барқарор қурилиш кластери”, Францияда “Энергия тежамкор ва экологик қурилиш кластер”лари мавжуд<sup>69</sup>.

Шунингдек, Норвегия, Франция ва Германия каби мамлакатларда қурилиш соҳасида кластер таркибидаги корхоналарнинг инновацион ривожланишига “GreenConServe” субсидиялар ва грантлар тизими орқали кўмак кўрсатилади. Бунда давлат-хусусий шерикчилик асосида инновация агентликлари ва “GreenConServe” лойиҳаси қурилиш жараёнида иштирок этадиган компанияларга инновацион кўмак икки босқичли ваучерлар тизими орқали амалга оширилади. Мазкур лойиҳа “Рақобатбардошлик ва инновациялар дастури – СІР” (Competitiveness and Innovation Framework Programme) доирасида Европа комиссияси томонидан молиялаштирилган<sup>70</sup>.

Б.А.Скуповнинг фикрича, Европа мамлакатларида қурилиш кластерларнинг ўзига хослиги, унда иштирокчиларнинг сони нисбатан кўплигида деб таърифлайди. Хусусан, кластерлар таркибида қурилиш моллари, техникалар ва ускуналарни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи компаниялар, муҳандислик ташкилотлари, консалтинг ташкилотлари, дизайн-студиялар, илмий-тадқиқот ва таълим марказлари киради<sup>71</sup>.

Давлат томонидан қурилиш соҳасида кластерларни ташкил этишга кўмаклашишнинг яна бир устуворлиги шундан иборатки, жаҳон амалиётида қурилиш кластерлари мамлакатда инновацион иқтисодиётни

---

<sup>68</sup> Шлямин В.А. Финляндия – партнер России в модернизации национальной экономики: информационно-аналитический справочник / В.А. Шлямин. – СПб: Издательско-полиграфическая ассоциация университетов России, 2013. С.55.

<sup>69</sup> <https://ardexpert.ru/article/3706>

<sup>70</sup> <https://greenovate-europe.eu/portfolio/greenconserve/>

<sup>71</sup> Скупов Б.А. Практические начала формирования кластерного подхода в строительстве // Технологии строительства. 2015. №4. (108). С.48-53.

шакллантиришда муҳим роли исботланган. Зеро, самарали фаолият кўрсатаётган кластер саноат корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасида алоқаларни ўрнатишда муҳим механизм вазифасини бажаради. Чунки, замонавий қурилиш кластернинг муҳим жиҳатларидан бири бу унинг таркибида илмий-тадқиқотнинг аккредитациядан ўтган таҳлилий лабораториянинг мавжуд бўлиши ҳисобланади. Ушбу фаолият қурилиш соҳасининг инновацион ривожланишини тақазо этади.

Ўз навбатида, кластерларнинг ривожланиши ва самарадорлиги бевосита илмий-тадқиқотлар, илмий салоҳият ва илмий-тадқиқот институтларининг фаоллигига таъсир кўрсатади. Масалан, Германия профессорлари кўп холларда илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланишади, илмий-тадқиқот муассасалари ўз навбатида хусусий фирмалар билан ўзаро алоқадорлиги ўрнатилган. Университет ҳудудида профессорлар учун мустақил юридик шахс мақоми билан хусусий илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш имконияти ҳам яратилган.

Тадбиркорлик ва саноат сиёсати учун масъул бўлган Европа комиссия вице-президенти Г.Верхудженнинг таъкидлашича: “Европа Иттифоқининг жаҳон миқёсидаги кўплаб кластерларга эҳтиёжи юқори. Улар, фирмаларимизнинг инновацион ривожланишида ва янги иш ўринларни яратишда муҳим ҳаётий вазифани бажарадилар”<sup>72</sup>.

Ушбу муносабатда сўнги йилларда кластерларнинг инновацион ривожланишга мойил бўлган соҳаларда ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида аксарият ривожланган мамлакатларда ҳукумат даражасида эътибор берилмоқда. Айниқса, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда мазкур жараённинг фаоллашуви кузатилган. Чунки, бугунги кунга келиб иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бозор рақобати курашида сақланиб қолган, ривожланган ва рақобатбардошликка эришган кластерларнинг янги ривожланиш босқичи бошланган, яъни, инновацион

---

<sup>72</sup> Powerful clusters: Main Drivers of Europe's Competitiveness. Brussels, 17 October 2008. [http://ec.europa.eu/enterprise/innovation/index\\_en.htm](http://ec.europa.eu/enterprise/innovation/index_en.htm)

кластерларга шаклланиш босқичи. Бу борада, давлатнинг инновацион иқтисодий шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадлари айнан фаолият кўрсатаётган кластерларда амалга ошириш имконияти мавжуд ва бу борада давлат томонидан айнан мавжуд кластерларни инновацион кластерлар сифатида шаклланишида кўмаклашиши истиқболда мамлакат рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Назарий жиҳатдан иқтисодийда кластер муносабатларини тадқиқ қилган олимлар ҳам, кластерлар миллий инновацион иқтисодий ривожлантиришдаги муҳим ролини эътироф этишган. Хусусан, Д.Долореух, Р.Шеармур<sup>73</sup>, З.Клаудио, В.Рикардо<sup>74</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотларида кластерлар инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ва тарқатишда турли иштирокчиларнинг ўзаро алоқадорлиги деб таърифланган. Уларнинг фикрига кўра, мазкур жараёнлар юқори рақобатбардошликни таъминлайди ва бу эса ўз навбатида, кластер таркибидаги жараёнларнинг самарадорлигини билдиради.

Е.Фезернинг тадқиқотларига кўра, кластер бу маҳсулотлар, хизматлар, ресурслар (инсон ресурслари, ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа) таъминотчиси ҳисобланади. Кластернинг “талабини” шакллантиришнинг муҳим элементи бўлиб таълим ва саноатнинг алоқадорлиги, илмий-тадқиқот ва ишланмаларнинг трансферти ва тижоратлашуви жараёнлари ҳисобланади<sup>75</sup>.

К.Кетельс ва Дж.Линдквистнинг тадқиқотларига кўра, кластернинг маркази мавжуд бўлиши керак ва ушбу марказда ишлаб чиқариш корхонаси жойлашган бўлиши ва унинг атрофида эса, тўрта муҳим алоқадор бўлинмалари бўлиши керак. Улар, илмий-тадқиқот муассасалари, таълим муассасалари, капитал манбаалари ва давлатнинг оммавий ташкилотлари<sup>76</sup>.

---

<sup>73</sup> Doloreux D. and Shearmur R. Maritime clusters in divers regional contexts: the case of Canada. *Marine Policy*. 2009. Vol. 33 no.3. pp. 520-527.

<sup>74</sup> Claudio R. and Riccardo V. Foresight and innovation in the context of industrial clusters: the case of some Italian districts. *Technological Forecasting & Social Change*. Vol.75. no.6. pp.817-833.

<sup>75</sup> Feser E.J. “Old and new theories of industry clusters” in Steiner M. (ed.) *Clusters and regional specialization*. Pion Press. London. UK. 1998. pp.18-40.

<sup>76</sup> Ketels Ch., Lindqvist G. and Solvell O. (2012) *Strengthening Clusters and Competitiveness in Europe. The Role of Cluster Organizations* [Online], available at: <http://gosbook.ru/note/84334>

Миллий иқтисодиётда қурилиш соҳасини ривожлантириш, унинг устувор йўналишини белгилашда жаҳон амалиётига таянишни ва жаҳон бозори конъюктурасини инобатга олишни тақазо этади. Мухими, Ўзбекистонда қурилиш соҳасида монополиянинг юзага келишига йўл қўймаслик, аксинча, эркин рақобат муҳитини яратиш, бунинг натижасида мамлакат аҳолисини мақбул нархларда ва шу билан бирга юқори сифатли уй-жойлар билан таъминлашга қаратилган давлат сиёсати соҳага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг жалб қилишга қаратилган.

Соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жалб қилинишидан янада юқори самарадорликга эришиш, соҳанинг инновацион ривожланишини мустаҳкамлаш учун кластер механизмининг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки, жаҳон амалиётида қурилиш кластерларнинг мамлакатда инновацион иқтисодиётни шакллантиришда муҳим роли исботланган. Айниқса, бугунги кунга келиб иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бозор рақобати курашида сақланиб қолган, ривожланган ва рақобатбардошликка эришган кластерларнинг янги ривожланиш босқичи бошланган, яъни, инновацион кластерларга шаклланиш босқичи. Бу борада, давлатнинг инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадлари айнан фаолият кўрсатаётган кластерларда амалга ошириш имконияти мавжуд ва бу борада давлат томонидан айнан мавжуд кластерларни инновацион кластерлар сифатида шаклланишида кўмаклашиши истиқболда мамлакат рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Албатта мамлакатда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг пировардида муҳим натижаларидан яна бири бу, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида эътирофга эришиши, умумжаҳон рейтингларда юқори кўрсаткичларга эришишдир.

Бунинг учун бугунги кунда дунёда мавжуд бўлган кўплаб ва турли хилдаги рейтинглардан, айнан уй-жой қурилиш соҳасида қўлланилаётган рейтингларни аниқлаш ва уларни ўрганиш мақсадида амалга оширилган

таҳлиллар шундан далолат берадики, аксарият рейтинглар асосан шаҳарлар билан боғланган, яъни, шаҳарларнинг қурилиши, шаҳарларда яратилган инфратузулмалар ҳамда шаҳар кўчмас мулк объектларига инвестицияларни жалб қилишга бағишланган рейтинглар мавжуд.

Шунингдек, алоҳида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, унинг рақобатбардошлик даражаси ва рақобат муҳитини баҳолашнинг бир нечта рейтинглари мавжуд, улар жумласидан:

- “Бизнес юритиш” рейтинг (Doing business) – Жаҳон банки ва Халқаро Молия Корпорацияси;

- Фаол тадбиркорлик рейтинг (New business density) – Жаҳон банки, ОЭСР-Евростат;

- Тадбиркорликнинг глобал мониторинг GEM (Global Entrepreneurship Monitor) – Бабсон колледжи (АҚШ) ва Лондон Бизнес Мактаби (Буюкбритания);

- Глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index) – Жаҳон иқтисодий форуми;

- Дунё мамлакатлари рақобатбардошлик индекси (The IMD World Competitiveness Yearbook) – Менеджмент институти (Лозанна шаҳри);

- Рақобат муҳити рейтинг (PMR (Product Market Regulation) – Жаҳон банки, ОЭСР мамлакатлар.

PricewaterhouseCoopers (PwC) компанияси томонидан амалга оширилган тадқиқотларга кўра, жаҳонда шаҳарларнинг ривожланиши дунё трендлари асосида рўй беради. Тўрта асосий трендлар шаҳарларнинг қурилиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади: урбанизация ва демографик ўзгаришлар; глобаллашув, иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва аҳолининг мобиллиги; технологик ривожланиш ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар; табиий ресурсларнинг танқислигининг ортиши ва атроф муҳитга техноген юкнинг ортиши<sup>77</sup>.

---

<sup>77</sup> «Пространство города для человека» исследование уровня и динамики градостроительного развития крупнейших мегаполисов мира. Москва. 2018. С.9.



Маълумки, дунёда кўплаб рейтинглар мавжуд бўлиб шаҳарларнинг қурилиши турли хилдаги ёндашувлар асосида баҳоланади. Масалан, энг кўп кўрсаткичлар бўйича (162 та кўрсаткичлар) шаҳарларнинг рейтинги амалга ошириладиган халқаро рейтинглардан бири австралиянинг “2thinknow” компанияси томонидан “Дунёнинг инновацион шаҳарлар глобал рейтинги”, “Шаҳарлар имконияти 2014” рейтинги PricewaterhouseCoopers (PwC) халқаро консалтинг компанияси томонидан амалга оширилади. “Cushman&Wakefield”<sup>78</sup> компанияси “Дунё шаҳарлари: инвестициялар учун кураш”и рейтинги тузилади, ушбу рейтингда шаҳарларнинг кўчмас мулк объектларига инвестицияларни жалб қилиш учун фойдаланилади. “Foreign Policy”, “A.T.Kearney” ва “The Chicago Council on Global Affairs” компаниялари “Глобаллашув даражаси бўйича дунё шаҳарлари рейтинги”, “TomTom European Traffic Index”<sup>79</sup> рейтинги фақат шаҳарнинг автотўллари ва йўллари бўйича яратилган шароитлар рейтинглар амалга оширилади (1.3.1-жадвал).

Мазкур рейтингларнинг таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, уларда бевосита уй-жой қурулишига таълуқли рейтинглар мавжуд эмаслигини қайд этиш мумкин.

Аммо, қўрилган рейтинглардан айнан тадбиркорлик фаолиятини ҳамда қурулиш соҳасини ўзида мужассамлаштирган рейтинглардан бири бу – Жаҳон банкининг “Doing Business” (“Бизнесни юритиш”) рейтингидир. Чунки, мазкур рейтингда мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва бунинг учун яратилган шароитларнинг таҳлили, “Қурулиш сифати” индекс кўрсаткичлари таҳлиллари амалга оширилади. “Doing Business” рейтинги 10 та рейтинг кўрсаткичлардан иборат бўлиб улар ўз навбатида 45 та таркибий кўрсаткичлар йиғиндиси асосида ҳисобланади.

---

<sup>78</sup> <https://www.cushmanwakefield.com/en>

<sup>79</sup> [https://www.tomtom.com/en\\_gb/traffic-index/](https://www.tomtom.com/en_gb/traffic-index/)

### 1.3.1-жадвал

#### Жаҳонда шаҳарсозлик фаолиятини таҳлил қиладиган рейтинглар<sup>80</sup>

| Шаҳар ҳаётининг асосий кўрсаткичлари | “Doing Business” рейтинг <sup>81</sup> | “Дунёнинг инновацион шаҳарлар глобал рейтинг <sup>82</sup> ” | “Шаҳарлар имконияти 2014” рейтинг <sup>83</sup> | “Глобаллашув даражаси бўйича дунё шаҳарлари рейтинг <sup>84</sup> ” |
|--------------------------------------|--|--|---|---|
| Шаҳар қурилиши                       | +                                      | +  | +   | +   |
| Иқтисодиёт ва молия                  | +                                      | +  | +   | +   |
| Ахборот ва алоқа                     | -                                      | +  | +   | +   |
| Транспорт ва логистика               | -                                      | +  | +   | -   |
| Таълим                               | -                                      | +  | +   | +   |
| Қонунчилик ва бошқарув               | -                                      | +  | -   | -   |
| Соғлиқни сақлаш                      | -                                      | +  | +   | -   |
| Маданият ва спорт                    | -                                      | +  | +   | +   |
| Умумий овқатланиш ва савдо           | -                                      | +  | -   | +   |
| Аҳоли ва ижтимоий шароитлар          | -                                      | +  | +   | +   |
| Сиёсат ва халқаро алоқалар           | +                                      | +  | +   | +   |
| Табиат шароитлари ва ресурслар       | -                                      | +  | +   | +   |

“Doing Business” рейтинг<sup>81</sup> Жаҳон банки томонидан 2002 йилдан юритилиб, мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларига ҳолисона баҳо беришга қаратилган. Таҳлиллар турли иқтисодий ривожланиш даражасидаги мамлакатлар бўйича амалга оширилади. Рейтинг ҳар йили чоп этилади ва ундан аввалги йилдаги фаолият натижалари асосида қиёсий таҳлиллар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичларда, 2025 йилда «Бизнес юритиш» халқаро индексида (Doing Business Index) «қурилишга рухсатномалар олиш» (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича

<sup>80</sup> Муаллиф томонидан умумлаштирилди.

<sup>81</sup> <https://www.doingbusiness.org/en/doingbusiness>

<sup>82</sup> <https://www.innovation-cities.com/>

<sup>83</sup> <https://gtmarket.ru/news/2014/05/19/6778>

<sup>84</sup> <https://gtmarket.ru/news/2014/04/22/6737>

Ўзбекистон Республикасининг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгача яхшилаш вазифаси белгиланган<sup>85</sup>. Ушбу вазифанинг ижросини таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг мазкур рейтингдаги ҳолатларини батафсил таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

### **1-боб бўйича хулоса**

Замонавий техника ва технологиялар, ахборот технологиялари ва интернет ривожланган асри деб таърифланган даврда, инсон учун, физиологик талабларидан бири бу уй-жой билан таъминланиш, яъни, ҳавфсизликга бўлган эҳтиёжнинг ҳар замонда доимийлиги А.Маслоунинг “эҳтиёжлар иерархияси” назариясининг мукаммалигини тасдиқлайди.

Инсониятнинг уй-жой билан таъминланиш эҳтиёжи, бозор иқтисодиёти қонунияти – эҳтиёжни қондириш учун таклиф бозорининг ривожланишига асос солади. Яъни, ушбу йўналишда мустақил фаолият юритадиган, ўз билими, маблағи, таваққали ва меҳнатига таянадиган тадбиркорнинг шаклланишини билдиради.

Уй-жой қурулиш бозорида тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг назарий асосларини тадқиқ қилиш асосида хулоса қилиш мумкинки, қурилиш – бу моддий ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳаси бўлиб, ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқаришга мослаштирилмаган янги, реконструкция қилинган объектларни ишга тушуриш, таъмирлаш ҳамда амалдаги объектларни техник қуроллантиришга мўлжалланган фаолиятдир.

Энг муҳими, бугунги кунда умумиқтисодий жиҳатдан қурилиш соҳаси мамлакатнинг бевосита иқтисодий ривожланиш жараёнларига таъсир кўрсатади, чунки, қурилиш корхоналари мураккаб иқтисодий тизимларни ташкил этиб, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида иштирок этади. Пировард натижада

---

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси” ПФ-6119-сон Фармони.

қурилиш соҳасининг ривожланиши бевосита мамлакатнинг иқтисодий ривожланишга, яъни, ЯИМга ижобий таъсир кўрсатиши ва аксинча, ривожланмаслиги, салбий таъсир кўрсатиши олимлар томонидан илмий асослаб берилган.

Қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантириш доирасидаги илмий адабиётларнинг таҳлили асосида соҳадаги тадбиркорлик фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган турли хилдаги чекловлар ва тўсиқлар аниқланди ва улар учта асосий тизимга ажратилди:

- умумиқтисодий чекловлар – мамлакат иқтисодиёти даражасида;
- умум соҳалараро чекловлар – бутун қурилиш соҳасига таълуқли бўлган чекловлар;
- махсус чекловлар – қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик фаолиятига таълуқли бўлган чекловлар.

Мазкур чекловларнинг таркиби таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, махсус турдаги чекловлар бевосита бозор иқтисодиёти қонунияти билан боғлиқ муаммоларга асосланган ва уларнинг ижобий ечими умумиқтисодий ва умум соҳалараро чекловларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

Уй-жой қурилиши бозорида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси сифатида Европа Иттифоқи мамлакатларида кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳолати таҳлили асосида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

1. Қурилиш соҳаси бу аввало ички бозорга мўлжалланган фаолият бўлиб иқтисодиётда соҳа кластер механизмлари асосида ривожлантирилиши ички бозор ривожланишнинг ўсиш нуқтаси бўлиши мумкин.

Бу эса ўз навбатида қурилишда кластерларнинг ижтимоий самарадорлигини оширади, яъни, аҳоли томонидан уй-жойларни харид қилиш имкониятини рағбатлантириши мумкин, айниқса, кластер таркибида

молиявий хизмат кўрсатувчи банкнинг мавжуд бўлиши аҳоли учун мақбул ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

2. Иқтисодиётнинг назарий асосларидан маълумки, кластерларнинг ташкил этилиши ва ривожланиши эркин иқтисодий жараён бўлиб унинг истиқболи бозор қонуниятлари асосида рўй беради ва бу жараёнларга ҳукуматнинг аралашуви (айниқса, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда) минимал бўлган. Аммо амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кластерларнинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг муҳим бўғинига айланганлиги, давлат томонидан кластерларга кўмак кўрсатишнинг қуйидаги йўналишлари кенг фойдаланилмоқда: молиявий ёрдам; кластер инфратузилмасини яратиш; ахборот-коммуникация тизимини яратиш ва ривожлантириш орқали ахборотлардан фойдаланиш шароитини яратиш; таълим тизимида кўмаклашиш, масалан, кластер ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва бошқалар.

3. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бозор рақобати курашида сақланиб қолган ва рақобатбардошликка эришган кластерларнинг янги ривожланиш босқичи бошланган, яъни, инновацион кластерларга шаклланиш босқичи. Бу борада, давлатнинг инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришдаги стратегик мақсадлари айнан фаолият кўрсатаётган кластерларда амалга ошириш имконияти мавжуд ва давлат томонидан мавжуд кластерларни инновацион кластерлар сифатида шаклланишида кўмаклашиши истиқболда соҳанинг ва пировард натижада мамлакатнинг рақобатбардошлигини янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## **II БОБ. УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ БОЗОРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ**

### **§ 2.1 Уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши динамикаси таҳлили**

Мамлакатда уй-жойга бўлган талабнинг доимий мавжудлигини инобатга олган ҳолда, уй-жойларнинг қурилиши саноатнинг ва хизмат кўрсатишнинг кўплаб тармоқларини ривожлантирувчи асосий кучга айланади. Айниқса, жаҳон амалиётида ҳам кузатиладиги, айнан қурилиш соҳасининг фаолият кўрсатиши мамлакатда юзага келган иқтисодий инқироз шароитларда локоматив вазифасини бажарган.

Маълумки, жаҳонда эпидемиологик вазиятнинг мураккаблашуви сабабли 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти рецессия ҳолатига учради. Халқаро валюта жамғармасининг дастлабки таҳлилларига кўра, 2020 йилда жаҳон иқтисодиётининг пасайиши 3,5 фоизни ташкил этган, 2021 йилда эса унинг 5,5 фоиз даражасида тикланиши прогнозлаштирилган<sup>86</sup>.

Пандемия шароитида мамлакатнинг макроиқтисодий сиёсатининг устувор мақсадларидан бири иқтисодиётнинг чуқур инқироз шароитига тушушини олдини олиш бўлди. Аммо, жаҳон иқтисодиётида кузатилган ўзига хос инқироз шароитларига қарамасдан, 2020 йилда мамлакатда ижобий иқтисодий ўсиш тенденциялари кузатилган, булар ҳукумат томонидан ўз вақтида амалга оширилган ва мақсадга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсатнинг чора-тадбирлари самараси сифатида кўрилади.

Жумладан, пандемия шароитида аввало аҳолини ва тадбиркорларни химоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида 20 тадан ортиқ Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди, уларнинг энг асосийлари фискал ва монетар чора-тадбирлар бўлди (2.1.1-расм).

---

<sup>86</sup> МВФ «Обновленные перспективы развития мировой экономики». Январь, 2021.  
<https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2021/01/26/2021-world-economic-outlook-update>

## Фискал чора-тадбирлар

- 13,4 трлн. сўм хажмидаги Инқирозга қарши фонднинг ташкил этилди, мамлакатда санитария-гигиена чора-тадбирларни амалга ошириш, касалланганларни даволаш, иқтисодиётнинг заиф тармоқларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган;

- аввало инқирозга дуч келган ва азият чеккан хўжалик субъектларига қўшимча молиявий ресурслар ажратилди, улар жумласидан, субсидия, кредитлар ёки солиқ ва божхона тўловлари пролонгацияси шаклида);

- моддий нафақа ва қўмак олувчи оилаларнинг сони кўпайтирилди;

- зарурий маблағлар қўшимча инфратузулма объектларини қуришга, таъмирлаш ва жиҳозлашга ажратилди, улар жумласидан, соғлиқни сақлаш, ирригация ва мелиоратив объектлари, ичимлик суви таъминоти ва қувурлар тизими.

## Монетар чоралар

- молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида банклар зарурий ликвидликлар билан таъминланган, тадбиркорлик субъектлари эса монетар инструментлари билан қўллаб-қувватланган.

Хусусан, Марказий банкнинг базавий ставкаси 16 фоиздан 14 фоизга тушурилган, миллий валютадаги барча кредитларнинг фоиз ставкалари 24,8 фоиздан 19,7 фоизга тушурилди, банкларни ликвидлик билан таъминлаш учун валюта своплари ва РЕПО бўйича операциялар амалга оширилди. Марказий банк томонидан резерв бўйича мажбуриятларни енгиллаштириш натижасида тижорат банкларга қўшимча молиявий маблағларни иқтисодиётга йўналтириш имкониятини берди.

- тижорат банклари хўжалик субъектлари учун жами 26,5 трлн. сўм миқдоридан кредит тўловларининг муддати узайтириб берилди ва иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳажми 280,4 трлн. сўмни ташкил этди (2019 йилга нисбатан 34,3 фоизга кўп).

### 2.1.1-расм. Пандемия шароитида аҳоли ва тадбиркорларни ҳимоя қилишга қаратилган монетар ва фискал чора-тадбирлар<sup>87</sup>

Мувофиқлаштирилган макроиқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши юзасидан ўз вақтида кўрилган инқирозга қарши чора-тадбирлар коронавирус пандемияси туфайли юзага келган жиддий вазиятни мамлакат иқтисодиётига таъсирини юмшатиш имкониятини берди. Бунинг натижасида иқтисодиётнинг ижобий ўсиши 1,6 фоизни ташкил этди, бу эса прогнозлаштирилган 1-1,5 фоиздан юқори кўрсаткични ташкил этди.

<sup>87</sup> Муаллиф томонидан ишланди.

Албатта, бундай ижобий кўрсаткичларга эришишда қурилиш соҳасининг ҳам ҳиссаси катта бўлди, хусусан, 2021 йилда қурилиш ишлари ҳажми 107,5 трлн. сўмни ташкил этган бўлиб 2020 йилга нисбатан мазкур кўрсаткич 106,8 фоизга ўсган<sup>88</sup>. Қурилиш ишларининг юқори натижадорлигининг асосий сабабларидан бири бу қурилиш объектларига бўлган талабнинг ўсиши билан белгилаш мумкин, хусусан, талаб иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш кучларини яратиш, газ-кимё соҳасида, ижтимоий соҳада янги инвестицион лойиҳаларнинг ишга тушурилиши бўлди.

Белгилаш зарурки, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тажрибасига кўра, иқтисодиётнинг таркибида қурилиш соҳасининг роли ва аҳамияти мамлакатнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади ва шунга мос ўзгариб боради. Жумладан, иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда қурилиш соҳасининг улуши юқори бўлади, мамлакат иқтисодиёти ривожланган сари унинг иқтисодиётдаги роли барқарорлашиб боради. Ушбу борада, ўтиш иқтисодиёти ва иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда уй-жой қурилишига амалга ошириладиган инвестициялар, бошқа соҳаларга киритилган инвестицияларга нисбатан самарадорлиги юқори бўлади ва мазкур даражадаги мамлакатларнинг иқтисодиётини муҳим қучига айланади. Бунинг асосий ва муҳим омилларидан бири бу, қурилиш соҳасининг юқори мултипликатив самарадорлиги ҳисобланади.

Ушбу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан сўнгги йилларда уй-жой қурилиши соҳасида амалга оширилаётган чуқур таркибий ислохотлар ўз самарасини бермоқда ва бугунги кунга қадар салмоқли натижаларга эришилган. Зеро, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш, демографик кўрсаткичларнинг мунтазам ўсиб бориши, заем маблағларининг жалб қилиниши ва Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ҳамда жаҳон

---

<sup>88</sup> Обзор тенденций развития экономики Республики Узбекистан за 2020 год и прогнозы на 2021 год. Т.: 2021. С.25.



иқтисодий ҳамжамиятига фаол интеграцияланиши мамлакатда қурилиш соҳасининг кейинги йилларда барқарор ривожланишини таъминлайди.

Сўнгги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли чуқур таркибий ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодиётнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлган, асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ижобий ўсиш динамикасига эришилган (2.1.1-жадвал).

### 2.1.1-жадвал

#### Қурилиш соҳасида асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши (млрд.сўм)<sup>89</sup>


| Йил         | Жами асосий капиталга инвестициялар | шундан                          |          | бунда  |          |
|-------------|-------------------------------------|---------------------------------|----------|--|----------|
|             |                                     | уй-жой қурилишига инвестициялар | улуши, % | кичик бизнес ҳиссасига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми | улуши, % |
| 2010        | 16463,7                             | 2316,8                          | 14,1     | 33,4   | 1,44     |
| 2011        | 19500,0                             | 3343,3                          | 17,1     | 37,3   | 1,12     |
| 2012        | 24455,3                             | 4514,0                          | 18,5     | 39,7   | 0,88     |
| 2013        | 30490,1                             | 5945,9                          | 19,5     | 36,7   | 0,62     |
| 2014        | 37646,2                             | 7131,4                          | 18,9     | 39,6   | 0,56     |
| 2015        | 44810,4                             | 9116,3                          | 20,3     | 40,3   | 0,44     |
| 2016        | 51232,0                             | 9394,2                          | 18,3     | 40,9   | 0,44     |
| 2017        | 72155,2                             | 11068,8                         | 15,3     | 38,1   | 0,34     |
| 2018        | 124231,3                            | 19537,1                         | 15,7     | 38,0   | 0,19     |
| 2019        | 195927,3                            | 20309,6                         | 10,4     | 44,3   | 0,22     |
| 2020        | 210195,1                            | 19064,3                         | 9,1      | 46,0   | 0,24     |
| 2021        | 239552,6                            | 23970,6                         | 12,5     | 45,6   | 0,19     |
| <b>Жами</b> | <b>1066659,2</b>                    | <b>135712,3</b>                 |          | <b>479,9</b>   |          |

2.1.1-жадвал маълумотлари таҳлиliga кўра, 2010-2021 йилларда асосий капиталга киритилган жами инвестициялар 1066659,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, уй-жой қурилишига киритилган инвестицияларда ҳам ижобий ўсиш кўрсаткичлари кузатилган ва жами 135712,3 млрд. сўмни ташкил этган. Шундан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми 479,9 млрд. сўмни ташкил этган (2.1.2-расм).

Аммо мазкур ижобий тенденциялар бўлишига қарамасдан умумий инвестицияларда қурилиш соҳасининг улуши турли даврларда ўзгариши

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

кузатилади. Хусусан, 2010 йилда уй-жой қурилишининг умумий асосий капиталдаги улуши 14,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда энг юқори кўрсаткичга эришилган – 20,3 фоиз, аммо, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 9,1 фоизга тушганлиги ҳамда 2021 йилда 12,5 фоизга ошганлиги кузатилади (2.1.1-жадвал).




### 2.1.2-расм. Қурилиш соҳасида асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши (млрд.сўм)<sup>90</sup>

2.1.2-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, 2010-2020 йилларда қурилиш соҳасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўзлаштирилишида барқарор ўсиш кўрсаткичлари 2020 йилдан ташқари барча йилларда кузатилади. Хусусан, 2010 йилга нисбатан 2020 йилда ушбу кўрсаткич 16747,4 млрд. сўмга ўсган, айниқса, мамлакат ҳукумати томонидан сўнгги йилларда амалга оширилаётган фаол ислоҳотлар натижасида 2018 йилдан ушбу динамиканинг кескин ўсишига эришилди ва жами 111741,6 млрд.сўм инвестициялар ўзлаштирилган.

2010-2019 йилларда Тошкент шаҳридан ташқари (13,8 трлн. сўм) Тошкент вилоятига 7 трлн. сўмдан кўп, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларига 6 трлн.сўмдан кўп ҳамда Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларига 5 трлн. сўмдан кўп инвестициялар ажратилган (1-илова).

<sup>90</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Аммо, 2010 ва 2019 йилнинг солиштирмасида фақат Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида уй-жой хўжалигига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмига нисбатан улушининг ўсганлиги кузатилади (2.1.3-расм).




**2.1.3-расм. Худудларда уй-жой хўжалигига киритилган инвестицияларнинг улуши (% да)<sup>91</sup>**

2.1.3-расм маълумотларига кўра, Самарқанд, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва бошқа вилоятларда уй-жой хўжалигига киритилган инвестицияларнинг пул миқдори жиҳатидан ўсиш бўлишига қарамасдан умумий кўрсаткичга нисбатан улуши жиҳатида пасайиш ҳолатлари кузатилади.

Қурилиш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг натижадорлиги сифатида, фуқароларга фойдаланишга топширилган турар жойларнинг динамикасида ҳам кузатилган (2.1.4-расм).

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



**2.1.4-расм. Ўзбекистон Республикасида фойдаланишга топширилган уй-жойлар (жами бўйича минг квадрат)<sup>92</sup>**

2.1.4-расм маълумотларининг таҳлиliga кўра, 2010-2020 йилларда жами 127151,4 минг квадрат уй-жойлар фойдаланишга топширилган бўлиб, энг катта ҳажмдаги қурилиш ҳажми 2019 йилга тўғри келган – 15501,5 минг квадрат, аммо пандемиянинг салбий таъсири туфайли 2020 йилда ушбу кўрсаткичнинг 2633,6 минг квадратга пасайиши кузатилган ва жами 12867,9 минг квадратни ташкил этди. Фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг умумий кўрсаткичида қишлоқларда фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг улуши ҳам бор (2.1.2-жадвал).

2.1.2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, қишлоқларда қурилган ва фойдаланишга топширилган уй-жойлар 2010 йилда 6695,8 минг квадрат метрни ташкил этган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 9496,5 минг квадратни ташкил этган, ёки 2800,7 минг квадратга ошган. Қурилган уй-жойларнинг 84,1 фоизидан ортиғи аҳолининг маблағлари ҳисобига ва кредитлар ёрдамида қурилган бўлса, қолган қисми “Қишлоқ қурилиш” банки томонидан қишлоқ жойлардаги намунавий уй-жойлар бўйича қурилган.

<sup>92</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**Қишлоқларда уй-жойларни фойдаланишга  
топшириш (минг метр квадрат)<sup>93</sup>**

| Йил  | Фойдаланишга топширилган уй-жойлар жами (умумий майдони) | Аҳоли маблағлари ҳисобига ва кредитлар ёрдамида | “Қишлоқ қурилиш” банки томонидан қишлоқ жойлардаги намунавий уй-жойлар |
|------|--|---|--|
| 2010 | 6695,8   | 5783,6  | 884,5  |
| 2011 | 6944,3   | 5971,9  | 958,4  |
| 2012 | 7744,1   | 6441,5  | 1301,7   |
| 2013 | 8051,8   | 6715,2  | 1323,9   |
| 2014 | 8393,2   | 6724,6  | 1645,9   |
| 2015 | 8521,7   | 6844,5  | 1626,8   |
| 2016 | 8149,0   | 6252,0  | 1881,8   |
| 2017 | 7833,2   | 6241,5  | 1580,4   |
| 2018 | 8359,7   | 6890,8  | 1461,0   |
| 2019 | 9315,3   | 7789,2  | 1518,7   |
| 2020 | 8683,4   | 7794,4  | 508,6  |
| 2021 | 9496,5   | 9114,5  | 358,9  |

Шунингдек, таҳлилларга кўра, қишлоқ жойлардаги намунавий уй-жойлардан ташқари яқка тартибдаги уй-жойларнинг фойдаланишга топширилиши кўрсаткичи бўйича ижобий тенденция кузатилган, жумладан, 2010 йилда 6695,8 минг квадрат метрни ташкил этган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 9496,5 минг квадратни ташкил этган, ёки 2800,7 минг квадратга ошган. Ижобий тенденция аксарият ҳудудларда ҳам кузатилган, жумладан, энг юқори ўсиш кўрсаткичи Тошкент вилоятида (832,5 минг кв.), Қорақалпоғистон Республикасида (577,2 минг кв.), Бухорода (555,6 минг кв.), Навоийда (502,7 минг кв.). Аксинча, пасайиш кўрсаткичлари Самарқандда (-180 минг кв.) Сирдарёда (-169,6 минг кв.) кузатилган. (2-илова)


Мамлакат бўйича қурилган квартиларнинг сонидан 2019 йилда 2010 йилга нисбатан 46,7 мингтага кўп бўлса ҳам, унинг салмоқли улуши Тошкент шаҳри (15,4 минг дона), Тошкент вилояти (7,9 минг дона) ва Бухоро вилоятига (3,1 минг дона) тўғри келган. Бошқа вилоятлардан фақат Фарғонада 1,1 минг донага квартиралар кам фойдаланишга топширилганлиги кузатилади (3-илова).

Намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда қурилган ва фойдаланишга топширилган уй-жойлар бўйича ҳам ижобий тенденцияларга эришилган

<sup>93</sup> Ўзбекистонда қурилиш/статистик тўплам. Т.2014 65 б., О'zbekistonda qurilish 2016-2019. Т.2020. 75 б.

хусусан, 2016-2019 йилларда жами 6990 минг кв. метр уйлар фойдаланишга топширилган бўлса, энг юқори кўрсаткич Наманганда (830,3 минг кв.), Самарқандда (744,1 минг кв.), Қашқадарёда (712,3 минг кв.), Тошкент вилоятида (625,5 минг кв.) кузатилган. Аксинча, 2016 ва 2019 йил кўрсаткичлари солиштирилса, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Тошкент вилоятларидан ташқари бошқа барча вилоятларда пасайиш кузатилган (4-илова).

Барча иқтисодиёти ривожланган, ривожланаётган мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам қурилиш соҳасига фаол равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жалб қилинган. Умумий жиҳатдан уларнинг сони мунтазам ошиб бориши кузатилмоқда, хусусан, 2021 йилда уларнинг сони 411203 тани ташкил этган бўлиб, бу 2005 йилга нисбатан 311423 тага кўпайганлиги кузатилади (2.1.5-расм).



**2.1.5-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)<sup>94</sup>**

2.1.5-расм маълумотларига кўра, таҳлил даврида мамлакатда кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг мунтазам ўсиб бориш тенденцияси кузатилган. Айниқса, эътиборли жиҳати, ушбу кўрсаткични кескин ўсиши 2019 йилдан бошланган бўлиб сўнгги икки йилда йилига 76 мингдан зиёд янги

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

тадбиркорлар сони кўпайган ва 2021 йилда ушбу кўрсаткич жами 411203 тани ташкил этган.


Мазкур кўрсаткичнинг вилоятлар кесимидаги таҳлилидан ҳам кўриш мумкинки 2005-2021 йилларда барча вилоятлар бўйича ўсиш тенденцияси кузатилган (2.1.3-жадвал).

**2.1.3-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) келтирилган йилларнинг 1 январь ҳолатига**

|                                | 2005 й.      |             | 2010 й.       |             | 2015 й.       |             | 2020 й.       |             | 2021 й.       |             |
|--------------------------------|--------------|-------------|---------------|-------------|---------------|-------------|---------------|-------------|---------------|-------------|
|                                | сон          | улуши       | сон           | улуши       | сон           | улуши       | сон           | улуши       | сон           | улуши       |
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b> | <b>99780</b> | <b>100%</b> | <b>152246</b> | <b>100%</b> | <b>196014</b> | <b>100%</b> | <b>334767</b> | <b>100%</b> | <b>411203</b> | <b>100%</b> |
| Қорақалп. Респ.                | 5091         | 5,1         | 7135          | 4,7         | 9327          | 4,8         | 14677         | 4,4         | 18288         | 4,4         |
| Андижон                        | 11562        | 11,6        | 14270         | 9,4         | 20872         | 10,6        | 25807         | 7,7         | 31683         | 7,7         |
| Бухоро                         | 6652         | 6,7         | 9776          | 6,4         | 9386          | 4,8         | 19981         | 6,0         | 24809         | 6,0         |
| Жиззах                         | 2736         | 2,7         | 5057          | 3,3         | 7505          | 3,8         | 14011         | 4,2         | 17725         | 4,3         |
| Қашқадарё                      | 8782         | 8,8         | 12099         | 7,9         | 15808         | 8,1         | 20304         | 6,1         | 25297         | 6,2         |
| Навоий                         | 3161         | 3,2         | 5253          | 3,5         | 6309          | 3,2         | 14885         | 4,4         | 17931         | 4,4         |
| Наманган                       | 5317         | 5,3         | 9904          | 6,5         | 13080         | 6,7         | 21461         | 6,4         | 26531         | 6,5         |
| Самарқанд                      | 10296        | 10,3        | 10626         | 7,0         | 12860         | 6,6         | 25643         | 7,7         | 33114         | 8,1         |
| Сурхондарё                     | 6309         | 6,3         | 8946          | 5,9         | 9062          | 4,6         | 15509         | 4,6         | 21563         | 5,2         |
| Сирдарё                        | 3299         | 3,3         | 4811          | 3,2         | 6403          | 3,3         | 11026         | 3,3         | 13360         | 3,2         |
| Тошкент                        | 7721         | 7,7         | 12293         | 8,1         | 19009         | 9,7         | 32602         | 9,7         | 40223         | 9,8         |
| Фарғона                        | 7343         | 7,4         | 12069         | 7,9         | 16920         | 8,6         | 29300         | 8,8         | 36117         | 8,8         |
| Хоразм                         | 3642         | 3,7         | 8124          | 5,3         | 10393         | 5,3         | 15453         | 4,6         | 18875         | 4,6         |
| Тошкент ш.                     | 17869        | 17,9        | 31883         | 20,9        | 39080         | 19,9        | 74108         | 22,1        | 85687         | 20,8        |

2.1.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, Тошкент шаҳридан ташқари энг юқори натижа Тошкент вилоятида (32502 тага кўпайган), Андижон, Наманган, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 20 мингдан зиёдга кўпайган. Албатта, ушбу кўрсаткичлар барча соҳа ва йўналишлардаги кичик тадбиркорлик субъектларнинг умумий йиғиндисини ташкил этади, улардан қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сонининг таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ (2.1.6-расм).



**2.1.6-расм. 2015-2019 йй. қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони<sup>95</sup>**


2.1.6-расм маълумотларида кўриш мумкинки, таҳлил даврида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар сони мунтазам ўсиб борган ва 2015 йилга нисбатан 2020 йилда корхоналар сони 16251 тага кўпайган. Эътиборли жиҳати, кескин ўсиш кўрсаткичлари 2019 ва 2020 йилларда эришилган.

Маълумки, қурилиш соҳаси меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқлардан бири ҳисобланади, чунки соҳа кўп ҳажмдаги ва турли ихтисосликдаги ишчи кучларини қамраб олиш имкониятига эга ва бу ҳолат аҳоли бандлигини барқарорлаштириш имкониятига эга. Шу билан бирга белгилаш лозимки, қурилиш соҳаси, малакали мутахассисларни жалб қилишни талаб этади, айниқса, мамлакатда рақамлаштириш асосида фаол модернизациялашув жараёнлари шароитида.

Таҳлилий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2020 йилда қурилиш соҳасида 61561 киши банд бўлган, ушбу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 13499 тага ошган (2.1.7-расм).

<sup>95</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.





**2.1.7-расм. Ўзбекистон Республикасида “Қурилиш”да банд бўлганлар сони тўғрисида маълумот (кичик корхоналар, микрофирма ва фермер хўжаликларисиз)<sup>96</sup>**

Аммо, 2.1.7-расм маълумотларига кўра, соҳада 2015 йилга нисбатан ишчилар сони 6427 тага камайган ва таҳлил даврида фақат пасайиб бориш тенденцияси кузатилган, айниқса кескин пасайиш 2018-2019 йилларда кузатилган. Мазкур пасайишларга қарамасдан 2020 йилда ушбу ҳолат кескин ўзгарди ва 2020 йилда 2019 йилга нисбатан бандлик сони 13499 тага кўпайган.

**§ 2.2. Уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар таҳлили**

Бугунги кунда мамлакатимизда муҳим иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотлар ва ўзгаришлар замирида аҳолининг турмуш даражасининг яхшиланиши, инвестицион муҳитнинг барқарорлашуви ва тадбиркорлик фаолиятининг кўлами янада кенгайишига эришилмоқда.

Мазкур натижаларнинг асосини мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганлиги ҳисобланади. Айниқса, сўнгги йилларда ушбу соҳа вакилларида давлат томонидан берилаётган эътибор кенг қамровлилигини белгилаш муҳим.

<sup>96</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Хусусан, сўнги 5 йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларга асосан, 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача 2 баробарга қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди<sup>97</sup>. Албатта, мазкур ислохотлар, иқтисодиётнинг янада очиқ бўлиши ва бозор шароитлари ва талабларига мослашишни таъминламоқда.

Ўз навбатида, халқаро нуфузли ташкилотларнинг прогнозларига кўра, ички ва ташқи инвестицияларнинг ўсиши, кредитлардан фойдаланиш имкониятининг кенгайиши, ички бозорда талаб ва таклифнинг ўсиши ва бунинг асосида нарҳларнинг тобора либераллашуви ҳисобига иқтисодий ўсишнинг янада фаоллашиши прогнозлаштирилган.

2021 йилнинг 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев илк бора ўн мингга яқин тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказганлиги, ушбу соҳа вакилларига берилаётган юксак эътибордан далолат бериши билан бирга соҳада тўпланиб қолган долзарб муаммоларнинг амалий ечимини белгилашга қаратилди<sup>98</sup>. Натижада, тадбиркорлар томонидан очиқ мулоқотга турли масалаларга оид 15 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган ва Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан уларни ҳал қилишга қаратилган 7 та муҳим йўналишлар белгилаб берилди (2.2.1-жадвал).

Иқтисодий ўсишни таъминлашда қурилиш соҳаси ҳам алоҳида ўринга эга, зеро, қурилиш иқтисодиётнинг бир қисми сингари бошқа барча тармоқлари учун асосий фондларни яратишда ва модернизациялашда бевосита иштирок этади, шу тариқа унинг ўзига хос роли белгиланади. Шунинг учун, қурилиш соҳасининг самарадорлиги, яъни, иқтисодиётнинг асосий фондларининг модернизацияланиши, қурилишнинг нарҳи ва унинг белгиланган муддатларда бажарилиши, мамлакат иқтисодиётининг муҳим

---

<sup>97</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4550>

<sup>98</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4550>

ижтимоий-иқтисодий масалаларни хал қилишини белгилайди. Иккинчи томондан уй-жой қурилиши муаммоларининг хал қилиниши давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг муҳим масаласидан бири ҳисобланади.

## 2.2.1-жадвал

### Тадбиркорлар билан очик мулоқотда Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан белгиланган етти та муҳим йўналишлар<sup>99</sup>

|                        | Белгиланган муҳим йўналишлар                                      | Йўналишлар бўйича қайид этилган натижалар ва белгиланган вазифалар  |
|------------------------|---|---|
| <b>Биринчи йўналиш</b> | Бизнесни молиялаштириш  | <p>- 2022 йилда банкларга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан бозор тамойиллари асосида қўшимча 600 млн. доллар ажратилади;</p> <p>- Халқаро молия бозорларида 5 трлн. сўмлик миллий валютада евробондлар чиқарилади;</p> <p>- хорижий банклар кириб келишига кенг имкониятлар яратилади.</p> <p>Шунингдек, банклар ресурсни қандай валютада жалб қилишидан қатъий назар, тадбиркорларга кредитни сўмда ва мақбул фоизларда бериш тизими йўлга қўйилади. Шу мақсадда Молия вазирлиги ҳузурида Валюта хатарларини бошқариш компанияси ва ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилади.</p>   |
| <b>Иккинчи йўналиш</b> | Солиқ тизимини такомиллаштириш ва бизнесга солиқ юкини камайтириш | <p>- сўнгги 3 йилда солиқлар тури 16 тадан 9 тага қисқарди;</p> <p>- Пенсия, Мактаб ва Йўл жамғармаларига 3,2 фоизли йиғимлар бекор қилиниши белгиланди;</p> <p>- мол-мулк, даромад солиғи ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробарга камайтирилиши белгиланди;</p> <p>- Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига қўшилган қиймат солиғининг ортиқча қисмини 7 кун ичида қайтариб бериш тартиби жорий қилинди. Бу уларга айланма маблағларини кўпайтириш имконини беради;</p> <p>- четдан олиб келинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини 120 кун давомида бўлиб-бўлиб тўлашда тадбиркорларга фоиз ҳисобланмайди ва гаров талаб этилмайди;</p> <p>- қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2 баробарга камайтирилади;</p> <p>- пандемия шароитида хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида, ўтган йили берилган имтиёзлар муддатини узайтириш белгиланди;</p> <p>- умумий овқатланиш корхоналари йил якунига қадар ер ва мулк солиғидан, туризм компаниялари ва меҳмонхоналар 2 йил муддатга туристик йиғимлардан озод қилинди;</p> <p>- мутасаддиларга келгуси йилдан қўшилган қиймат солиғини қўшимча ҳужжатсиз қайтариш тартибини жорий этиш.</p> |

<sup>99</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4550> маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузулди.

|                         |   |  |
|-------------------------|---|--|
| <b>Учинчи йўналиш</b>   | Ер ажратиш                                | <p>- “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонун қабул қилинди. Қонунга мувофиқ ерларни иқтисодий оборотга киритиш, уларни олди-сотди ва гаров объектига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди;</p> <p>- Қишлоқ хўжалиги ерлари очиқ танлов асосида фақат ижарага берилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонлари эса фақат аукцион орқали сотилади;</p> <p>- тадбиркорларга ўз корхонаси жойлашган ер майдонини мулк қилиб расмийлаштириб берилиши белгиланди.</p>  |
| <b>Тўртинчи йўналиш</b> | Инфра-тузилма                             | <p>- 2022 йил 1 январдан бошлаб, қиймати 200 млрд. сўмга тенг лойиҳалар бўйича электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмасини етказиб бериш тўлиқ давлатнинг зиммасида бўлади. Бу имтиёз ҳозирги кунгача фақатгина 50 млн. доллардан ошадиган хорижий инвесторлар лойиҳаларига қўлланиб келинмоқда;</p> <p>- келгуси 2 йилда республика бўйича қўшимча 200 та sanoat зоналари ташкил этилиб, уларга ҳам коммунал ва йўл инфратузилмаси давлат томонидан етказиб берилади. Ушбу мақсадлар учун келгуси йилда бюджетдан 2 трлн. сўм маблағ ажратилади;</p> <p>- 2022 йил бошидан тадбиркорларни электр тармоғига улаш муддати 20 киловаттгача бўлган қувватлар учун – 10 кун, 50 киловаттли қувватлар учун эса 20 кун этиб белгиланади. Агар, электр таъминоти корхонаси ишларни муддатида яқунламаса, тадбиркорларга компенсация тўлайди.</p> |
| <b>Бешинчи йўналиш</b>  | Экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш   | <p>- ўтган йили пандемия даврида тўқимачилик корхоналарига экспортдан валюта тушумини кутмасдан қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тартиби жорий этилган эди. Энди ушбу тартиб барча тармоқларнинг ҳалол ва интизомли экспортёрларига нисбатан ҳам татбиқ этилади;</p> <p>- йилига 20 млн. доллардан ортиқ экспорт қилувчи корхоналарга 5 млн. долларгача имтиёзли кредитлар ажратилади;</p> <p>- хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар учун импорт божи ставкаларини пасайтириш.</p>  |
| <b>Олтинчи йўналиш</b>  | Транспорт-логистика                       | <p>- юк автомобиллари ва темир йўл вагонларини олиб кириш бўйича берилган имтиёзлар яна 3 йилга узайтирилиши маълум қилинди.</p>   |
| <b>Еттинчи йўналиш</b>  | Соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш | <p>- тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш;</p> <p>- субсидиялар олиш жараёнини осонлаштириш.</p>  |

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномада қуйидагиларни алоҳида

белгилаган: “бугунги кунда мамлакатда урбанизация даражаси 35,5 фоизни ташкил этмоқда ва бугунги кунда зарурий чоралар кўрилмаса ушбу кўрсаткичнинг пасайиш эҳтимоли бор”<sup>100</sup>. Шунга мувофиқ, “2030 йилга мамлакатда урбанизация даражасини 60 фоизга етказиш Давлат дастури” қабул қилинган. Бу эса ҳар йили шаҳарларда уй-жой қурилишининг ҳажми 10 млн. м.кв. ташкил этиши билдиради, бу эса шаҳарсозлик ва шаҳарларда уй-жойларнинг қурилиши ҳажми салмоқли даражада ўсишни билдиради.

Ушбу жиҳатдан бошқа соҳа ва тармоқлар қаторида Ўзбекистонда сўнгги йилларда қурилиш соҳасининг фаол ривожланиши кузатилмоқда. Яъни, сўнгги беш йилда қурилиш тармоғининг ўртача ўсиш кўрсаткичи 13,1 фоизни ташкил этган бўлса, энг юқори ўсиш 2019 йилда 19 фоизни ташкил этган. Қурилиш фаолиятини янада ривожлантиришга мақбул шароитларни яратиш мақсадида қурилишни амалга ошириш учун олинадиган рухсатларнинг сони 23 тадан 17 тага камайтирилган ва рухсатномаларни олиш харажатлари 3,8 фоиздан 3 фоизга камайтирилган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилиш-монтаж ишларини бошлаганлик тўғрисида хабардор қилиш тартиби бекор қилинган, қурилиш соҳасида давлат харидларини такомиллаштириш ишлари ва бошқалар. Бундай чора-тадбирлар натижасида қурилиш ташкилотлари сони 4,4 мингга кўпайган, шу жумладан, аҳоли эҳтиёжларига мўлжалланган объектларни қуриш бўйича 21,9 фоизга кўпайган<sup>101</sup>.

Энг муҳими, инфратузулмага киритилаётган инвестициялар ҳисобига ҳамда молия бозорининг ривожланиши асосида ажратилаётган кредитларнинг кўпайиши ҳисобига қурилиш соҳасининг янада ривожланиши кутилмоқда.

Қурилиш соҳасида коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичида жамоатчилик учун

---

<sup>100</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномаси 28.12.2018 й.

<sup>101</sup> Обзор тенденций развития экономики Республики Узбекистан за 2020 год и прогнозы на 2021 год. Т.: 2021. С.25.

шаффофликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 сентябрда ПҚ-4464-сонли Қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ Қурилиш вазирлиги фаолиятига «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими жорий этилди ва уни 2020 йил 1 июнга қадар Тошкент вилоятида марказлаштирилган молиялаштириш манбаларидан, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар қурилиши жараёнида тажриба тариқасида ишга туширилди, натижада<sup>102</sup>:

- қурилиш соҳасида ахборот-технологиялар ривожлантириш Маркази ташкил этилди;

- юридик ва жисмоний шахсларга кенг фойдаланиш имконини берувчи “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” геоахборот тизими жорий қилинди;

- қурилиш-монтаж ишларида тизимли назорат ўрнатилиб, қурилишнинг барча босқичларида назорат қилишнинг аниқ механизмлари ва ижро ҳужжатларини юритишнинг электрон онлайн тизими яратилди;

- шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини электрон ҳужжатлар алмашинуви орқали босқичма-босқич амалга ошириш тизими жорий этилди;

- вазирлик тизимидаги ташкилотлар замонавий компьютер техникаси ва дастурий маҳсулотлар билан таъминланди.

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш ва қурилиш ишлари сифатини ошириш мақсадида:

- қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш рейтинги жорий этилди;

- ташкилотларнинг ихтисослашуви, қурилиш-монтаж ишлари турлари, доимий ишлайдиган ишчи-ходимлар сони, асосий ишлаб чиқариш воситалари тўғрисида маълумотларнинг ягона электрон базаси жорий этилди;

---

<sup>102</sup> <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-qurilish-sohasida-tub-burilishlarni-amalga-oshirmoqda>

- қурилиш-пудрат ташкилотлари ишчиларини қайта тайёрлаш ва касбга ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари, касб-ҳунарга эга бўлганлиги тўғрисида сертификатлар бериш кўзда тутиляпти.

Республиканинг уй-жой қурилиши соҳасига замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шароит яратиш, шунингдек, кўп квартиралли уйларни улуш киритиш асосида қуриш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш ҳамда қурилишда улуш киритиш асосида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 майдаги “Кўп квартиралли уйларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4732-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан қуйидаги тартиблар ўрнатилди:

- улуш киритиш асосида қурилиш учун маблағларни жалб қилиш, қурувчи ва улушдор ўртасида тузилган ва белгиланган тартибда ҳисобга қўйилган шартномага мувофиқ амалга оширилади;

- улуш киритиш асосида қурилиш ҳақидаги маълумотларни юритиш, шу жумладан қурувчиларни электрон рўйхатга киритиш ва шартномаларни ҳисобга қўйиш электрон шаклда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган электрон платформа орқали Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан амалга оширилади;

- улушдорларнинг маблағлари қурувчининг ҳар бир қурилиш мажмуаси бўйича алоҳида банк ҳисобварағида жамланади ҳамда фақат қурувчи ва улушдорлар ўртасида тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш мақсадлари учун йўналтирилади;

- қурувчилар қурилиш-монтаж ишларини ўз кучи билан ёки қурилиш-пудрат ташкилотларини (бош пудратчини) жалб қилган ҳолда амалга ошириши мумкин. Бунда бош пудратчи қурувчи билан тузилган бош пудрат шартномасига асосан қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун ишлар

(хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини ўз кучи билан бажариш шarti билан субпудрат ташкилотларини жалб қилиши мумкин;

- қурувчилар улушдорларнинг маблағлари сарфланиши ҳамда қурилиш объектидаги ишлар ҳақида доимий равишда ўзларининг расмий веб-сайтлари ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ахборот бериб борадилар, шунингдек, қурилиш объектини онлайн режимида кузатиш имкониятини таъминлайдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида уй-жой қурилишини бошқаришнинг асосий иқтисодий муаммоларидан бири бу унинг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қиладиган омилларни комплекс ўрганишдир, хусусан:

- импортга қарамлик ҳолатини бартараф этиш мақсадида, бевосита Ўзбекистонда ускуналар, қурилмалар ва қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришни локализациялаш дастурини амалга ошириш;

- уй-жой қурилишини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини таъминлаш;

- қурилиш объектларнинг нарҳи ошиши, уни қайта қуриш ва бошқа ҳолатларни олдини олиш мақсадида, қурилиш қонуни ва талабларига риоя қилиш;

- аҳолини қулай уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида уй-жой қурилиш бозорида рақобат муҳитини яратиш<sup>103</sup>.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик субъектнинг фаолияти самарадорлиги айнан талаб ва таклифнинг мувозанатига асосланган бўлади, жумладан уй-жой қурилиши бозори ҳам бундан истисно эмас. Аммо, мамлакатда аҳолининг барча қатламларини уй-жой шароити билан таъминланганлик масаласи ҳар бир мамлакатда муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалардан бирилиги айнан бу борада давлатнинг тартибга солувчи роли муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>103</sup> Нуриббетов Р.И., Давлетов И.Х., Хасанов Т.А. О совершенствовании деятельности подрядных и проектно-строительных организаций в Узбекистане / Бюллетень науки и практики. №2. 2019. С.207.



Жаҳон амалиётининг таҳлиliga кўра, уй-жой қурилишини давлат томонидан тартибга солинишининг зарурлиги қуйидаги омилларга асосланади:

- аҳолининг аксарият қатламининг уй-жойларни харид қилиш учун маблағларининг мавжуд эмаслиги;
- уй-жой қурилишига йўналтириладиган давлат бюджетининг чегараланганлиги;
- уй-жойларни харид қилиш нияти бўлган аҳоли учун молия-кредит механизмларнинг мавжуд эмаслиги;
- уй-жой бозори иштирокчиларига нисбатан аҳолида ишончнинг пастлиги;
- уй-жой шароитларини яхшилаш истагида рўйхатларга олинган аҳоли учун самарали механизмларнинг мавжуд эмаслиги;
- аҳолининг барча қатламлари учун уй-жойларни харид қилиш учун асосий тамойилларнинг амалиётга жорий қилинмаганлиги ва бошқалар.

Ушбу борада фикримизча, давлатнинг уй-жой қурилишини тартибга солиши асосан мамлакатдаги турли қатламдаги аҳолининг тўлов қобилиятларини қўллаб-қувватлаш ва оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ, бунинг учун, давлатнинг уй-жой қурилишига аралашуви қуйидаги усуллар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ (2.2.1-расм).



**2.2.1-расм. Уй-жой қурилишида давлатнинг роли<sup>104</sup>**

<sup>104</sup> Муаллиф ишланмаси.

2.2.1-расмда келтирилган усулларнинг ҳар бирида давлатнинг ўзига хос роли ажралиб туради, хусусан:

**1. Талабни рағбатлантириш усулларни** жорий қилиш ва амалга ошириш орқали, давлат томонидан турли хилдаги молиявий механизмлардан фойдаланиш орқали уй-жой қурилишини тартибга солиши натижасида ўрта ва паст даромадли аҳолининг тўлов қобилиятини оширишга эришилади. Бу эса пировард натижада уй-жой бозорининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

**2. Таклифни рағбатлантириш усулларни** жорий қилиш орқали давлатнинг уй-жой қурилишида қуйидагиларга эришилади:

- даромад даражаси ўрта ва паст бўлган аҳоли қатламлари учун ўрнатилган стандартлар асосида уй-жой қурилиши ҳажмини ошириш;
- имтиёзлар асосида иккиламчи уй-жой бозоридан ижтимоий ҳимояланмаган аҳолини уй-жой билан таъминлаш.

**3. Маъмурий бошқарув усуллари.** Давлат томонидан уй-жойлар муаммолари билан боғлиқ бўлган маъмурий бошқарув усуллари ердан фойдаланиш ва унинг, ерни хусусийлаштириш, муҳандислик инфратузулмани ривожлантириш ердан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал қилинишини киритиш мумкин.

**4. Аҳолининг айрим қатламлари учун уй-жойларнинг қурилиши қўллаб-қувватлаш.** Ушбу усулга молиявий кўмаклашишнинг кредитлашнинг қулай механизмларини жорий қилиш ва аҳолининг тегишли қатламлари учун уй-жойларни харид қилиш имкониятини яратиш.

Юқоридаги маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, уй-жой бозорида давлатнинг талаб ва таклифни рағбатлантиришда иштирок этмаслиги ёки иштироқи паст даражада бўлиши бозордаги умумий мувозанатнинг бузилиши ва ижтимоий тенгсизлик аломатларининг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки, аҳолининг юқори даромадга эга бўлган қатламлари томонидан қиммат нархлардаги уй жойларнинг хариди

кўпаяди бунинг натижасида бозорнинг тўйиниши рўй беради, шу билан бирга иқтисодий мақбул – тежамкор уйларга бўлган талаб камаяди, ва пировард натижада уй жойларнинг қурилишига салбий таъсир кўрсатиши ва амалдаги нархларнинг янада кўтарилишига олиб келади.

Давлат томонидан уй-жой қурилишини тартибга солишда юқори даражада фаоллиги уй-жой бозорининг алоҳида сегментларининг ривожланишини рағбатлантиради, бунинг натижасида аҳолининг барча катламлари учун даромадларидан катъий назар уй-жойларни харид қилишлари учун ҳам бозор ҳам ижтимоий имкониятларини оширади.

Шунингдек, давлат томонидан ўрта даромадли аҳолининг уй жойларни харид қилишнинг рағбатлантирилиши молиявий оқимларнинг барқарорлигини таъминлайди, уй жойларнинг қурилиш ҳажмига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда уй жойларни харид қилиш қобилиятига эга бўлган аҳолининг сони кўпаяди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб белгилаш зарурки, уй-жой қурилишининг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий механизмларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ. Улар қаторига, иқтисодий-тежамкор уй-жойларни қуриш, уй-жой қурилишида хусусий секторнинг улушини давлат хусусий шерикчилик муносабатларини ривожлантириш асосида ошириш, ижтимоий кафолатлар ва мажбуриятларни амалга ошириш, тижорат ва ипотека дастурларини фаол ривожлантириш ҳамда қурилиш соҳасини инновацион ривожланишини рағбатлантириш.

(2.2.2-расм)



**2.2.2-расм. Давлат томонидан уй-жой қурилишини қўллаб-қуватлаш механизмлари<sup>105</sup>**

Белгилаш зарурки иқтисодиётнинг аксарият соҳалари сингари қурилиш соҳаси ҳам юқори технологик ва инновацияларга асосланган соҳалар қаторига киради. Энг муҳими, қурилиш соҳасининг инновацион ривожланишини таъминлаш давлат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда ва бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3646-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқарувини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-5120-сонли фармонида соҳада лойиҳалаштириш жараёнларида замонавий инновация усулларида фойдаланмаслик ва бунинг натижасида сифати паст бўлган лойиҳа ҳужжатларнинг тайёрланиши каби танқидий ёндашувлар билдирилган.

<sup>105</sup> Муаллиф ишланмаси.

Шу билан бирга мазкур хужжатларда қурилиш соҳасида меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш-монтаж ишлари нарҳини пасайтириш, инновацион лойиҳаларни жорий қилиш, ресурслар тежамкорлигини таъминлаш, тасдиқланган бош режага мувофиқ аҳоли турар жойларини қуриш ва бошқа қатор шу каби муҳим масалалар белгиланган. Демакки, уй-жой қурилишида инновациялар деярли барча йўналишларда ўз ифодасини топиши мумкин, хусусан:

- уй-жой қурилишида давлат хусусий шерикчилик муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган механизмларнинг яратилиши ва жорий қилиниши;

- арзон ва шу билан бирга сифатли қурилиш маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган механизмларнинг яратилиши ва жорий қилиниши;

- акциядорлик жамиятлари шаклида бўлган қурилиш корхоналарида замонавий корпоратив бошқарув механизмларнинг яратилиши ва жорий қилиниши;

- соҳа мутахассисларининг малака ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориш механизмларнинг яратилиши ва жорий қилиниши;

- соҳада ресурс тежамкор ва энергия тежамкор технологияларнинг яратилиши ва жорий қилиниши ва бошқалар.

Б.С.Калмуратовнинг фикрига кўра, қурилиш соҳаси истиқболда кўйидаги тизимли чақирувларга дуч келиши мумкин, хусусан:

- қурилиш хизматлари бозорида глобал рақобатнинг ва рақобат курашининг кучайиши. Аввало инновацион тизимнинг рақобатбардолигини таъминлайдиган омиллар учун рақобат кураши кучаяди, улар жумласидан асосан малакали мутахассислар ва инвестициялар;

- жаҳон иқтисодиётининг технологик ривожланишининг жадаллашуви ва қурилиш соҳасида кутиладиган технологик янгиликларнинг жадаллашуви айниқса, ресурс тежамкорлик ва муқобил энергетикадан фойдаланишга йўналтирилган технологик янгиликларнинг кўпайиши;

- инсон капиталининг иқтисодий ривожланишининг бош омил сифатида намоён бўлиши ва бошқалар<sup>106</sup>.

Бизнинг фикримизча:

Қурилиш соҳасининг инновацион ривожланиши учун асосий қаҳриқларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- соҳада меҳнат унумдорлиги даражаси бўйича ривожланган мамлакатларга нисбатан ортда қолиш;

- самарали ва ресурс тежамкор материаллар ва технологиялардан фойдаланишда ортда қолиш;

- қурилишнинг турли жараёни ва босқичларида экологик ҳавфсизликни ошириш зарурати.

Аммо, кўплаб таҳлилларга кўра, истеъмолчилар томонидан қурилиш соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес вакилларига ишончсизлик ҳолатлари ҳам юқори бўлади.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ҳар томонлама илмий ишланма ва тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

- соҳада янги бошқарув қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш;

- лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида техник хужжатларни ишлаб чиқиш даражасини ошириш;

- инновацион қарорлар ва маҳсулотларни жорий қилишга қаратилган халқаро стандартларни жорий қилиш;

- қурилиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш ва ривожлантириш.

---

<sup>106</sup> Kalmuratov B.S. The current state of innovative development of the construction industry of the Republic of Uzbekistan / International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. 2020. P.460.

### **§ 2.3 Уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги**

Сўнги йилларда мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилашга, муҳтож оилаларни ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жой қурилиши соҳасига фаол жалб этиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президент Ш.М.Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 2 ноябрь куни “Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирлари” муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида ҳам мазкур масаланинг долзарблиги таъкидланди<sup>107</sup>. Жумладан, уй-жой қурилиши мўлжалланган ҳар бир массивда саноат лойиҳалари, хизмат кўрсатиш объектлари ва ижтимоий инфратузилма бир вақтда қурилиши, натижада эса аҳоли ҳам уйли, ҳам ишли бўлиши таъкидланди. Шунингдек, ҳозирда мамлакатимиз аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўлиқ кондиритиш учун йилига камида 100-150 мингта уй-жой қурилиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Албатта, аҳолининг уй-жойга бўлган бундай эҳтиёжи мазкур соҳанинг ривожланишига замин яратади.


Дарҳақиқат, ўтган 20 йилда республика иқтисодиёти тармоқларида жадал ривожланган ва ЯИМдаги улуши тобора ўсиб бораётган тармоқ бу айнан қурилиш соҳасидир. Масалан, 2021 йилда 88130,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2000 йилга нисбатан қарийб 227 баробарга, 2010 йилга нисбатан эса қарийб 11 баробарга ошган. Шунингдек, 2020 йилда республика ЯИМда қурилиш соҳасининг улуши 37488,5 млрд. сўмга ёки 6,2 фоизини ташкил этган.

Ушбу қурилиш ишлари билан шуғулланаётган корхоналар сони 2020 йил ҳолатига 36,2 минг тага етган. Шундан 36,02 мингтаси кичик бизнес ва

---

<sup>107</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4739>

хусусий тадбиркорлик субъектларидир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча тармоқларида бўлганлиги каби қурилиш соҳасида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг роли ва улуши тобора ортиб бормоқда. Жумладан, 2020 йилда жами қурилиш ишларининг 63866,6 млрд. сўми ёки 72,5 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган (2.3.1-расм).



**2.3.1-расм. Қурилиш ишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши динамикаси<sup>108</sup>**

Қурилиш ишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улушининг ўсиш миқдори ва индекс кўрсаткичини қуйидагича ҳисоблаш мумкин.

$$\Delta KBXTQIX = KBXTQIX_2 - KBXTQIX_1 \quad 2.3.1$$

бу ерда:

$\Delta KBXTQIX$  - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажмининг ўзгариш миқдори,

$KBXTQIX_1$  ва  $KBXTQIX_2$  - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми.

<sup>108</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



$$KBXT_U^o = \frac{KBXT_{QIX}}{QI} \cdot 100\%$$


2.3.2

бу ерда:

$KBXT_U^o$  - қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши,

$QI$  - жами қурилиш ишлари ҳажми.

Таҳлилларга кўра, 2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши энг юқори бўлган тармоқ қурилиши бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 428,6 мартага, 2018 йилга нисбатан 15,3 мартага ошган (2.3.2-расм).



2.3.2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши<sup>109</sup>

Таҳлилларга кўра, қурилиш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажми 2020 йилда 210195,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 12,8 мартага ошган. Шундан, шу даврда уй-жой қурилишига 19064,2 млрд. сўм инвестиция киритилган бўлса, мазкур соҳага киритилаётган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 8,2 мартага кўпайганлигини кўриш мумкин.

<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шу ўринда, жами қурилишга киритилган инвестициялар самарадорлиги ва уй-жой қурилишига киритилган инвестициялар самарадорлигини таҳлил қилиш ва уларни таққослаш лозим. Бунинг учун ўртача ва чекли маҳсулотни ҳисоблашнинг қуйидаги формулаларидан фойдаланиш мумкин.

$$AP = \frac{Q_i}{I_i} \quad 2.3.3$$

бу ерда:  $AP$  - ўртача маҳсулот миқдори,

$Q_i - i$  – тармоқдаги жами маҳсулот,

$I_i - i$  – тармоқга киритилган инвестициялар ҳажми.

$$MP = \frac{\Delta Q_i}{\Delta I_i} \quad 2.3.4$$

бу ерда:  $MP$  - чекли маҳсулот миқдори,

$\Delta Q_i - i$  – тармоқдаги жами маҳсулотнинг ўзгарган миқдори,

$\Delta I_i - i$  – тармоқга киритилган инвестицияларнинг ўзгарган миқдори.

### 2.3.1-жадвал

#### Қурилиш ва уй-жой қурилишига киритилган инвестицияларнинг ўртача ҳамда чекли маҳсулотлари динамикаси<sup>110</sup>

| Йил  | Қурилиш соҳасига киритилган инвестициянинг ўртача маҳсулоти | Уй-жой қурилишига киритилган инвестициянинг ўртача маҳсулоти | Қурилиш соҳасига киритилган инвестициянинг чекли маҳсулоти | Уй-жой қурилишига киритилган инвестициянинг чекли маҳсулоти |
|------|---|--|--|---|
| 2010 | 0,50  | 0,89   | 0,39   | 0,10  |
| 2011 | 0,49  | 0,65   | 0,41   | 0,10  |
| 2012 | 0,48  | 0,52   | 0,45   | 0,15  |
| 2013 | 0,50  | 0,45   | 0,57   | 0,22  |
| 2014 | 0,53  | 0,44   | 0,68   | 0,39  |
| 2015 | 0,57  | 0,40   | 0,75   | 0,28  |
| 2016 | 0,57  | 0,38   | 0,62   | -0,38   |
| 2017 | 0,48  | 0,37   | 0,25   | 0,33  |
| 2018 | 0,41  | 0,35   | 0,32   | 0,31  |
| 2019 | 0,36  | 0,56   | 0,28   | 5,94  |
| 2020 | 0,42  | 0,73   | 1,19   | -2,07   |
| 2021 | 0,38  | 0,54   | 0,34   | 4,71  |


2.3.3 ва 2.3.4 формулалардан фойдаланиб, жами қурилиш соҳасига киритилган инвестициялар ҳамда уй-жой қурилишига киритилган

<sup>110</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари.

инвестицияларнинг ўртача ва чекли маҳсулотини ҳисоблаш мумкин (2.3.1-жадвал).

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, қурилиш соҳасига киритилган инвестицияларнинг ўртача маҳсулоти яъни, ҳар бир бирлик сарфланган инвестицияга 2010 йилда 0,5 бирлик, 2015 йилда 0,57 бирлик ва 2021 йилда эса 0,54 бирлик қурилиш ишлари тўғри келиб, инвестиция самарадорлиги тушиб кетган. Шунингдек, уй-жой қурилишига киритилган инвестицияларнинг ўртача маҳсулоти яъни, ҳар бир бирлик сарфланган инвестицияга 2010 йилда 0,89 бирлик, 2015 йилда 0,40 бирлик ва 2021 йилда эса 0,72 бирлик уй-жой қурилиш ишлари тўғри келган бўлиб, инвестиция самарадорлиги ошган.

Бошқа томондан эса, қурилиш соҳасига киритилган ҳар бир қўшимча бирлик инвестицияларнинг чекли маҳсулоти 2010 йилда 0,39 бирлик, 2015 йилда 0,75 бирлик ва 2021 йилда 1,19 бирлик қурилиш ишлари тўғри келиб, инвестиция самарадорлиги ошиб борган бўлса, уй-жой қурилишида эса киритилган ҳар бир қўшимча бирлик инвестицияларнинг чекли маҳсулоти 2010 йилда 0,1 бирлик, 2015 йилда 0,28 бирлик ва 2021 йилда 4,71 бирлик қурилиш ишлари тўғри келган бўлиб, инвестиция самарадорлиги пасайиб кетган.



**2.3.3-расм. 2010-2021 йиллар давомида қурилиш ва уй-жой қурилишига киритилган инвестицияларнинг ўртача ҳамда чекли маҳсулотларининг ўртача миқдори<sup>111</sup>**

<sup>111</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

2010-2021 йиллар давомида қурилиш соҳасига киритилган инвестицияларнинг самарадорлиги ўртача бир бирлик сарфланган инвестицияга 0,48 бирлик қурилиш ишлари тўғри келган бўлса, мазкур кўрсаткич уй-жой қўрилишида 0,52 га тенг бўлиб, уй-жой қурилишида инвестициялар сарфи самарали эканлигини кўрсатди.

Аммо, шу даврлар мобайнида қурилиш соҳасига қўшимча киритилган инвестицияларнинг самарадорлиги ўртача бир бирлик сарфланган инвестицияга 0,54 бирлик қурилиш ишлари тўғри келган бўлса, мазкур кўрсаткич уй-жой қўрилишида 0,49 га тенг бўлиб, жами қурилиш соҳасида қўшимча киритилган инвестициялар сарфи самарали эканлиги кузатилди.

Умуман олганда, олиб борилган таҳлиллар ва кузатишлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилда пандемия таъсирида бошқа тармоқлар сингари қурилиш соҳасида ҳам нотекис динамик кўрсаткичлар қайт этилди. Бундан ташқари, мамлакат аҳолиси сони шиддат билан ўсиб, уй-жойга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда.

Шу боис, қурилиш хусусан, уй-жой қурилиш ишлари ҳажми ва унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг миқдорий боғлиқлигини эконометрик таҳлил қилиш ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг қисқа муддатли прогноз қийматларини ишлаб чиқиш лозим. Бу ўз навбатида аҳолини уй-жой билан таъминлаш чоратadbирлари ҳамда соҳанинг ривожлантиришнинг кейинги стратегияларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай кўрсаткичлар ва уларга боғлиқ бўлган натижавий кўрсаткич ўртасидаги миқдорий боғлиқлик кўп омилли регрессия моделидан фойдаланиб эконометрик таҳлил қилиш мумкин.

$$Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + \dots + a_nx_n + \varepsilon \quad 2.3.5$$

бу ерда:  $Y$  – натижавий кўрсаткич (боғлиқ ўзгарувчи),

$x_n$  – натижавий кўрсаткичга таъсир кўрсатувчи омиллар (мустaqил ўзгарувчилар),

$a_n$  – моделнинг номаълум параметрлари,



Мавжуд кўрсаткичлардан фойдаланиб, қуйидаги кўп омилли регрессия модели тузиб олинди ва модел баҳоланди.

$$Y_1 = -17782,611 + 0,2175 x_1 + 1,66 x_2$$

Моделнинг аппроксимация хатолиги ( $\bar{A} = 7,42$ ), детерминация коэффициенти ( $R^2 = 0,9981$ ), фишер мезони ( $F = 1061,996$ ), стьюдент мезони ( $t_{a_0} = 4,547$ ,  $t_{a_1} = 7,989$ ,  $t_{a_2} = 5,987$ ), стандарт хатолик ( $S_{y_1} = 1811,552$ ) ва Дарбин-Уотсон мезони ( $DW = 1,53$ ) тенг эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари, уй-жой қурилиш ишлари ҳажмини ( $Y_2$ ) ва унга таъсир қилувчи омилларни, яъни, уй-жой қурилиши соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмини ( $x_3$ ) ҳамда уй-жой қурилиши соҳасидаги корхоналар сонини ( $x_4$ ) сифатида белгилаб олинди ҳамда кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланди (2.3.3-жадвал).

### 2.3.3-жадвал

#### Жуфт корреляция матрицаси<sup>113</sup>

|       | $Y_2$       | $x_3$       | $x_4$       |
|-------|-------------|-------------|-------------|
| $Y$   | 1           | 0,885568111 | 0,959937307 |
| $x_3$ | 0,885568111 | 1           | 0,904805527 |
| $x_4$ | 0,959937307 | 0,904805527 | 1           |

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, моделга киритилган кўрсаткичлар ўртасида мультиколлинеарлик юқори эканлигини кўрсатди.

Мавжуд кўрсаткичлардан фойдаланиб, қуйидаги кўп омилли регрессия модели тузиб олинди ва модел баҳоланди.

$$Y_2 = -6158,9954 + 0,05676 x_3 + 0,5123 x_4$$

Моделнинг аппроксимация хатолиги ( $\bar{A} = 26,87$ ), детерминация коэффициенти ( $R^2 = 0,9231$ ), фишер мезони ( $F = 47,999$ ), стьюдент мезони

<sup>113</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари.

( $t_{a_0} = 3,66$  ,  $t_{a_2} = 0,407$  ,  $t_{a_3} = 3,8$ ), стандарт хатолик ( $S_{y_2} = 1243,727$ ) ва Дарбин-Уотсон мезони ( $DW = 0,67$ ) тенг эканлиги аниқланди.

Регрессион таҳлил натижаларига кўра, уй-жой қурилишига нисбатан умумий қурилиш соҳасига киритилган инвестициялар ва соҳа корхоналари сони омилларининг таъсири юқори эканлиги аниқланди.

Умуман олганда, қурилиш соҳаси бўйича статистик маълумотлар етарли даражада шаклланмаган. Шу боис, соҳага таъсир қилувчи бошқа омиллар боғлиқлигини эконометрик баҳолашнинг имкони мавжуд эмас.

Аммо, мавжуд кўрсаткичлар учун ўрта муддатли прогноз қийматларни ишлаб чиқиш мумкин. Бунинг учун чизиқли, даражали, квадратик, экспоненционал, логарифмик ва бошқа кўринишдаги мос бўлган функциялардан фойдаланиш мумкин.

Мазкур кўрсаткичларни вақт омили бўйича ўзгариш миқдорларининг прогноз қийматларини ишлаб чиқишда мос тренд моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлар ажратиб олинди ва тренд моделлари ишлаб чиқилди (2.3.4-жадвал).

### 2.3.4-жадвал

#### Танланган кўрсаткичлар бўйича тенд моделлари<sup>114</sup>

| № | Кўрсаткич  | Тренд модел                    |
|---|--|--------------------------------|
| 1 | Жами қурилиш ҳажми ( $y_1$ )   | $y_1 = 5932,68 e^{0,239 t}$    |
| 2 | Қурилишга киритилган инвестициялар ( $y_2$ )                         | $y_2 = 10782,59 e^{0,262 t}$   |
| 3 | Қурилиш корхоналари сони ( $y_3$ )                                   | $y_3 = 11489,729 e^{0,0916 t}$ |
| 4 | Уй-жой қурилиши ҳажми ( $y_4$ )                                      | $y_4 = 1345,706 e^{0,1856 t}$  |
| 5 | Уй-жой қурилишига киритилган инвестициялар ҳажми ( $y_5$ )           | $y_5 = 2242,997 e^{0,215 t}$   |
| 6 | Қурилишдаги кичик корхоналар сони ( $y_6$ )                          | $y_6 = 11500,032 e^{0,0914 t}$ |
| 7 | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қурилишдаги улуши ( $y_7$ ) | $y_7 = 3463,787 e^{0,262 t}$   |
| 8 | Фойдаланишга топширилган уй-жойлар ( $y_8$ )                         | $y_8 = 8773,235 e^{0,044 t}$   |

<sup>114</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тузилган тренд моделлари аппроксимация хатолиги ( $\bar{A}$ ), детерминация коэффициенти ( $R^2$ ), фишер мезони ( $F$ ), стьюдент мезони ( $t_i$ ), стандарт хатолик ( $S_{y_i}$ ) ва Дарбин-Уотсон мезон ( $DW$ ) лари бўйича баҳоланди (2.3.5-жадвал).

### 2.3.5-жадвал

#### Тузилган тренд моделларини баҳолаш натижалари<sup>115</sup>

| № | Тренд модел                   | Баҳолаш натижалари  |
|---|-------------------------------|---|
| 1 | $y_1 = 5932,68 e^{0,239t}$    | $\bar{A} = 0,5$ ; $R^2 = 0,98$ ; $F = 1122,9$ ; $t_a = 33,51$ ;<br>$t_b = 179,28$ ; $S_{y_1} = 0,08$ ; $DW = 1,13$  |
| 2 | $y_2 = 10782,59 e^{0,262t}$   | $\bar{A} = 1,16$ ; $R^2 = 0,96$ ; $F = 257,78$ ; $t_a = 16,06$ ;<br>$t_b = 83,75$ ; $S_{y_2} = 0,17$ ; $DW = 0,75$  |
| 3 | $y_3 = 11489,729 e^{0,0916t}$ | $\bar{A} = 0,49$ ; $R^2 = 0,95$ ; $F = 185,22$ ; $t_a = 13,61$ ;<br>$t_b = 204,79$ ; $S_{y_3} = 0,07$ ; $DW = 0,86$ |
| 4 | $y_4 = 1345,706 e^{0,1856t}$  | $\bar{A} = 2,05$ ; $R^2 = 0,88$ ; $F = 67,72$ ; $t_a = 8,23$ ; $t_b = 47,30$ ;<br>$S_{y_4} = 0,24$ ; $DW = 0,58$    |
| 5 | $y_5 = 2242,997 e^{0,215t}$   | $\bar{A} = 1,28$ ; $R^2 = 0,96$ ; $F = 233,32$ ; $t_a = 15,27$ ;<br>$t_b = 80,76$ ; $S_{y_5} = 0,15$ ; $DW = 1,56$  |
| 6 | $y_6 = 11500,032 e^{0,0914t}$ | $\bar{A} = 0,48$ ; $R^2 = 0,95$ ; $F = 190,09$ ; $t_a = 13,79$ ;<br>$t_b = 207,99$ ; $S_{y_6} = 0,07$ ; $DW = 0,86$ |
| 7 | $y_7 = 3463,787 e^{0,262t}$   | $\bar{A} = 0,76$ ; $R^2 = 0,98$ ; $F = 691,94$ ; $t_a = 26,30$ ;<br>$t_b = 120,47$ ; $S_{y_7} = 0,10$ ; $DW = 1,37$ |
| 8 | $y_8 = 8773,235 e^{0,044t}$   | $\bar{A} = 0,61$ ; $R^2 = 0,82$ ; $F = 40,21$ ; $t_a = 6,34$ ; $t_b = 193,05$<br>; $S_{y_8} = 0,07$ ; $DW = 2$      |

Мазкур тренд моделлар асосида ушбу кўрсаткичлар учун узок муддатли (2022-2030 йиллар) прогноз қийматлари ишлаб чиқилди (2.3.6-жадвал).

<sup>115</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



Танланган кўрсаткичлар бўйича прогноз қийматлар<sup>116</sup>

| Йиллар | Жами қурилиш ҳажми | Қурилишга киритилган инвестициялар | Қурилиш корхоналари сони (бирлик) | Уй-жой қурилиши ҳажми | Уй-жой қурилишига киритилган инвестициялар ҳажми | Қурилишдаги кичик корхоналар сони (бирлик) | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қурилишдаги улуши | Фойдаланишга топширилган уй-жойлар (жами бўйича минг квадрат) |
|--------|--------------------|------------------------------------|-----------------------------------|-----------------------|--|--|--|---|
| 2022   | 131367,1           | 321 674,4                          | 37 660                            | 14 914,8              | 36 389,6   | 37 597,0                                   | 103 334,3  | 15 517,4  |
| 2023   | 166711,7           | 417 690,4                          | 41 261                            | 17 946,4              | 45 088,5   | 41 183,8                                   | 134 178,4  | 16 213,2  |
| 2024   | 211566,0           | 542 365,9                          | 45 207                            | 21 594,2              | 55 866,9   | 45 112,8                                   | 174 229,0  | 16 940,2  |
| 2025   | 268488,4           | 704 255,7                          | 49 530                            | 25 983,4              | 69 221,8   | 49 416,7                                   | 226 234,3  | 17 699,9  |
| 2026   | 340725,9           | 914 467,6                          | 54 266                            | 31 264,7              | 85 769,2   | 54 131,1                                   | 293 762,5  | 18 493,6  |
| 2027   | 432399,1           | 1187425,2                          | 59 455                            | 37 619,6              | 106 272,2  | 59 295,3                                   | 381 447,1  | 19 322,9  |
| 2028   | 548737,3           | 1541857,4                          | 65 140                            | 45 266,1              | 131 676,5  | 64 952,1                                   | 495 304,5  | 20 189,3  |
| 2029   | 696376,5           | 2002083,5                          | 71 369                            | 54 466,8              | 163 153,6  | 71 148,7                                   | 643 147,0  | 21 094,7  |
| 2030   | 883738,5           | 2599681,4                          | 78 193                            | 65 537,7              | 202 155,3  | 77 936,4                                   | 835 118,7  | 22 040,6  |

Прогнозлаш натижаларига кўра, 2030 йилда жами қурилиш ишлари ҳажми 883738,5 млрд. сўмга, қурилишга киритиладиган инвестициялар 2599681,4 млрд. сўмга, қурилиш корхоналари сони 78193 тага, уй-жой қурилиши ҳажми 65537,7 млрд. сўмга, уй-жой қурилишига киритиладиган инвестициялар ҳажми 202155,3 млрд. сўмга, қурилишдаги кичик корхоналар сони 77936 тага, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қурилишдаги улуши 835118,7 млрд. сўмга, фойдаланишга топшириладиган уй-жойлар 22040,6 минг квадратга етиши мумкин.

## 2-боб бўйича хулоса

Ўзбекистонда уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши динамикасининг таҳлили асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- кенг қамровли чуқур таркибий ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида асосий капиталга кириталаётган инвестицияларнинг ижобий ўсиш динамикаси қаторида уй-жой қурилишига киритилган инвестицияларда ҳам ижобий ўсиш кузатилган. Соҳага йўналтирилган инвестицияларнинг натижадорлиги сифатида, фуқароларга фойдаланишга топширилган турар жойларнинг динамикасида ҳам кузатилган, 2010-2020 йилларда энг катта ҳажмдаги қурилиш 2019 йилга тўғри келган, аммо пандемиянинг салбий

<sup>116</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

таъсири туфайли 2020 йилда ушбу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилган. Фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг умумий кўрсаткичида кишлоқларда фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг улуши ҳам бор ва таҳлил даврида ушбу кўрсаткичнинг ўсиши кузатилган;

- қурилиш соҳасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилишда ҳам ижобий тенденциялар кузатилган, яъни, умумий жиҳатдан уларнинг сони мунтазам ошиб бориши кузатилган. Мазкур кўрсаткичнинг вилоятлар кесимидаги таҳлилидан ҳам барча вилоятлар бўйича ўсиш тенденция кузатилган. Шунингдек, ижобий тенденция қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар сонининг ўсишида кузатилган;

- соҳада 2015 йилга нисбатан ишчилар сони камайган ва таҳлил даврида фақат пасайиб бориш тенденцияси кузатилган, айниқса кескин пасайиш 2018-2019 йилларда кузатилган. Аммо, 2020 йилда ушбу ҳолат кескин ўзгарди ва 2020 йилда 2019 йилга нисбатан бандлик сони кўпайган.

Умумий ҳолда қурилиш соҳаси меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқлардан бири бўлишига қарамасдан тадқиқот натижасига кўра, соҳада малакали кадрларни тайёрлаш долзарб бўлиб қолмоқда, чунки, қурилиш соҳаси, малакали мутахассисларни жалб қилишни талаб этади. Айниқса, мамлакатда барча соҳаларда инновацион жараёнлар фаол амалга ошириляётган шароитда, замонавий фикрлайдиган илғор технологиялардан фойдаланадиган мутахассисларга талаб ошиб бориши кутилади.

Жаҳон амалиётига кўра, давлатнинг уй-жой қурилишини тартибга солиши асосан мамлакатдаги турли қатламдаги аҳолининг тўлов қобилиятларини қўллаб-қувватлаш ва уни оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат бўлиши муҳимдир. Бунда, давлатнинг уй-жой қурилишига аралашуви талаб ва таклифни рағбатлантириш, маъмурий бошқарув, аҳолининг айрим қатламлари учун уй-жойларнинг қурилиши қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий механизмлари сифатида иқтисодий-тежамкор уй-жойларни қуриш, уй-жой қурилишида хусусий

секторнинг улушини давлат хусусий шерикчилик муносабатларини ривожлантириш асосида ошириш, ижтимоий кафолатлар ва мажбуриятларни амалга ошириш, тижорат ва ипотека дастурларини фаол ривожлантириш ҳамда қурилиш соҳасини инновацион ривожланишини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Аксинча, уй-жой бозорида давлатнинг талаб ва таклифни рағбатлантиришда иштирок этмаслиги ёки иштироки паст даражада бўлиши бозордаги умумий мувозанатнинг бузилиши ва ижтимоий тенгсизлик аломатларининг кучайишига сабаб бўлиши мумкин.

2020 йилда пандемия таъсирида бошқа тармоқлар сингари қурилиш соҳасида ҳам нотекис динамик кўрсаткичлар қайт этилди. Бундан ташқари, мамлакат аҳолиси сони шиддат билан ўсиб, уй-жойга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу боис, уй-жой қурилиш ишлари ҳажми ва унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг миқдорий боғлиқлигини эконометрик таҳлил қилиш ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг қисқа муддатли прогноз қийматларини ишлаб чиқиши аҳолини уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳамда соҳанинг ривожлантиришнинг кейинги стратегияларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Амалга оширилган прогноз натижаларига кўра, 2025 йилда жами қурилиш ишлари ҳажми 268488,4 млрд. сўмга, қурилишга киритиладиган инвестициялар 704255,7 млрд. сўмга, қурилиш корхоналари сони 49530 тага, уй-жой қурилиши ҳажми 25983,4 млрд. сўмга, уй-жой қурилишига киритиладиган инвестициялар ҳажми 69221,8 млрд. сўмга, қурилишдаги кичик корхоналар сони 49416 тага, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қурилишдаги улуши 226234,3 млрд. сўмга, фойдаланишга топшириладиган уй-жойлар 17699,9 минг квадратга етиши мумкин.

### **III-BOB. УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ БОЗОРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

#### **§ 3.1. Уй-жой қурилиши бозорининг инновацион ривожланиши ва унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг роли**

Маълумки, қурилиш соҳаси инсоният борлигининг энг қадимий соҳаларидан бири бўлиб бугунги кунга қадар ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро, бугунги кунда қурилиш соҳаси бутун дунёда жадал ривожланаётган соҳалардан бири бўлиб, унинг ривожланиши иқтисодиётнинг кўплаб бошқа тармоқларининг ривожланиши билан бирга, саноатда янги тармоқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг асоси ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси” ПФ-6119-сонли фармонида қурилиш тармоғининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи тизимли муаммолар қаторида ишлаб чиқариш ва инфраструктура объектларини жойлаштириш, тадбиркорлик, ишчанлик ва инвестиция фаоллигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги инвестиция жараёнлари иштирокчилари ва шаҳарсозлик фаолияти субъектларига давлат хизматларини кўрсатишнинг максимал шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлаш имконини бермаслиги кўрсатилган. Пировард натижада ушбу кўрсатилган муаммолар қурилиш тармоғининг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилаётганлиги келтирилган.

Кўплаб соҳа ва тармоқлар каби қурилиш соҳасининг ривожланишига соҳада жорий қилинаётган инновацияларнинг роли катта аҳамиятга эга. Ўз навбатида, қурилиш соҳасида ҳам бошқа соҳалар сингари инновацияларни яратиш ва оммавий фойдаланишга тадбиқ этиш ўзига хос мураккабликлардан иборат. Айниқса, қурилиш соҳасининг таркибий муаммолари сифатида

аксарият корхоналарда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, меҳнат шароитларининг тўғри келмаслиги сабабли ёшлар учун соҳанинг жозибадорлик даражаси пастлиги, инновацияларни жорий қилиш имкониятлари кенг эмаслиги ва норасмий меҳнатга йўл қўйилиши муаммолари асосий муаммолар сифатида илгари сурилган<sup>117</sup>.

Бунда қурилиш соҳасининг инновацион ривожланишини ўрганиш, унинг муаммоларини аниқлаш ва шунга асосланиб зарурий чора-тадбирларни шакллантиришга таълуқли кўплаб илмий-тадқиқотлар хорижий ва республикамиздаги олимлар томонидан амалга ошириб келинмоқда, улар жумласидан, Л.А.Трофимова, В.В.Трофимов, А.П.Родионов, Б.Б.Хрусталева, А.Н.Конкин, Н.П.Кузьмич, Б.С.Калмуратов, Ш.А.Фаттахов, Д.Р.Хаирова ва бошқалар.

Қурилиш соҳасининг инновацион ривожланишига бағишланган юқорида келтирилган олимларнинг тадқиқотларининг таҳлили, соҳадаги муаммоларни аниқлаш ва тизимлаштириш имкониятини беради. Масалан, Л.А.Трофимова ва В.В.Трофимовларнинг тадқиқотларига кўра, қурилиш ташкилотларининг инновацион фаоллигининг паст даражадалиги, саноат тармоқларига нисбатан глобаллашув жараёнларда иштирокининг фаолсизлигига асосланган. Бунинг сабабларидан бири қурилиш жараёни узок даврга асосланганлиги ва қурилишда иштирок этадиган кўплаб кичик ва ўрта корхоналарнинг мавжудлиги, яъни, ушбу тадбиркорлик вакиллари илмий тадқиқотларни амалга оширишга инвестициялар йўналтириш имконияти мавжуд эмаслиги ва юқори технологик инновацияларни баҳолаш ҳамда жорий қилиш учун зарурий кўникмаларга эга эмаслиги эътироф этилган<sup>118</sup>.

А.П.Родионов ўз тадқиқотида, қурилиш соҳасида инновацион жараёнларни шакллантириш муаммоларини ўрганган ҳолда, ҳудудларда

---

<sup>117</sup> [http://www.eurasiancommission.org/ru/act/integr\\_i\\_makroec/dep.pdf](http://www.eurasiancommission.org/ru/act/integr_i_makroec/dep.pdf)

<sup>118</sup> Трофимова Л.А., Трофимов В.В. Информационное моделирование и инжиниринг-схеми организации управления как основа инновационного развития строительной отрасли / 2016. С.80. <https://cyberleninka.ru/article/n/informatsionnoe-modelirovanie-i-inzhiniringovye-shemy-organizatsii-upravleniya-kak-osnova-innovatsionnogo-razvitiya-stroitelnoy>

давлат хокимияти томонидан мазкур жараёнларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини асослайди<sup>119</sup>.

Б.С.Калмуратов, бутун дунёдаги каби Ўзбекистонда ҳам қурилиш соҳасининг инновацион даражаси пастлигини бир нечта омилларга асосланганлигини эътироф этади, улар жумласидан:

- жами қурилиш корхоналарнинг 73,2 фоизи микро-корхоналар ташкил этади ва улардаги ишчилар сони ўртача 10 кишидан иборат бўлиб мазкур корхоналарда айланма маблағлардан инновациялар учун ажратмаларни амалга ошириш имконияти мавжуд эмас;

- қурилиш жараёнида инновацияларни баҳолаш учун зарурий индикаторларнинг мавжуд эмаслиги;

- қурилиш технологияларни тадқиқ этадиган Давлат тасарруфида илмий-тадқиқот марказларнинг мавжуд эмаслиги<sup>120</sup>.

Ш.А.Фаттахов, Д.Р.Хаирова ўзларининг тадқиқотларида мамлакатимизда қурилиш соҳасида инновацион жараёнлар тизимлаштирилмаганлиги ва замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермаслигини асослашган. Бунинг асосий сабабларидан бири, мамлакатда қурилиш соҳасида кўплаб кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлар бўлишига қарамасдан уларнинг инновацион фаоллиги пастлиги ва моддий-техник базалари ривожланмаганлиги эътироф этилган. Мазкур масаланинг амалий ечими сифатида муаллифлар томонидан “Қурилиш ташкилотлари уюшмаси”ни ташкил этиш таклифи илгари сурилган. Яъни, ушбу тузулма худудларда жойлашган бўлиб фаолият кўрсатиш механизми бўйича кластерлар механизмига асосланиб, унинг асосий вазифалари қаторига қурилиш техникаларни янгилаш самарадорлигини таъминлаш, қурилиш соҳасидаги инновацион жараёнларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

---

<sup>119</sup> Родионов А.П. Проблемы и перспективы развития малого предпринимательства строительной отрасли в России на современном этапе / Проблемы теории и практики предпринимательства. С.121.

<sup>120</sup> Kalmuratov B.S. The current state of innovative development of the construction industry of the Republic of Uzbekistan / International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. 2020. P.459.

иштирокини фаоллаштириш, республика ва ҳудудий миқёсда капитал қурилиш соҳасини кадрлар билан таъминлаш таклиф этилган<sup>121</sup>.

Шу каби ғоя А.Н.Конкин, С.М.Васин ва О.В.Вертяновалар тадқиқотларида ҳам илгари сурилган. Хусусан, қурилиш соҳасининг инновацион фаоллигини ошириш ва айниқса, мамлакатнинг барча ҳудудларида ушбу жараёнларга фаол жалб қилиш учун олимлар ўз илмий тадқиқотларида ҳудудий қурилиш кластерларни ташкил этиш ва уларга ҳудуддаги қурилиш компаниялар, илмий-тадқиқот муассасалари, олий таълим муассасаларини бириктириш ғоясини илгари суришган<sup>122</sup>.

Б.Б.Хрусталева, А.Н.Конкинларнинг фикрига кўра, қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ва тармоқларига нисбатан инновация борасида жуда ортда қолмоқда ва соҳада, жорий қилинаётган янгиликлар қурилишнинг самарадорлиги ва натижадорлигини учта соҳада ўзгартириши мумкин, булар: рақамли технологиялар, замонавий материаллар ва қурилиш жараёнларнинг автоматлаштирилиши. Олимлар қурилиш соҳасида инновацияларнинг жорий қилинишига таъсир этувчи бир қанча омилларни илгари суришади (3.1.1-расм)<sup>123</sup>.

---

<sup>121</sup> Фаттахов Ш.А., Хаирова Д.Р. Обеспечение роста эффективности малого бизнеса и частного предпринимательства в условиях инновационного развития строительной отрасли Узбекистана / Бюллетень науки и практики. №8. 2020. С.188.

<sup>122</sup> Конкин А.Н., Васин С.М., Вертянова О.В. Теоретические основы формирования механизмов инновационного развития регионального строительного комплекса / Общественные науки. №24. 2011. С.303-304.

<sup>123</sup> Хрусталева Б.Б., Конкин А.Н. Факторы влияющие на инновационно-инвестиционную деятельность в строительстве / International agricultural journal 4/2019. С.222.

|  |
|--|
| Бионолардан узоқ муддат давомида фойдаланиш хусусияти, ушбу даврда инновацион технологияларнинг камчиликлари ошкор бўлади. |
| Инновацион маҳсулотларни танлашда эҳтиёткорлик   |
| Бажарилган ишларнинг натижаси бўйича қурувчи новаторлар дуч келадиган рискларнинг юқори даражаси                           |
| Қурилиш стандартлари ва меъёрий ҳужжатларнинг турли хиллиги, ҳудудларнинг ўзига хос жиҳатларининг мавжудлиги               |
| Янги маҳсулотларни билиш ва улар тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш имкониятининг йўқлиги                                    |
| Соҳа мутахассисларининг техник билимлари даражаси ва касбий малакаларининг пастлиги  |
| Соҳа доирасида инновацион тадқиқотларга инвестицияларнинг етарли даражада киритилмаслиги                                   |
| Инновацияларга нисбатан истеъмолчиларнинг салбий муносабати ва бошқалар  |

### **3.1.1-расм. Қурилиш соҳасида инновацияларни жорий қилишга тўсқинлик қилаётган омиллар<sup>124</sup>**

3.1.1-расмда қурилиш соҳасида инновацияларни жорий қилишга тўсқинлик қилаётган омилларнинг деярли аксарияти бошқа соҳа ва тармоқларда инновацияларни жорий қилинишида юзага келадиган муаммоларга ўхшашлигини белгилаш мумкин, жумладан, янги маҳсулотларни билиш ва улар тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш имкониятининг йўқлиги, соҳа мутахассисларининг техник билимлари даражаси ва касбий малакаларининг пастлиги, соҳа доирасида инновацион тадқиқотларга инвестицияларнинг етарли даражада киритилмаслиги, инновацияларга нисбатан истеъмолчиларнинг салбий муносабати ва бошқалар.

Муаллифларнинг фикрига кўра, соҳада янги технологияларнинг жорий қилиниши одатда кўп холларда кечикиш билан амалга оширилади, айниқса, барча синов босқичларидан ўтган ва юқори турувчи ташкилотлардан руҳсат

<sup>124</sup> Хрусталева Б.Б., Конкин А.Н. Факторы влияющие на инновационно-инвестиционную деятельность в строительстве / International agricultural journal. №4. 2019. С.224.



олинган инновациялар, амалиётда қўлланилмаслик ҳолатлари ҳам бўлади. Фикримизча, қурилиш соҳасида инновацияларнинг самарадорлигига эришиш учун аввало соҳада инновацион ривожланишнинг асосий йўналишларини аниқлашни тақазо этади (3.1.2-расм).



**3.1.2-расм. Қурилиш соҳасида инновацион ривожланишнинг асосий йўналишлари<sup>125</sup>**

Зеро, қурилиш соҳасидаги инновацион ишланмалар илмий-техник янгиликларга асосланган ва бозорда талаби бўлиб барқарор рентабеллик даражасига эга бўлиши керак. Ушбу жиҳатдан қурилиш бизнесида инновацион ғоялар нафақат техник-технологик жараёнларга таалуқли бўлиши керак, балки, ташкилий-бошқарув жиҳатларни ҳам қамраб олиши мақсадга мувофиқдир. Бунда, **бошқарув инновациялар** қурилиш соҳасидаги бошқарувнинг янги методикалари ва янги ташкилий тузулмаларни назарда тутуди ва бошқарув усуллари икки усулидан фойдаланиш мумкин, булар, маъмурий ва иқтисодий. **Технологик инновациялар** жараёнли ва маҳсулотли инновацияларга асосланган бўлиб, жараёнли инновациялар янги технология, тармоқлар ва механизмларга асосланган бўлади. Маҳсулотли инновацияларда

<sup>125</sup> Илмий адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузулган.

янги буюмлар, қурилмалар, бутловчи қисмлар ва ускуналарни назарда тутса, жараёнли инновациялар янги технология ва механизмларни назарда тутди. Чунки, янги материалларни яратиш ва жорий қилиниши қурилиш соҳасида инновацион технологияларнинг ривожланишига асос бўлади. Энг муҳими ишлаб чиқариш ва технологик инновациялар қурилиш соҳасидаги корхоналарда ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда инобатга олиниши мумкин, чунки, амалиётдан маълумки, кичик бизнес инновацион ғояларни мужасамлаштириш ва тижоратлаштириш имкониятига эга (5-илова).

Н.П.Кузьмич<sup>126</sup> ўз тадқиқотида қурилиш корхоналарнинг инновацион салоҳиятини таҳлил қилган ҳолда унга асосий таркибий қисмларини ажратиб кўрсатади булар, ресурс салоҳияти, ички салоҳият ва натижалар. Хусусан, ресурс салоҳияти ҳудуднинг қурилиш комплекси асосида ишлаб чиқариш-технологик ресурслари ва қурилиш маҳсулотлари саноатининг ривожланганлиги; ахборот ресурслари – лойиҳалар, дастурлар, билимлар базаси; молиявий ресурслар-молиявий имкониятлар, манбаалар ва заҳиралар; инсон ресурслари – салоҳият, билимлар, маҳоратни қамраб олади. Ички салоҳиятда янги қурилиш маҳсулотини яратиш жараёни, янги технологияларни жорий қилиш, қурилиш бозорининг илм-фан билан боғлиқлигини таъминлаш, инновацион жараёнларни бошқариш усулларни қамраб олади. Натижадорликда, мавжуд имкониятларни амалга ошириш натижалари (янги қурилиш маҳсулоти, технология сифатида) (6-илова).

Ушбу жиҳатдан қурилиш корхонасининг инновацион фаоллигини ташкил этувчи ресурсларни батафсил кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, улар жумласидан, моддий, молиявий, интеллектуал, кадрлар ва бошқа ресурсларни инобатга олиш таклиф этилади (3.1.3-расм).

---

<sup>126</sup> Кузьмич Н.П. Исследование инновационного потенциала малых строительных предприятий // Дальневосточный аграрный вестник. 2012. № 4. (24). С.33-37.




**3.1.3-расм. Қурилиш корхонасининг инновацион фаоллигини ташкил этувчи ресурслар<sup>127</sup>**

3.1.3-расмда қурилиш корхонасининг инновацион фаоллигини ташкил этувчи ҳар бир ресурс муҳим аҳамиятга эга ва биронтасининг мавжуд эмаслиги инновацион жараённинг узулишига олиб келади.

Барча соҳалар сингари қурилиш соҳасида ҳам инновацияларнинг жорий қилиниши бугунги кун талаби ҳисобланади. Белгилаш зарурки, сўнгги йилларда мамлакатда ҳукумат томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли илмий-техник ва инновацион сиёсат мамлакатдаги инновацион тизимнинг асосини шакллантирмоқда. Ўз навбатида инновацион тизим қатор муҳим омилларга асосланади, улар жумласидан, илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг бозорга йўналтирилганлиги ва амалиётда қўлланилиши, инновациялар билан шуғулланувчи корхоналарнинг мавжуд бўлиши, уларнинг нисбий кўрсаткичлари ва бошқалар.

<sup>127</sup> Илмий адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузулган.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистонда, ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона, ташкилотлар, кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони кўпайганлигига эришилган. Жумладан, 2019 йилда инновацион фаолият билан шуғулланувчи жами корхоналар 3916тани ташкил этган бўлса, улардан кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 3753тани ташкил этган (3.1.4-расм).



**3.1.4-расм. 2013-2019 йилларда ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган жами корхоналар, кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони<sup>128</sup>**

3.1.4-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, таҳлил даврида жами корхоналар ҳамда кичик корхона ва микрофирмаларнинг сон кўрсаткичларида йилдан-йилга ўсиш тенденцияси кузатилган бўлиб, 2013 йилга нисбатан 2019 йилда жами корхоналар 3074 тага, кичик корхона ва микрофирмалар сони 3119 тага кўпайган. Яъни, кичик корхона ва микрофирмалар сони жами корхоналарга нисбатан ҳам юқори ўсиши кузатилган, айниқса, ушбу кўрсаткичларнинг жадал ижобий ўсиш тенденциясини сўнгги икки йилда кузатиш мумкин.

Умумий сон жиҳатидан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони кўпайиши билан бирга уларнинг

<sup>128</sup> 2013-2019 йиллар бўйича чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик бюллетенлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

таркибида қурилиш корхоналарнинг сонининг кўпайиб бориш тенденцияси ҳам кузатилган ва уларнинг салмоқли улуши кичик корхона ва микрофирмаларга тўғри келган (3.1.1-жадвал).

### 3.1.1-жадвал

#### Ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар ҳамда кичик корхона ва микрофирмалар сони (2013-2019 йй.)<sup>129</sup>

| Кўрсаткичлар                               | Йиллар     |             |             |             |             |             |             |
|--|------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
|  | 2013       | 2014        | 2015        | 2016        | 2017        | 2018        | 2019        |
| <b>Жами корхона ва ташкилотлар</b>         | <b>842</b> | <b>1601</b> | <b>2134</b> | <b>2374</b> | <b>2171</b> | <b>3144</b> | <b>3916</b> |
| <i>жумладан, қурилишда</i>                 | <i>39</i>  | <i>80</i>   | <i>129</i>  | <i>108</i>  | <i>93</i>   | <i>149</i>  | <i>254</i>  |
| <b>Жами кичик корхона ва микрофирмалар</b> | <b>634</b> | <b>1305</b> | <b>1751</b> | <b>2036</b> | <b>1901</b> | <b>2899</b> | <b>3753</b> |
| <i>жумладан, қурилишда</i>                 | <i>36</i>  | <i>71</i>   | <i>129</i>  | <i>108</i>  | <i>93</i>   | <i>149</i>  | <i>254</i>  |

3.1.1-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, айниқса 2015 йилдан бошлаб қурилиш соҳасида ташкил этилган барча корхоналар кичик корхона ва микрофирмаларга таълуқли бўлган.

Таҳлил даврида ташкил этилаётган корхоналарнинг ҳудудлар кесими бўйича таҳлиliga кўра Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари бошқа барча ҳудудларда сўнгги йилларда ўсиш кўрсаткичларига эришилган (3.1.2-жадвал).

3.1.2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2019 йилда Тошкент шаҳридан ташқари энг кўп Навоийда (574 та), Фарғонада (431 та), Тошкентда (388 та), Сирдарёда (315 та) ва бошқа вилоятларда корхоналар ташкил этилган бўлиб 2018 йилга нисбатан энг кўп корхоналар Навоийда (294 та), Тошкент ш. (156 та), Сирдарёда (135 та), Қашқадарёда (70 та) ташкил этилган.

<sup>129</sup> 2013-2019 йиллар бўйича чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик бюллетенлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

### 3.1.2-жадвал

Худудлар бўйича ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони (2013-2019 йй.)<sup>130</sup>

| Худудлар                       | 2013 й.    | 2014 й.     | 2015 й.     | 2016 й.     | 2017 й.     | 2018 й.     | 2019 й.     |
|--------------------------------|------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b> | <b>842</b> | <b>1601</b> | <b>2134</b> | <b>2374</b> | <b>2171</b> | <b>3144</b> | <b>3916</b> |
| Қорақалпоғистон Республикаси   | 51         | 124         | 115         | 124         | 69          | 62          | 59          |
| Андижон                        | 31         | 41          | 56          | 69          | 94          | 99          | 128         |
| Бухоро                         | 47         | 79          | 83          | 106         | 100         | 171         | 172         |
| Жиззах                         | 43         | 55          | 81          | 78          | 53          | 50          | 116         |
| Қашқадарё                      | 42         | 52          | 36          | 35          | 25          | 67          | 137         |
| Навоий                         | 32         | 53          | 60          | 126         | 175         | 280         | 574         |
| Наманган                       | 22         | 31          | 111         | 121         | 173         | 192         | 184         |
| Самарқанд                      | 23         | 37          | 273         | 276         | 44          | 226         | 215         |
| Сурхондарё                     | 55         | 113         | 173         | 207         | 163         | 195         | 212         |
| Сирдарё                        | 29         | 104         | 127         | 160         | 129         | 180         | 315         |
| Тошкент                        | 39         | 133         | 197         | 200         | 200         | 373         | 388         |
| Фарғона                        | 77         | 116         | 217         | 281         | 412         | 446         | 431         |
| Хоразм                         | 19         | 56          | 121         | 111         | 34          | 54          | 80          |
| Тошкент ш.                     | 332        | 607         | 484         | 480         | 500         | 749         | 905         |

Худудлар бўйича ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган кичик корхона ва микрофирмалар сони таҳлиliga кўра, 2019 йилда Тошкент шаҳридан ташқари энг кўп Навоийда (570 та), Фарғонада (426 та), Тошкентда (364та), Сирдарёда (312 та) кичик корхоналар ташкил этилган (3.1.3-жадвал).

Худудлар бўйича ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган кичик корхона ва микрофирмалар сони 2019 йилда 2013 йилга нисбатан барча худудларда ижобий ўсиш тенденцияси кузатилган. Аммо, йиллар кесимида, таҳлил даврида айрим худудларда ушбу кўрсаткичнинг турғунлигини кузатиш мумкин, яъни, айрим йилларда ижобий ўсиш ҳолати кескин пасайишлар билан кузатилади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятлар (3.1.3-жадвал).

<sup>130</sup> 2013-2019 йиллар бўйича чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик бюллетенлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

### 3.1.3-жадвал


#### Худудлар бўйича ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган кичик корхона ва микрофирмалар сони (2013-2019 йй.)<sup>131</sup>

| Худудлар                       | 2013 й.    | 2014 й.     | 2015 й.     | 2016 й.     | 2017 й.     | 2018 й.     | 2019 й.     |
|--------------------------------|------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b> | <b>634</b> | <b>1305</b> | <b>1751</b> | <b>2036</b> | <b>1901</b> | <b>2899</b> | <b>3753</b> |
| Қорақалпоғистон Республикаси   | 41         | 109         | 100         | 109         | 61          | 56          | 56          |
| Андижон                        | 18         | 27          | 39          | 48          | 77          | 87          | 122         |
| Бухоро                         | 40         | 68          | 71          | 96          | 92          | 168         | 168         |
| Жиззах                         | 31         | 41          | 50          | 60          | 47          | 46          | 114         |
| Қашқадарё                      | 29         | 45          | 28          | 28          | 19          | 64          | 127         |
| Навоий                         | 22         | 45          | 52          | 119         | 167         | 274         | 570         |
| Наманган                       | 12         | 18          | 90          | 101         | 163         | 181         | 177         |
| Самарқанд                      | 19         | 22          | 253         | 256         | 31          | 214         | 203         |
| Сурхондарё                     | 49         | 105         | 164         | 200         | 158         | 190         | 211         |
| Сирдарё                        | 23         | 96          | 116         | 149         | 122         | 175         | 312         |
| Тошкент                        | 49         | 97          | 156         | 161         | 162         | 331         | 364         |
| Фарғона                        | 12         | 97          | 206         | 260         | 402         | 436         | 426         |
| Хоразм                         | 72         | 49          | 115         | 105         | 28          | 49          | 74          |
| Тошкент ш.                     | 254        | 486         | 311         | 344         | 372         | 628         | 829         |

Умумий ҳолда 2013-2019 йилларда инновацияларни яратувчи корхоналарнинг сон кўрсаткичидаги ижобий тенденциялар пировард натижада мамлакатда жорий қилинган инновациялар сони ўсишига таъсир кўрсатди (3.1.5-расм).

3.1.5-расм маълумотларидан кўринадикки, 2013-2019 йилларда мамлакатда жорий қилинган инновацияларнинг сони жами 15035 тани ташкил қилган ва ижобий ўсиш тенденцияси барча йилларда кузатиш мумкин. Таҳлилларга кўра, 2019 йилда 2013 йилга нисбатан мазкур кўрсаткич 3165 тага ўсган бўлса ҳам, кескин ўсишни 2018-2019 йилларда, яъни, бир йил оралиғида бўлганлигини кузатиш мумкин.

<sup>131</sup> 2013-2019 йиллар бўйича чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик бюллетенлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



**3.1.5-расм. Ўзбекистонда жорий қилинган инновациялар сони (2013-2019 йй.)<sup>132</sup>**

Мазкур умумий сон кўринишидаги ижобий тенденцияларнинг асосини технологик инновациялар ташкил этади. Технологик инновациялар ўз навбатида маҳсулотлар ва жараёнлар бўйича инновациялар йиғиндисидир (3.1.4-жадвал).

**3.1.4-жадвал**

**Ўзбекистонда жорий қилинган технологик инновацияларнинг сони (2013-2019 йй.)<sup>133</sup>**

| Кўрсаткичлар                    | 2013 й.     | 2014 й.     | 2015 й.     | 2016 й.     | 2017 й.     | 2018 й.     | 2019 й.     |
|---------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| <b>Технологик инновациялар</b>  | <b>1262</b> | <b>1382</b> | <b>1737</b> | <b>1799</b> | <b>1946</b> | <b>2482</b> | <b>4427</b> |
| <i>шу жумладан:</i>             |             |             |             |             |             |             |             |
| маҳсулотлар бўйича инновациялар | 855         | 979         | 1122        | 1118        | 1372        | 1578        | 3543        |
| жараёнлар бўйича инновациялар   | 407         | 403         | 615         | 681         | 574         | 904         | 884         |
| <b>Маркетинг инновациялар</b>   | <b>32</b>   | <b>41</b>   | <b>36</b>   | <b>51</b>   | <b>62</b>   | <b>42</b>   | <b>128</b>  |
| <b>Ташкилий инновациялар</b>    | <b>40</b>   | <b>42</b>   | <b>46</b>   | <b>39</b>   | <b>38</b>   | <b>34</b>   | <b>13</b>   |

<sup>132</sup> 2013-2019 йиллар бўйича чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик бюллетенлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>133</sup> 2013-2019 йиллар бўйича чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик бюллетенлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



Технологик инновацияларнинг асосини ташкил этувчи маҳсулотлар ва жараёнлар бўйича инновацияларда 2019 йилда 2013 йилга нисбатан ижобий ўсиш кўрсаткичлари кузатилса ҳам, айнан энг юқори кўрсаткич маҳсулотлар бўйича инновацияларда бўлганлигини кўриш мумкин. Жараёнлар бўйича инновациялар кўрсаткичида таҳлил йилларида турғунлик кузатилган.

Жорий қилинган технологик инновацияларнинг иқтисодий фаолият тури, яъни, қурилиш соҳасидаги ташкилотлар сони ва жорий қилинган инновациялар бўйича таҳлил қилиниши қурилиш соҳасининг инновацион фаоллигини кўрсатади (3.1.5-жадвал).

### 3.1.5-жадвал

#### Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича жорий қилинган технологик инновациялар сони (2013-2019 йй.)<sup>134</sup>

| Йиллар  | Инновациялар жорий қилган ташкилотлар сони | шу жумладан, қурилиш соҳасида | Жами жорий қилинган инновациялар | шу жумладан, қурилиш соҳасида |
|---|--|-------------------------------|----------------------------------|-------------------------------|
| Инновацияларни жорий қилган корхона ва ташкилотлар / жорий қилинган инновациялар                      |  |                               |                                  |                               |
| <b>2013</b>   | 725  | 33                            | 1262                             | 119                           |
| <b>2014</b>   | 819  | 43                            | 1382                             | 49                            |
| <b>2015</b>   | 894  | 47                            | 1737                             | 57                            |
| <b>2016</b>   | 956  | 43                            | 1799                             | 36                            |
| <b>2017</b>   | 975  | 47                            | 1946                             | 62                            |
| <b>2018</b>   | 982  | 20                            | 2482                             | 20                            |
| <b>2019</b>   | 1514                                       | 55                            | 4427                             | 107                           |
| <b>Жами</b>   | <b>6865</b>                                | <b>288</b>                    | <b>15035</b>                     | <b>450</b>                    |
| шу жумладан, инновацияларни жорий қилган кичик корхона ва микрофирмалар / жорий қилинган инновациялар |  |                               |                                  |                               |
| <b>2013</b>   | 531  | 27                            | 609                              | 31                            |
| <b>2014</b>   | 674  | 36                            | 798                              | 37                            |
| <b>2015</b>   | 710  | 41                            | 862                              | 41                            |
| <b>2016</b>   | 701  | 35                            | 782                              | 34                            |
| <b>2017</b>   | 848  | 46                            | 1198                             | 61                            |
| <b>2018</b>   | 872  | 51                            | 1267                             | 58                            |
| <b>2019</b>   | 1443                                       | 55                            | 3807                             | 107                           |
| <b>Жами</b>   | <b>5779</b>                                | <b>291</b>                    | <b>9323</b>                      | <b>369</b>                    |

<sup>134</sup> 2013-2019 йиллар бўйича чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик бюллетенлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2013-2019 йилларда инновацияларни жорий қилган ташкилотлар сони жами 6865 тани ташкил этган бўлса, ундан қурилиш соҳасида жами 288 тани ёки 4,2 фоизни ташкил этган. Жами жорий қилинган инновацияларнинг сони 15035 тани ташкил этган бўлиб ундан қурилиш соҳасида жами 450 та инновациялар жорий қилинган ёки жамига нисбатан 3 фоизни ташкил этган. Шунда 1 та қурилиш корхонасига 0,64 та жорий қилинган инновациялар тўғри келган.

Инновациялар жорий қилган жами корхоналарда кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 84,2 фоизни ташкил этган бўлса, улардан қурилиш соҳасида улуши 90,3 фоизни ташкил этган. Шунингдек, жами жорий қилинган инновацияларда кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 62,0 фоизни ташкил этган, ундан қурилиш соҳасида жорий қилинган инновациялар 82 фоизни ташкил этган.

Жаҳон амалиётидан маълумки, инновацион жараёнларнинг иштирокчилари фақат корхона ва ташкилотлардан иборат бўлмайди, ушбу жараёнларда бевосита илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий таълим муассасалари ўзига хос муҳим роли мавжуд. Бу борада бошқа аксарият хорижий мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам инновацион иқтисодий шакллантиришда илмий ва олий таълим ташкилотларнинг бевосита жалб қилинганлигини кузатиш мумкин (3.1.6-жадвал).

Назарий жиҳатдан инновацион жараёнларда илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий таълим муассасалари иштироки муҳимлиги белгиланган бўлишига қарамасдан, амалда, таҳлил даврида жорий қилинган инновацияларнинг салмоқли улуши корхона ва ташкилотларнинг ўз кучлари билан амалга оширилган (6-жадвал). Бундан хулоса қилиш мумкинки, инновацияларни жорий қилишда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларнинг иштироки юқори даражада бўлмаган. Шу билан бирга, 2013-2019 йилларда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда (илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари) жорий қилинган инновацияларнинг улуши паст даражада бўлганлиги билан турли йилларда турғунлиги ҳам кузатилади.

## 3.1.6-жадвал

**Ўзбекистонда инновацион фаоллик:  
жорий қилинган инновациялар сони (2013-2019 йй.)<sup>135</sup>**

| Йил-лар     | Жами        | шу жумладан тадбиқ қилинганлар |             |                                     |            |                       |                       |                             |             |
|-------------|-------------|--------------------------------|-------------|-------------------------------------|------------|-----------------------|-----------------------|-----------------------------|-------------|
|             |             | ўз кучи билан                  | %           | бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда | %          | улардан,              |                       | Бошқа ташкилотлар томонидан | %           |
|             |             |                                |             |                                     |            | ИТИ билан ҳамкорликда | ОТМ билан ҳамкорликда |                             |             |
| <b>2013</b> | <b>1262</b> | 1170                           | <b>92,7</b> | 41                                  | <b>3,2</b> | 26                    | 15                    | 51                          | <b>4,0</b>  |
| <b>2014</b> | <b>1382</b> | 1260                           | <b>91,2</b> | 38                                  | <b>2,7</b> | 26                    | 12                    | 84                          | <b>6,1</b>  |
| <b>2015</b> | <b>1737</b> | 1413                           | <b>81,3</b> | 117                                 | <b>6,7</b> | 43                    | 5                     | 207                         | <b>11,9</b> |
| <b>2016</b> | <b>1799</b> | 1523                           | <b>84,7</b> | 134                                 | <b>7,4</b> | 41                    | 5                     | 176                         | <b>9,8</b>  |
| <b>2017</b> | <b>1946</b> | 1786                           | <b>91,8</b> | 72                                  | <b>3,7</b> | 42                    | 20                    | 88                          | <b>4,5</b>  |
| <b>2018</b> | <b>2482</b> | 1925                           | <b>77,6</b> | 55                                  | <b>2,2</b> | 37                    | 9                     | 502                         | <b>20,2</b> |
| <b>2019</b> | <b>4427</b> | 4072                           | <b>92,0</b> | 70                                  | <b>1,6</b> | 29                    | 21                    | 285                         | <b>6,4</b>  |

Аммо соҳаларда инновацион жараёнларнинг ривожланмаслик ҳолатларини янада чуқур ўрганиш ва бошқа таъсир қилувчи омилларни аниқланиши истиқболда аниқланган муаммоларни бартараф этиш имкониятини беради. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳар йили ўтказиладиган танланма кузатувлари асосида иқтисодий фаолият турлари бўйича инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар ўрганилади ва жамланади (3.1.7-жадвал).

3.1.7-жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриш мумкинки, 9 та мезонлар асосида тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллиги ҳар йили кузатуви амалга оширилади. Мазкур кузатувларнинг йиллар кесимидаги таҳлили ҳар бир йўналишнинг муаммолари тенденцияларини аниқлаш ва пировард натижада улар бўйича маълум чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятини беради.

<sup>135</sup> 2013-2019 йиллар бўйича чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик бюллетенлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

## 3.1.7-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар таҳлили (2013-2019 йй.)<sup>136</sup>

| Кўрсаткичлар   | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
|--|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Молиявий маблағларнинг етишмаслиги                                       | 59,3    | 58,1    | 58,6    | 24,5    | 54,8    | 27,1    | 29,2    |
| Янги маҳсулот, ишлар, хизматларга талаб пастлиги                         | 5,6     | 14      | 13,8    | 6,1     | 3,2     | 1,7     | 8,3     |
| Янгиликларнинг қимматлиги  | 25,9    | 20,9    | 20,7    | 8,2     | 19,4    | 10,2    | 12,5    |
| Юқори иқтисодий тавакалчилик   | 7,4     | 23,3    | 13,8    | 8,2     | 12,9    | 6,8     | 12,5    |
| Малакали ходимларнинг етишмаслиги  | 16,7    | 23,3    | 13,8    | 6,1     | 22,6    | 11,9    | 12,5    |
| Янги технологиялар тўғрисида ахборотлар етишмаслиги                      | 3,7     | 18,6    | 24,1    | 8,2     | 29      | 15,3    | 8,3     |
| Сотиш бозорлари тўғрисида ахборотлар етишмаслиги                         | 0       | 9,3     | 13,8    | 2       | 12,9    | 6,8     | 4,2     |
| Инновацион инфратузилма ривожланмаганлиги                                | 5,6     | 16,3    | 20,7    | 6,1     | 16,1    | 8,5     | 0       |
| Аввал амалга оширилганлиги сабаблари янги инновацияларга зарурат йўқлиги | 25,9    | 25,6    | 24,1    | 30,6    | 22,6    | 11,9    | 12,5    |

**Манба:** “Тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини кузатиш сўровномаси” танланма кузатув натижалари.

Хусусан, таҳлил даврида аксарият кўрсаткичларнинг ижобий ҳолатга ўзгарганлигини кўриш мумкин, айниқса, 2013 йилда фоиз кўрсаткичи юқори бўлган кўрсаткичлар: молиявий маблағларнинг етишмаслиги, янгиликларнинг қимматлиги, малакали ходимларнинг етишмаслиги, аввал амалга оширилганлиги сабабли янги инновацияларга зарурат йўқлиги кўрсаткичларда 2019 йилда ижобий ҳолатлар кузатилади. Жумладан, инновацион фаолиятнинг барча босқичларида асосий муаммолардан бири бўлган молиявий маблағларнинг етишмаслиги муаммоси 2013 йилда 59,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 29,2 фоизни ташкил этган, аммо шундай бўлса ҳам асосий муаммолардан бири сифатида сақланиб қолган.

<sup>136</sup> 2013-2019 йиллар бўйича чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик бюллетенлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Муҳимлиги жиҳатидан долзарб аҳамиятга эга бўлган тўсқинликлардан бири бу малакали ходимларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Таҳлил даврида кўриш мумкинки, ушбу кўрсаткичнинг баъзи йилларда кўтарилиши ва баъзи йилларда пасайиши кузатилган.

Уй-жой қурилиши бозорининг инновацион ривожланиши ва унда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги доирасида амалга оширилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Қурилиш жараёни узоқ даврга асосланганлиги ва унда иштирок этадиган кичик ва ўрта корхоналарнинг илмий-тадқиқотларни амалга оширишга инвестициялар йўналтириш имконияти йўқлиги ва юқори технологик инновацияларни баҳолаш, жорий қилиш учун зарурий кўникмаларга эга эмаслиги бўйича Л.А.Трофимова, В.В.Трофимов, Б.С.Калмуратов, Ш.А.Фаттахов, Д.Р.Хаирова, Б.Б.Хрусталева, А.Н.Конкинларнинг илмий хулосалари асосланган деб ҳисоблаймиз.

Аммо фикримизча, қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инновацион фаоллигини оширишга қаратилган А.Н.Конкин, С.М.Васин ва О.В.Вертяновалар ўз тадқиқотларида ҳудудларда қурилиш кластерларини ташкил этиш таклифи амалий аҳамият касб этади. Зеро қурилиш кластерларда ҳудуддаги қурилиш компаниялар, илмий-тадқиқот муассасалари, олий таълим муассасаларини фаол жалб қилиниши соҳанинг инновацион жараёнларини фаоллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, таҳлиллар асосида аниқланган, 2013-2019 йилларда Ўзбекистонда корхона ва ташкилотларда инновацияларни жорий қилишда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларнинг иштироки паст даражадалиги муаммосини бартараф этиш имкониятини беради. Чунки, жаҳон амалиётидан маълумки, инновацион жараёнларнинг иштирокчилари фақат корхона ва ташкилотлардан иборат бўлмайди, ушбу жараёнларда бевосита илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий таълим муассасалари ўзига хос муҳим роли мавжуд.

2. Амалга ошириладиган ислохотлар натижасида сўнгги йилларда ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона, ташкилотлар, кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони кўпайганлигига эришилган. Умумий сон жиҳатидан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони кўпайиши билан бирга уларнинг таркибида қурилиш корхоналарнинг сонининг кўпайиб бориш тенденцияси ҳам кузатилган ва уларнинг салмоқли улуши кичик корхона ва микрофирмаларга тўғри келган.

3. Умумий ҳолда 2013-2019 йилларда инновацияларни яратувчи корхоналарнинг сон кўрсаткичидаги ижобий тенденциялар пировард натижада мамлакатда жорий қилинган инновациялар сони ўсишига таъсир кўрсатди ва ушбу ижобий тенденцияларнинг асосини технологик инновациялар ташкил этган.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектлари иштирокида ўтказиладиган танланма кузатувлар асосида инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар 9та мезонлар бўйича 2013-2019 йиллар кесимидаги таҳлиллари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- таҳлил даврида барча 9та мезонлар бўйича кўрсаткичлар ижобий ҳолатга ўзгарганлиги аниқланди, айниқса, 2013 йилда фоиз кўрсаткичи юқори бўлган молиявий маблағларнинг етишмаслиги, янгиликларнинг қимматлилиги, малакали ходимларнинг етишмаслиги, аввал амалга оширилганлиги сабабли янги инновацияларга зарурат йўқлиги каби кўрсаткичларда 2019 йилда ижобий ҳолатлар кузатилган;

- инновацион фаолиятнинг барча босқичларида асосий муаммолардан бири ҳисобланадиган молиявий маблағларнинг етишмаслиги кўрсаткичида 2019 йилда 2013 йилга нисбатан ижобий ўзгариш бўлишига қарамасдан ҳам 2019 йилда асосий муаммолардан бири сифатида сақланиб қолган;

- муҳимлиги жиҳатидан долзарб аҳамиятга эга бўлган – малакали ходимларнинг етишмаслиги муаммоси ҳам асосий тўсқинлик қилувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Юқорида таҳлил қилинган муаммоларни ўрганиш асосида фикримизча қурилиш соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, жумладан:

- инновацияни ривожлантириш учун замонавий инфратузулмаларни шакллантириш;

- қурилиш соҳасида рақамлаштириш жараёнларини фаоллаштириш, хусусан рақамли технологияларни жорий қилиш ва бунинг натижасида қурилиш жараёнларини автоматлаштиришга эришиш;

- маҳаллий қурилиш маҳсулотлари ва технологиялардан фойдаланиш учун меъёрий-ҳуқуқий асосларни ва техник назорат қилиш нормаларни халқаро стандартларга мослаштириш;

- қурилиш соҳаси учун илмий-тадқиқот ва таълим йўналишида кадрларни тайёрлаш;

- илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёни билан алоқадорлигини йўлга қўйиш;

- ишчилар, техник ходимлар, бошқарув ходимлар иш фаолиятида модернизацияни амалга ошириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш малакасига нисбатан замонавий талабларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

- қурилиш соҳасидаги кичик бизнес корхоналарнинг инновацион фаоллигини оширишга ва қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш. Бунда, инновацияларни жорий қилувчи қурувчи компанияларни рағбатлантириш механизмларни жорий қилиш.

Хулоса сифатида белгилаш зарурки, инновацион технологиялар қурилиш соҳасини комплекс ривожлантиришга, амалдаги нархларни арзонлаштиришга, қурилиш жараёнларига сарфланадиган вақтларни

қисқартиришга, соҳада мавжуд бўлган рискларни камайтиришга қаратилган бўлиши зарур.

### **§ 3.2. Уй-жой қурилиш бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат-хусусий шерикчилиги асосида ривожлантириш йўллари**

Сўнгги йилларда жаҳон амалиётида мамлакатнинг ва шу жумладан, маълум тармоқларнинг инвестицион жозибардорлигини оширишнинг муҳим инструментларидан бири давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) муносабатларнинг ривожланиши бўлмоқда. Иқтисодиётнинг мазкур механизмининг кенг ёйилиши ва амалиётда фаол тарғиб қилинишининг устувор омиллардан бири мазкур муносабатлардан ҳам давлат ва ҳамда тадбиркорлар манфаатларига асосланганлиги ҳисобаланади (3.2.1-жадвал).

#### **3.2.1-жадвал**

##### **ДХШ инструментларини қўллашнинг устуворликлари<sup>137</sup>**

| <b>Давлатнинг манфаатлари</b>                                   | <b>Хусусий бизнес учун манфаатлар</b>                             |
|---|---|
| Муҳим ва шу билан бирга муаммоли ижтимоий масалаларнинг ечилиши | Лойиҳадан даромад кўриш   |
| Бюджет маблағларининг тежалиши                                  | Рискларнинг тенг тақсимланиши                                     |
| Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг фаоллашиши         | Инвестиция кўламининг ортиши                                      |
| Аҳолининг турмуш фаровонлигининг ортиши                         | Истиқболда янада йирик лойиҳалар билан ишлаш имкониятининг ортиши |

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш механизмлардан бири сифатида ДХШнинг кўплаб соҳа ва йўналишларда фаол ривожланиши сингари унинг уй-жой қурилишида ҳам жорий қилиш йўллари аниқлаш қатор ижтимоий-иқтисодий ютуқларга эришишни ва шу билан бирга юзага келган муаммоларни бартараф этишга эришилади. Зеро, жаҳон амалиётидан яхши маълумки, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор масалалардан бири бу, аҳолининг барча қатламлари уй-жой билан таъминланганлик муаммоларига тақалади. Шунинг учун, уй-жой қурилиш соҳасида давлатнинг самарали ижтимоий-иқтисодий сиёсатига

<sup>137</sup> Илмий адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан ишланган.



зарурат, унда тўпланиб қолган муаммоларнинг кўлами ва долзарблиги билан боғлиқ.

Уй-жой қурилишида ДХШ муносабатларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар бу йўналишда хорижий олимлар томонидан кўплаб изланишлар амалга оширилганлигини кўрсатди. Хусусан, К.Таунсенд, Л.П.Стоктон, С.Вервейж, И.Мееркерк, С.Вижайабану, Т.Вигнеш, Ж.Лейгланд, М.И.Бузулуцкий, С.А.Кожевников, Т.В.Ускова, С.А.Кожевников, А.А.Козлов, И.О.Котлярова, Г.Н.Сериков ва бошқалар тадқиқотларида давлат ва хусусий қурилиш лойиҳалари ўртасидаги тафовутлар ўрганилган, харидлар жараёнидаги рисклар, ДХШ шартнома муносабатлари, ДХШ муносабатларида ҳавф омиллари ва бошқа кўплаб муаммолар ўрганилган (3.2.2-жадвал).

### 3.2.2-жадвал

#### Уй-жой қурилишида ДХШни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар муаллифлари ва тадқиқот хулосалари<sup>138</sup>

| Муаллифлар  | Йил-лар | Уй-жой қурилишида ДХШни ривожлантириш бўйича тадқиқот хулосалари  |
|---|---------|---|
| К.Таунсенд, Л.П.Стоктон (Kilpatrick Townsend & Stockton LLP) <sup>139</sup>             | 2021    | ДХШ муносабатлари таҳлил қилинган, давлат ва хусусий қурилиш лойиҳалари ўртасидаги тафовутлар ўрганилган, харидлар жараёнидаги рисклар ҳамда кафолат мажбуриятларига таълуқли умумий шартнома талаблари ўрганилган.   |
| Стефан Вервейж, Ингмар ван Мееркерк (Stefan Verweij Ingmar van Meerkerk) <sup>140</sup> | 2020    | ДХШ муносабатлари оддий шартномаларга нисбатан қулай молиявий ва даврий кўрсаткичларни таъминлашига бағишланган тадқиқотлари натижасида, ДХШ шартномалари асосида инфратузулмаларни ривожлантиришдаги юқори самарадорлиги асослаб берилган.   |
| С.Вижайабану, Т.Вигнеш (C. Vijayabanu T. Vignesh) <sup>141</sup>                        | 2018    | Ҳиндистон мисолида қурилиш лойиҳаларида ДХШ муносабатларнинг мувоффақиятини белгиловчи ҳавф омиллари доирасидаги тадқиқотлар асосида учта ҳавф омиллари очиқ берилган: узулишларсиз лойиҳаларни ўз вақтида яқунлаш; иштирокчи томонлар ўртасида самарадорликга эришиш учун мувофиқлаштириш; ажратилган бюджет доирасида лойиҳани яқунлаш. |
| Ж.Лейгланд  | 2018    | Ривожланаётган мамлакатларда ДХШ муносабатлари тадқиқ этилган ва ушбу мамлакатларда ДХШнинг ривожланиши танқидий нуқтаи назардан баҳо берилган.   |

<sup>138</sup> Илмий адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>139</sup> <https://www.lexology.com/library/detail.aspx?g=5ab59e24-f279-4fd0-98ca-c994b0316dff>

<sup>140</sup> <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/09540962.2020.1752011>

<sup>141</sup> <https://www.journalmodernpm.com/DOI/JMPM01503.pdf>

|  |      |   |
|--|------|---|
| (James Leigland) <sup>142</sup>              |      |   |
| М.И.Бузулуцкий <sup>143</sup>                | 2018 | Уй-жой қурилишида ДХШ муносабатларида давлатнинг ижтимоий уй-жойларнинг қурилиши ва унга таълуқли коммунал инфратузулманинг қурилиши ва хизмат кўрсатувчи объектларнинг қурилиши билан боғлиқ молиявий харажатлар муаммолардан холи бўлади. |
| М.И.Бузулуцкий <sup>144</sup>                | 2016 | Бизнес учун давлатга таълуқли лойиҳаларда иштирок этиши бу – рақобат даражаси паст бўлган йўналишда фаолият кўрсатиш ва кўламни ошириш имкониятига эга бўлишни билдиради деган ғояни илгари суради.   |
| С.А.Кожевников,<br>Т.В.Ускова <sup>145</sup> | 2016 | ДХШ муносабатларида айрим ҳолларда, ҳукуматнинг турли даражадаги ташкилотлари томонидан лойиҳаларда юзага келиши мумкин бўлган истикболдаги рискларни хусусий секторга ўтказилиши лойиҳаларнинг муддатидан аввал тугалланишига олиб келади. |
| С.А.Кожевников <sup>146</sup>                | 2015 | Уй-жой қурилишида ДХШ муносабатларнинг ривожланиши бу давлат ва тадбиркорликнинг аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида бошқарувнинг шакли, усули ва тартибларининг йғиндиси деган ғояни илгари суради.                                   |
| А.А.Козлов <sup>147</sup>                    | 2012 | Уй-жой қурилишида ДХШ муносабатларининг ташкилий-иқтисодий механизмларнинг жорий қилиниши ҳудуднинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асоси сифатида таърифлайди.   |
| И.О.Котлярова,<br>Г.Н.Сериков <sup>148</sup> | 2010 | ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмида шерикчилик муносабатлари учта гуруҳдан: давлат, бизнес ва аҳоли муносабатлари асосида шаклланишини билдиради.  |

Белгилаш лозимки, хорижий мамлакатларда ДХШ муносабатлари тушунчаси кенг маънога ва номланишларга эга бўлиб, унинг асосий мазмуни хусусий бизнеснинг ресурсларини мамлакатнинг ижтимоий масалаларига йўналтирилганликга тушунилади. Ижтимоий масалаларга эса ўз навбатида, ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлган ва ечимини кутаётган муаммоларни

<sup>142</sup> <https://academic.oup.com/wbro/article/33/1/103/4951689>

<sup>143</sup> Бузулуцкий М.И. Развитие механизма государственно-частного партнерства в сфере регионального жилищного строительства / Вестник РАЕН. 2018. №2. С.22-27.

<sup>144</sup> Бузулуцкий М.И. Государственно-частное партнерство: сложный инструмент экономических преобразований или перераспределение собственности / М.И. Бузулуцкий. // Вестник РЭУ им. Плеханова. Вступление. Путь в науку. М., 2016. № 2 (14). С.39-52.

<sup>145</sup> Кожевников С.А., Ускова Т.В. Государственно-частное партнерство в жилищно-коммунальном хозяйстве региона: проблемы и перспективы развития: монография. / С.А. Кожевников, Т.В. Ускова. – Вологда: ИСЭРТ РАН, 2016. 148 с.

<sup>146</sup> Кожевников С.А. Взаимодействие власти и бизнес-структур при управлении экономикой территорий европейского севера России в сфере жилищно-коммунального хозяйства: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 / Кожевников Сергей Александрович. Вологда, 2015. С.11-36.

<sup>147</sup> Козлов А.А. Государственно-частное партнерство: сущность, классификация // Управление экономическими системами. 2012. № 2 (38). С.1-6.

<sup>148</sup> Котлярова И.О., Сериков Г.Н. Роль социального партнерства в социальной политике, направленной на самореализацию человека // Социальная педагогика в России. Научно-методический журнал. 2010. №3. С.22-26.

келтириш мумкин, улар жумласидан, автомобиль йўлларининг ҳолати, хиёбонларнинг мавжудлиги, алоқа, ижтимоий уй-жойларнинг қурилиши ва бошқалар. Бунда хусусий сектор томонидан жалб қилинадиган ресурслар турлича бўлиши мумкин, жумладан, капитал кўринишида, бошқарув тажрибалари, ноу-хау ва бошқалар.

Жаҳон амалиётидан маълумки, ДХШ муносабатлари кўплаб ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда турли соҳаларда фаол қўлланиб келинмоқда, улар жумласидан энг кўп учрайдиганлари, молия соҳаси, жамоавий тартиб ва ҳавфсизлик, кўчмас мулк, транспорт ва бошқа кўплаб соҳаларни келтириш мумкин.



**3.2.1-расм. Ривожланган мамлакатларда ДХШ жорий қилинган асосий соҳалар<sup>149</sup>**

<sup>149</sup> Илмий тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

ДХШни иқтисодиётда қўллаш бўйича илғор мамлакатлардан Буюкбритания, Франция ва АҚШ мамлакатлари ҳисобланади. Шунда, белгилаш лозимки, аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ДХШ муносабатлари уй-жой қурилишида фаол қўлланиб келинмоқда, аммо унинг амалиёти турли мамлакатларда турли механизмлар асосида амалга оширилади.

**Буюк Британиянинг тажрибаси.** ДХШ қурилиш соҳасида фаол қўлланиладиган мамлакатлардан бири бўлиб, илк бора 1970 йилда аҳолининг маълум қатлами учун ижтимоий уйларни қуриш мақсадида жорий қилинган. ДХШ модели ижтимоий уйларнинг қурилиши хусусий секторнинг алоҳида ўрни билан ажралиб туради. Мазкур модель асосида қурилиш жараёнлари яқунлангандан сўнг, тайёр объектлар маҳаллий ҳукумат тасарруфига ўтади, хусусий инвестор эса узоқ муддатга ижарага топшириш ҳуқуқига ва шу тариқа инвестицияларини қайтариш имкониятига эга бўлади. Шунда, ҳамкор тадбиркорнинг фаолияти ҳукумат тузулмалари томонидан солиқ имтиёзлари ва субсидиялар билан қўллаб-қувватланади. Аммо, ижтимоий уйлардан инвестициялар ижара тўловлари асосида қайтарилиши муддатлари узоқ даврлардан кейин бошланишини ва бозор нарҳларидан паст фойзларда бўлишини инобатга олиб, давлат томонидан қурувчи компанияларга қўшимча тўловлар субсидиялар шаклида марказий ҳукумат томонидан ажратилади. XX аср яқунларида бундай субсидияларнинг ҳажми ижара ставкаларига нисбатан 60 фоизгача етар эди, аммо, сўнгги даврларда ижара бозорида тўлов нарҳларининг ўсиши ҳисобига субсидиялар даражаси 40 фоизгачан тушди.

Белгилаш лозимки, ижтимоий уйларни қуришда ДХШ механизмларида рисклардан ҳимоя қилишнинг ўзига хос тажрибаси мавжуд. Хусусан, қурилиш жараёнида рисклар одатда қуйидаги тартибда тақсимланади, бизнес ҳамкор, ўрнатилган стандарт ва сифат талабларига риоя қилган ҳолда лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топшириш билан боғлиқ бўлган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Шу билан бирга, қурилиш яқунлангандан сўнг ижарага топшириш ваколоти тадбиркорга берилган бўлса,

уй-жойларга талабнинг бўлмаслик rischi ҳам тадбиркор зиммасида бўлади. Давлат ўз навбатида, ижтимоий уй-жойларнинг қурилиши ҳажмидаги талабнинг ўзгариши riskини, инфляция riskини, кредитлар ставкасининг ўзгариш riskини ўз зиммасига олади<sup>150</sup>.

**Франция тажрибаси.** Уй-жой қурилишида ДХШ муносабатларнинг шаклланишида Францияда ҳам ўзига хос бой тажриба мамлакатда уй-жой қурилишида ДХШ механизмларнинг асосини давлат ва қурувчи компания ўртасидаги шартнома тизими, иншоотни қуриш ва кейинчалик ижарага беришга асосланади. Бундай шартномалар қурувчи учун давлат томонидан молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятини беради, унинг эвазига ҳукумат ижтимоий уйлари ижарага бериш ҳуқуқини қўлга киритади.

Ўз навбатида, француз модели инглиз моделидан бир қатор хусусиятлари билан фарқланади ва бундай хусусиятлардан бири, шерикчилик муносабатларида давлатнинг ҳуқуқлари тадбиркор ҳуқуқларига нисбатан кўплиги, концепцияни амалга оширишда умумий ёндашувнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Уй-жой қурилишида ДХШ муносабатларнинг француз моделининг ўзига хос яна бир хусусияти, ҳамкорлик субъектларнинг сони кўп бўлиши ва унинг кўлами кенг бўлиши билан ажралиб туради. Яъни, ДХШда бир нечта давлат идоралари параллель равишда иштирок этишлари мумкин. Ундан ташқари, ижтимоий қурилишни амалга оширувчи компанияга қурулиш ишлари учун ер майдонлари бозор нарҳларига нисбатан мақбул шартларда берилади ҳамда солиқ имтиёзларига эга бўладилар, қурилиш харажатларини қоплаш учун инвесторга субсидиялар берилади ва паст ставкаларда кредитлар ажратилади<sup>151</sup>.

**АҚШ тажрибаси.** Ижтимоий уй-жойларнинг қурилишида ДХШ муносабатлари АҚШда ўзига хос хусусияти миллий даражада ягона

---

<sup>150</sup> Мерзлов И.Ю. Международный опыт развития государственно-частного партнерства в экономически развитых странах: институциональный аспект // Вестник Пермского Университета. 2012. № 3(14). С.76.

<sup>151</sup> Практика управления сферой социального жилья в Европе. [Электронный ресурс] / Решение. Консалтинг исследование рынка. – СПб., 2009. Режим доступа: [http://decision.ru/files/social\\_living.pdf](http://decision.ru/files/social_living.pdf)

механизмларнинг мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Яъни, ДХШнинг федерал дастурлари алоҳида ўрнатилади ва ҳар бир штатда ўзининг қонунчилиги мавжуд. Бугунги кунда 50та штатдан 25тасида ДХШ тўғрисида ўзининг қонунчилик асослари яратилган ва бу кўрсаткич мунтазам ўсиб бормоқда<sup>152</sup>. Демакки, ҳар бир штатнинг муниципал ҳукуматининг уй-жой қурилишида юқори даражада мустақиллиги ДХШнинг тажрибасини умумлаштиришни мураккаблаштиради.

ДХШ бўйича Миллий кенгашнинг (National Council for Public-Private Partnership (NCPPP)) маълумотларига кўра, ДХШ муносабатлари АҚШда икки юз йиллик тарихга эга бўлиб кўплаб турли йўналишлардаги лойиҳаларни амалга оширишда қўллаиб келинмоқда ва улардан асосий соҳалар қуйидагилар: сув таъминоти ва тақсимооти; оқова сувларни тозалаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш; транспорт инфратузулмаси; шаҳарсозлик; аҳолига хизматлар кўрсатиш.

ДХШ лойиҳалари доирасида уй-жой қурилишида АҚШ ҳукумати томонидан қуйидаги йўналишдаги кўмаклари алоҳида эътиборга сазовор, жумладан:

- бозор нарҳларига нисбатан анча арзон нарҳларда ер майдонларининг ажратилиши;
- ўрнатилган бошқарув тартиблардан ўтишнинг осонлаштирилиши;
- қурилишнинг ҳажми ва шаклидан келиб чиқиб, қурилиш бўйича ўрнатилган чекловларни четлаб ўтиш;
- қурилиш чегарасида коммунал инфратузулма объектларини яратишда концессия келишувини расмийлаштириш имконияти.

АҚШда ДХШ амалиётида қуйидаги қисқартмалар фойдаланилади P3, PPPs, P3s, уларнинг барчаси Public-Private Partnership яъни, ДХШни

---

<sup>152</sup> Public-private partnerships: The US perspective [электронный ресурс], режим доступа: [http://www.pwc.com/en\\_US/us/capital-projects-infrastructure/publications/assets/Public\\_Private\\_Partnerships.pdf](http://www.pwc.com/en_US/us/capital-projects-infrastructure/publications/assets/Public_Private_Partnerships.pdf)

билдиради. Шунингдек, қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ДХШ муносабатларининг бир нечта усуллари мавжуд (3.2.3-жадвал).

### 3.2.3-жадвал

#### АҚШда қурилиш соҳасида ДХШ механизмларнинг шакллари<sup>153</sup>

| ДХШ шакллари   | ДХШнинг моҳияти   |
|--|---|
| Қуриш-эгаллик қилиш-бошқари (Build-Own-Operate – BOO)  | Хусусий инвестор инфратузулма объектини қуришни молиялаштиради (йўллар, кўприклар, тоннель ва бошқалар), қургандан сўнг ўз тасарруфига ўтказди ва ундан фойдаланади. Ер ва бошқа зарурий руҳсатларни берган давлат, шартнома доирасида қурилган иншоотдан фойдаланиш шартларининг ижросини талаб қилади, объектдан фойдаланиш, нархларни назорат қилиш ва ривожланиш режаларини келишади. |
| Қуриш-бошқариш-топшириш (Build-Operate-Transfer – BOT) | Қурилган объектнинг эгаллик ҳуқуқи тегишли давлат идораларига берилади, маълум давр ўтгандан сўнг (одатда 30 йил) – шартномада келишилган муддат якунлангандан сўнг хусусий компания мазкур объектдан фойдаланиш учун қайта танловда иштирок этади.   |
| Харид қилиш-қуриш-бошқариш (Buy-Build-Operate – BBO)   | Келишув лойиҳалари мавжуд объектни хусусийлаштириш келишувидан бошланади. Хусусий компания сотилаётган объектнинг нарҳини тўлайди ва шу билан бирга кейинчалик қуриш, таъмирлаш ёки ривожлантириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.  |

Аксарият хорижий мамлакатларда ДХШ муносабатларда иштирок этаётган тадбиркорлик вакилларига алоҳида тадбиркорлик йўналиши сифатида қўрилади ва уларга алоҳида шароитлар яратилади.

Мамлакатда ДХШ соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2019 йил 10 майда ЎРҚ-537-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги<sup>154</sup> Қонуни қабул қилинган. Мазкур қонуннинг асосий тушунчалари келтирилган 3-моддасида давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги деб келтирилган.

ДХШ объекти – лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши,

<sup>153</sup> Илмий манбаалар асосида муаллиф томонидан тузулди.

<sup>154</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сонли қонуни.

модернизациялаштирилиши, фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкый комплекслар, ижтимоий инфратузилма, шунингдек, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар кўрсатилган.

Қонуннинг “Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари” 10-моддасида ДХШ соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши кўрсатилган:

- иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини таъминлаш;

- ДХШ соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

- мавжуд ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга, тиклашга, ундан фойдаланишга, уни сақлашга кўмаклашиш;

- ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

- давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва улардан эркин фойдаланишни кенгайтириш;

- хусусий секторнинг молиявий маблағларини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш;

- ДХШнинг институционал-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий услублар ва технологияларни жорий этиш.

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ДХШ соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелда 259-сонли “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги<sup>155</sup> қарори қабул

---

<sup>155</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелда “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сонли қарори.



килинган. Мазкур қарорга асосан ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида тасдиқланган низомда қуйидаги жиҳатлари акс эттирилган: ДХШ лойиҳаларини ташаббус қилиш, ишлаб чиқиш ва хусусий шерикни танлаш; ДХШ лойиҳаларини дастлабки баҳолаш тартибини белгилаш; ДХШ лойиҳасининг концепциясини тайёрлаш; ДХШ лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботни юритиш; ДХШ лойиҳаларининг реестрини юритиш.

Ундан ташқари, республиканинг уй-жой қурилиши соҳасига замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шароит яратиш, шунингдек, кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш ҳамда қурилишда улуш киритиш асосида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш мақсадида “Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 майдаги ПҚ-4732-сон қарори<sup>156</sup> қабул қилинган.

Қарорга асосан, кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш учун жисмоний ва юридик шахслар (кейинги ўринларда – улушдорлар)нинг маблағларини жалб қилиш фақат юридик шахс мақомига эга бўлган ҳамда улуш киритиш асосида қуриш учун маблағларни жалб этувчи қурувчиларнинг электрон рўйхатига киритилган қурувчилар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Уй-жой қурилиши салмоқли маблағларни жалб қилишни талаб этадиган йўналишларидан бири ва шу билан бирга узоқ вақтларга мўлжалланган фаолият ҳисобланади. Ушбу муносабатда, уй-жой қурилиши ДХШ механизмларнинг жорий қилиниши инвестор-қурувчилар учун қўшимча равишда мақбул ва барқарор шароитларни яратишни тақозо этади.

---

<sup>156</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 майдаги “Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги ПҚ-4732-сонли қарори.

Ушбу жиҳатдан, уй-жой қурилиш бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ДХШ асосида ривожлантириш йўлларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантириш имкониятини берди, хусусан:

- Европа мамлакатлари ҳамда АҚШ тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки иқтисодийнинг барча соҳаларидан, ДХШ муносабатлари энг кўп шакллантирилган ва рақобат даражаси юқори бўлган соҳалардан бири қурилиш, шу жумладан, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш соҳалари ҳисобланади;

- хорижий мамлакатларда уй-жой қурилишида ДХШ муносабатлари асосан ижтимоий уй-жойларни қуриш бўйича ривожланган ва ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, ДХШ муносабатларда давлатнинг асосий роли тадбиркорлик субъектларига асосан ер ажратилиши ва молиявий ёрдам кўрсатишига асосланган бўлади. Лекин, хорижий мамлакатларда уй-жой қурилиш соҳасида ДХШ муносабатлари шаклланганлигига кўп вақт бўлмаган бўлса ҳам, эътиборли жиҳати, ҳар бир мамлакатда қурилиш соҳасида ДХШ механизмининг ўзига хос тажрибаси шаклланган ва мазкур тажриба мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш шароитидан келиб чиқиб такомиллашган.

Тажрибаси ўрганилган мамлакатларда қурилиш соҳасида ДХШнинг мустақкам ривожланишига қуйидаги асосий омиллар таъсир қилиши аниқланган:

- мамлакатда молия-кредит муносабатларининг ривожланганлик даражаси;

- зарурий қарорлар қабул қилишда ҳудудларнинг ва маҳаллий ҳокимиятнинг мустақиллиги;

- қурилиш жараёни узоқ вақт талаб қилишини инобатга олиб ДХШ муносабатларини ташкил этувчи келишув шартномалари ҳукумат ва тадбиркорлик вакиллари ўртасида узоқ даврга асосланган бўлиши;

- мақсадлар, рисклар ва ҳамкорларнинг ваколатлари келишув асосида тақсимланганлиги.

Ўзбекистон шароитида уй-жой қурилиш йўналишида ДХШ муносабатлари замонавий, мустаҳкам ва шу билан бирга тежамкор уй-жойларни қуриш асосида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилиши зарур.

Ушбу жиҳатдан, амалга оширилган тадқиқотлар асосида, уй-жой қурилишида ДХШ муносабатларини такомиллаштириш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни инобатга олиш таклиф этилади:

- уй-жой қурилишида ДХШ муносабатларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган институционал асосларини шакллантириш;

- ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш доирасида маҳаллий ҳокимият ва тадбиркорларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш;

- ДХШ лойиҳалари танловида иштирок этадиган инвестор-қурувчилар учун расмий талабларни қонунчилик билан расмийлаштириш;

- ДХШ лойиҳаларининг жозибадорлигини оширишга қаратилган аниқ иқтисодий механизмнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий уй-жойларнинг қурилишига фаол жалб қилиш ва бунга давлат томонидан фаол рағбатлантириш мақсадида фискал механизмнинг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ. Яъни, бу борада муҳим иқтисодий механизмлардан бири бу солиқ солишнинг энг мақбул йўналишларини жорий қилиниши бўлади, жумладан, солиқ тўлаш муддатларини узайтириш, солиқ чегирмаларни жорий қилиш, асосий воситаларнинг амортизация жараёнларини тезлаштириш ва бошқалар.


### **§ 3.3 Ўзбекистонинг уй-жой қурилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида халқаро рейтингдаги ўрнини мустаҳкамлаш йўллари**

Ўзбекистонда уй-жой қурилиши бозорининг эркин иқтисодий муносабатлар тамойиллари асосида шаклланиши ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини соҳанинг барча поғоналарига фаол жалб қилиш давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотлардан бири бўлмоқда.

Ислохотларнинг муҳим натижаларидан бири, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг соҳада улушининг ортиши ва айниқса, мамлакатда соҳанинг инновацион ривожланишдаги ўрни мустаҳкамланаётганликда бўлмоқда. Чунки, тадқиқот натижалари бўйича, мамлакатда корхоналар, кичик корхона ва микрофирмаларнинг сон кўрсаткичининг йилдан-йилга ўсиши, инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони кўпайиши билан бирга уларнинг таркибида қурилиш корхоналар сонининг кўпайиши ҳам кузатилган ва уларнинг салмоқли улуши кичик корхона ва микрофирмаларга тўғри келган. Айниқса, Ўзбекистонда жами жорий қилинган инновациялар кўрсаткичида қурилиш соҳасида жорий қилинган инновацияларнинг улуши 3 фоизни ташкил этган, шунда 1 та қурилиш корхонасига 0,64 та жорий қилинган инновациялар тўғри келган. Инновацияларни жорий қилган жами корхоналарда кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 84,2 фоизни ташкил этган бўлса, улардан қурилиш соҳасида улуши 90,3 фоизни ташкил этган. Шунингдек, жами жорий қилинган инновацияларда кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 62,0 фоизни ташкил этган, ундан қурилиш соҳасида жорий қилинган инновациялар 82 фоизни ташкил этган.

Соҳанинг инновацион ривожланишини янада жадаллаштиришга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси” ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, қурилиш тармоғида бошқарувнинг замонавий услубларини шакллантириш, лойиҳаларни амалга оширишда инвестициявий жозибадорликни ошириш ва инновацион ечимларни жорий этишга йўналтирилган ўзгаришларни амалга ошириш Стратегия мақсади ҳисобланади ва мазкур мақсадга эришиш учун 5та устувор йўналишлари белгиланган (3.3.1-расм).



### 3.3.1-расм. 2021-2025 йилларда қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишлари<sup>157</sup>


Тадқиқотимизда стратегияда белгиланган устувор йўналишлардан учинчи устувор йўналишнинг 32-банди “Қурилиш кластерларини жорий этиш” ҳамда бешинчи устувор йўналиш – “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш” алоҳида ўрганилди. Бунинг сабаби, тадқиқотимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектлари иштирокида ўтказиладиган танланма кузатувларнинг 2013-2019 йиллар бўйича жамланма

<sup>157</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси” Фармони асосида муаллиф томонидан тузилди.

таҳлили натижасида, инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи асосий омиллардан, молиявий маблағлар ҳамда малакали ходимларнинг етишмаслиги аниқланган. Ушбу муносабатда стратегияда ҳам белгиланган устувор йўналишлар диссертацияда тадқиқ этилган муаммоларга мослигини инобатга олиб мазкур йўналишлардаги вазифаларни бажариш учун илмий асосланган таҳлиллар муҳим аҳамият касб этади.

### **1. Қурилиш кластерларни жорий қилиш бўйича.**

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида келтирилганлиги мазкур масаланинг долзарблигини белгилайди. Хусусан, учинчи устувор йўналишнинг 32-бандида “Қурилиш кластерларини жорий этиш” вазифаси белгиланган ва уни амалга оширишнинг 5 та механизмлари келтирилган.



**3.3.2-расм. Қурилиш кластерларни жорий этиш<sup>158</sup>**

<sup>158</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси” Фармони асосида муаллиф томонидан тузилди.

“Қурилиш кластерларини жорий этиш” вазифасида белгиланган 5 та устувор механизмларни ўрганиш асосида белгилаш мумкинки, иқтисодиётда кластерларнинг ташкил этилиши ва самарали фаолият юритиши замонавий инновацион иқтисодиётни ташкил қилишдаги муҳим босқич ҳисобланади. Шунинг учун, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда стратегик тармоқларни ва тадбиркорлик йўналишларни ривожлантириш мақсадида кластер механизми фаол жорий этилади. Ташкил этилган ва самарали фаолият кўрсатаётган кластер саноат корхоналари, илм-фан ва таълим муассасалари ўртасида янги технологик алоқаларни ўрнатишда муҳим механизм вазифасини бажаради. Пировард натижада, кластерлар нафақат иқтисодий, балки, мамлакатда ижтимоий барқарорликни шакллантиришда алоҳида ўрни мавжуд.

Қурилиш соҳасида кластер механизмининг жорий қилиниши соҳанинг инновацион ривожланишига бевосита алоқадорлиги ва ижобий таъсири олимлар томонидан асосланган. Хусусан, қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инновацион фаоллигини оширишда қурилиш кластерларнинг роли Ўзбекистонлик олимлар, Ш.А.Фаттахов, Д.Р.Хаирова<sup>159</sup> ҳамда хорижий олимлардан, А.Н.Конкин, С.М.Васин ва О.В.Вертяновалар<sup>160</sup> илмий тадқиқотларида ўрганилган. Жумладан, қурилиш соҳасининг инновацион фаоллигини ошириш ва айниқса, мамлакатнинг барча ҳудудларида ушбу жараёнларга фаол жалб қилиш учун ҳудудий қурилиш кластерларни ташкил этиш ва уларга ҳудуддаги қурилиш компаниялар, илмий-тадқиқот муассасалари, олий таълим муассасаларини бириктириш гоёсини илгари суришган. Чунки, қурилиш кластерларда қурилиш компаниялар, илмий-тадқиқот муассасалари, олий таълим муассасаларини фаол жалб қилиниши соҳанинг инновацион жараёнларини фаоллаштиришга хизмат қилади. Айниқса, таҳлиллар асосида аниқланган, мамлакатда корхона

---

<sup>159</sup> Фаттахов Ш.А., Хаирова Д.Р. Обеспечение роста эффективности малого бизнеса и частного предпринимательства в условиях инновационного развития строительной отрасли Узбекистана / Бюллетень науки и практики. №8. 2020. С.188.

<sup>160</sup> Конкин А.Н., Васин С.М., Вертянова О.В. Теоретические основы формирования механизмов инновационного развития регионального строительного комплекса / Общественные науки. №24. 2011. С. 303-304.

ва ташкилотларда инновацияларни жорий қилишда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларнинг иштироки паст даражадалиги муаммоси, кластер механизмининг фаолияти натижасида баргараф этиш имкониятини беради.

Зеро, жаҳон амалиётидан маълумки, инновацион жараёнларнинг иштирокчилари фақат корхона ва ташкилотлардан иборат бўлмайди, ушбу жараёнларда бевосита илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий таълим муассасалари ўзига хос муҳим роли мавжуд.

Уй-жой қурилишига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кластер механизми асосида жалб қилиниши хўжалик субъектларнинг иқтисодий самарадорлигига ва айниқса молиявий таъминотнинг узлуксизлигига эришиш имкониятини беради, бу эса соҳада инновацион жараёнларнинг янада фаоллашишига замин яратади.

## **2. Қурилиш соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш.**

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиянинг 5-бандида соҳада малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган 21 та чора-тадбирлар белгиланган бўлиб мазкур муаммонинг муҳим ечими сифатида келтириш мумкин (3.3.3-расм).

Соҳада малакали кадрларнинг кўпайиши, инновацион жараёнларнинг асосий талабларидан бири бўлган, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси устувор йўналишининг ечимига эришилади. Яъни, жаҳон амалиётидан маълумки, қайси соҳада бўлишидан қатъий назар, инновацион ривожланиш фақат корхона ва ташкилотлар фаолиятидан иборат бўлмайди, балки, ушбу жараёнларда бевосита илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий таълим муассасаларининг фаол жалб этилганлигига асосланади. Ушбу жиҳатдан, 2013-2019 йилларда Ўзбекистонда инновацион фаоллик: жорий қилинган инновациялар сони бўйича амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, жорий қилинган инновацияларнинг салмоқли улуши корхона ва ташкилотларнинг ўз кучлари билан амалга оширилган ва унда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларнинг иштироки паст даражада бўлган.



### Стратегияда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари

- 1) минтақалардаги соҳа йўналишидаги касб-ҳунар таълими муассасаларини «Электрон таълим» миллий тармоғига улаш;
- 2) коллежлар ва техникумларда коучинглар ва турли махсус кўникмаларни ўзлаштириш бўйича ишларни олиб боришни амалиётга киритиш;
- 3) ёш олимлар учун касбий танловларни қўллаб-қувватлаш;
- 4) мослаштириш марказларини ривожлантириш ҳамда технологиялар ва инновацияларни трансфер қилиш, илм-фан ва реал секторнинг ўзаро самарали алоқа механизмларини шакллантириш;
- 5) соҳадаги хорижий ОТМлар филиалларини очиш, тажриба алмашиш, хорижий архитекторлар ва муҳандисларни маҳаллий таълим муассасаларига жалб қилиш;
- 6) меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни тайёрлаш учун ўқитишнинг замонавий ва инновацион услубларини қўллаш;
- 7) ишлаб чиқариш таълимининг малакали усталари ва муҳандис-техник ходимларни жалб қилиш;
- 8) экспериментал лойиҳалаштириш ва қурилиш тизимини тиклаш, илмий, илмий-технологик ва инновацион фаолиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;
- 9) архитектура-қурилиш коллежлари ва техникумлари ўқитувчиларининг малакасини мунтазам равишда ошириш;
- 10) янги авлод тармоқ дарсликлари ва ўқув қўлланмалари туркумини тайёрлаш;
- 11) 2025 йилга бориб соҳадаги ОТМларидан бирининг ТОП-1000га кириши бўйича зарур чораларни кўриш;
- 12) соҳада олиб борилаётган фундаментал, қидирув ҳамда амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар самарадорлигини ошириш;
- 13) ўзаро манфаатли халқаро илмий ва илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш;
- 14) соҳадаги илмий журналлар рейтингини ошириш чораларини кўриш;
- 15) конун ҳужжатларидаги янгиликларни ҳисобга олган ҳолда Қурилиш вазирлиги тизими ходимлари учун ўқув дастурларини тизимли асосда яратиш ва янгилаш;
- 16) қурилиш органлари ва муассасалари ходимлари учун халқаро экспертлар иштирокида хорижий амалиёт, маҳорат дарслари ва ўқув курсларини ташкил этиш;
- 17) архитектура ва қурилиш органлари ва муассасалари тизимида HR-менежмент тизимини жорий қилиш;
- 18) малакали кадрларни қурилиш органлари ва муассасалари тизимида жалб қилишга қаратилган рекрутментнинг янги услубларини қўллаш;
- 19) ходимларни баҳолаш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- 20) коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш;
- 21) «шаҳарсозлик фаолиятининг ишончли статистикаси»ни қуриш ҳисобланган ахборот-таҳлилий марказини давлат-хусусий шериклик тамойилларида очиш орқали таҳлил ва статистик ҳисобот тизимини ислоҳ қилиш.

### 3.3.3-расм. Стратегияда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари<sup>161</sup>

Стратегияда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирларида касб-ҳунар таълим, олий таълим ҳамда илмий тадқиқот тизимлари қамраб олинганлиги мазкур муаммонинг ечимига кенг қамровли ёндашувни кўрсатмоқда.

Соҳада малакали кадрларнинг кўпайиши, инновацион жараёнларнинг асосий талабларидан бири бўлган, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси устувор йўналишининг ечимига эришилади. Яъни, жаҳон

<sup>161</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси» Фармони асосида муаллиф томонидан тузилди.

амалиётидан маълумки, қайси соҳада бўлишидан қатъий назар, инновацион ривожланиш фақат корхона ва ташкилотлар фаолиятдан иборат бўлмайди, балки, ушбу жараёнларда бевосита илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий таълим муассасаларининг фаол жалб этилганлигига асосланади. Ушбу жиҳатдан, 2013-2019 йилларда Ўзбекистонда инновацион фаоллик: жорий қилинган инновациялар сони бўйича амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, жорий қилинган инновацияларнинг салмоқли улуши корхона ва ташкилотларнинг ўз кучлари билан амалга оширилган ва унда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларнинг иштироки паст даражада бўлган.


Амалга оширилган тадқиқотлар асосида белгилаш зарурки, 2021-2025 йилларда қурилиш тармоғини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишлари қаторида белгиланган, кластер механизмини жорий қилиш ҳамда малакали кадрларни тайёрлаш каби вазифаларнинг амалий ечими сифатида ДХШ механизмнинг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ДХШ механизмлари асосида жалб қилиниши натижасида соҳага йўналтириладиган давлат бюджети маблағларининг тежалиши, рақобат муҳитининг шаклланиши ва пировард натижада сифатли ва шу билан бирга аҳоли учун ҳамёнбоп уй-жойларнинг қурилишига эришилади.

Қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим натижаларидан яна бири, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида эътирофга сазовор бўлиши ҳамда умумжаҳон рейтингларда юқори кўрсаткичларга эришишдир. Рейтингларнинг муҳимлик даражаси шундан иборатки, улар соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳам аниқлаш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлардан бирида 2025 йилда «Бизнес юритиш» халқаро индексида (Doing Business Index) «қурилишга рухсатномалар олиш» (Dealing with Construction Permits)

Йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгача яхшилаш вазифаси белгиланган<sup>162</sup>.

Белгиланган истиқболда мазкур вазифани амалга оширишга эришиш имкониятларини таҳлил қилиш мақсадида Ўзбекистоннинг “Doing Business” рейтингда 2015-2020 йиллар бўйича кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилди ва таҳлилларга кўра мазкур даврда ижобий натижаларга эришганлиги кузатилади, хусусан 2015 йилда 141 рейтингга эришилган бўлса, 2020 йилда 69 ни ташкил этган ва 72 поғонага пасайишини қайд этиш мумкин. Белгилаш лозимки, рейтингдаги пасайиш кўрсаткичи рейтинг методологиясига асосан ўсишни билдиради, яъни, рейтингда 1 ўринга эришиш энг юқори натижа ҳисобланади.



**3.3.4-расм. Ўзбекистоннинг “Doing Business”да рейтинг кўрсаткичлари (2015-2020 йй.)<sup>163</sup>**


Тадқиқотнинг асосий мақсади уй-жой қурилишида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга бағишланганлигини инобатга олиб, “Doing Business” рейтингни таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки, рейтингда мазкур 2 та асосий

<sup>162</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси” ПФ-6119-сон Фармони.


<sup>163</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузулди: Doing Business 2015 Going Beyond Efficiency / A World Bank Group Flagship Report. 12<sup>th</sup> edition. 2014. P.227.; Dong Business 2020 Economy Profile Uzbekistan. 17<sup>th</sup> edition. www.doingbussiness.org

йўналишининг, яъни, тадбиркорлик ҳамда қурилиш соҳаларининг ривожланиш даражасига баҳо бериш мумкин. Бунинг учун, уй-жой қурилиши соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга бевосита боғлиқ бўлган 10 та рейтингдан 7 та рейтингларни таҳлил қилиш ва зарурий хулосаларни шакллантириш учун танлаб олинди, булар: бизнесни баҳолаш; қурилишга рухсатномаларни олиш; электр энергияни олиш имконияти; мулкни рўйхатдан ўтказиш; кредитларни олиш; солиқларнинг тўланиши; шартномаларнинг ижроси.

2015-2020 йилларда мазкур 7 та рейтингларнинг таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, барча рейтинглар бўйича ижобий тенденцияларга эришилган (3.3.5-расм).



давоми




**3.3.5-расм. 2015-2020 йй. Ўзбекистоннинг “Doing Business” рейтингига кўрсаткичлари таҳлили<sup>164</sup>**

<sup>164</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузулди: Doing Business 2015 Going Beyond Efficiency / A World Bank Group Flagship Report. 12<sup>th</sup> edition. 2014. P.227.; Dong Business 2020 Economy Profile Uzbekistan. 17<sup>th</sup> edition. www.doingbussiness.org

3.3.5-расм маълумотлари таҳлиliga кўра, барча келтирилган кўрсаткичлар бўйича ижобий натижаларга эришилган, хусусан, 3 та энг юқори кўрсаткичлар, электрэнергия соҳасида (109 поғонага), мулкни рўйхатдан ўтказиш (71 поғонага) ва бизнесни баҳолаш (60 поғонага) пасайган.

“Doing Business” рейтингида қурилиш соҳасига бевосита таълуқли бўлган “Қурилишга руҳсатнома олиш” рейтинги таҳлиliga кўра 2015-2020 йилларда ижобий натижага эришилган (3.3.6-расм).



**3.3.6-расм. Ўзбекистоннинг “Doing Business”да “Қурилишга руҳсатнома олиш” рейтинги динамикаси (2015-2020 йй.)<sup>165</sup>**

3.3.6-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, таҳлил даврида фақат ижобий тенденцияларга эришилган ва 2015 йилга нисбатан 2020 йилда мазкур кўрсаткич 17 поғонага пасайганлиги кузатилган. Мазкур ижобий тенденциянинг асосини рейтинг кўрсаткичлари бўйича эришилган натижалар ташкил этади, хусусан, “Қурилишга руҳсатномаларни олиш” рейтингида 4 та кўрсаткич йиғиндиси бўлиб ундаги ҳар бир кўрсаткичнинг натижаси мазкур рейтингнинг умумий йиғиндисига таъсир кўрсатади (7-илова).

“Doing business”да “Қурилишга руҳсатномаларни олиш” рейтингини, мамлакатда бизнес муҳитининг барқарор ривожланишига баҳо беришнинг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади ва унда қуйидаги кўрсаткичларга баҳо берилади: қурилишга руҳсат олиш учун бажарилиши керак бўлган

<sup>165</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузулди: Doing Business 2015 Going Beyond Efficiency / A World Bank Group Flagship Report. 12<sup>th</sup> edition. 2014. P.227.; Doing Business 2020 Economy Profile Uzbekistan. 17<sup>th</sup> edition. www.doingbusiness.org

тадбирларнинг сони; барча тадбирларнинг давом этишининг ўртача даври; қурилаётган объект баҳосига нисбатан тадбирларнинг баҳоси; қурулишда сифатни назорат қилишнинг индекси кабилар.

Қурилишнинг сифатини назорат қилиш индекси комплекс кўрсаткич бўлиб, қурулишнинг норматив назоратининг сифати, қурулишгачан, қурулиш даврида ва қурулишдан кейин сифатни назорат қилиш, юридик жавобгарлик ва суғуртани тартибга солиш тизими, мутахассисларнинг малакасига нисбатан талаблар каби индекслар асосида ҳисобланади.

Қурулишда нормативларни тартибга солишда сифат индекси қуйидаги икки таркибни ўзида мужассамлаштиради: қурулиш жараёнини назорат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти; Қурулишни амалга ошириш руҳсатномасини шакллантириш учун талабноманинг аниқлиги ва шаффофлиги.

Қурулиш бошлангунича сифатни назорат қилиш индекси қонун билан ўрнатилган талабнинг бажарилишини таъминлашдан иборат бўлади ва сертификатга эга бўлган архитектор ёки муҳандиснинг қурулишга берган руҳсатномасига асосланади.

**Қурилиш жараёнида сифатни назорат қилиш индекси икки асосий таркибдан иборат:**

- қурулиш объектининг якуний инспекцияси ўтказилганлиги тўғрисида қонуний талабнинг мавжудлиги, ундан мақсад, қурилган объектнинг тасдиқланган лойиҳа доирасида бажарилганлиги, амалдаги қурулиш норма ва қоидаларига мослигини аниқлаш;

- объектнинг қурулиши якунлангандан сўнг қабул қилишнинг амалга оширилганлиги.

**Юридик жавобгарлик ва суғурталаш индекси даражаси икки таркибдан иборат:**

- қурулиш объекти якунланганидан сўнг фойдаланишга топширилгандан кейин аниқланган носозликлари ёки муаммолари бўйича қурулиш жараёни иштирокчиларининг юридик жавобгарлиги мавжудлиги;


- қурулиш объекти фойдаланишга топширилгандан сўнг, қурулишда мавжуд бўлиши мумкин бўлган носозликлар ёки муаммолар масъулиятини ўрнатилган қонунчилик доирасида суғурталаш (ўн йиллик суғурталаш).

Мутахассисларнинг касбий малакаси индекси даражаси икки таркибдан иборат: амалдаги қурулиш норма ва талаблари бўйича қурулиш чизмалари ва лойиҳаларини текширишга масъул бўлган мутахассиснинг малакасига бўлган талаб даражаси; қурулиш жараёни ёки қурулиш майдонида назоратни амалга оширувчи мутахассиснинг малакасига талаблар.

Қурулишни назорат қилиш сифати индекси кўрсаткичи қурулишни норматив тартибга солиш сифати индекси, қурулиш бошлангунига қадар сифатни назорат қилиш, қурулиш жараёнида сифатни назорат қилиш, қурулиш якунлангандан сўнг сифатни назорат қилиш, юридик жавобгарлик ва суғурта даражаси ҳамда мутахассисларнинг малакавий даражаси йиғиндисига тенг. Индек кўрсаткичи 0 дан 15 гачан бўлиши мумкин ва қанча кўрсаткич юқори бўлса, шунчалик қурулиш соҳасида сифатни назорат қилиш самарадорлиги юқорилигини билдиради.

Хулоса қилиш мумкинки, таҳлил қилинган барча рейтинглар бўйича ижобий тенденцияларга эришилган бўлса, бу мазкур соҳа ва йўналишларда амалга оширилаётган фаол ислоҳотларнинг ижобий натижасидан далолат беради ва энг муҳими ислоҳотлар натижасини маълум йўналишда эмас балки барча йўналишларда кузатилганлигидир.

Таҳлил даврида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва унинг натижаларини МДХ мамлакатлари бўйича “Doing Business” рейтинги билан ҳам солиштирганда ижобий натижаларни кузатиш мумкин (3.3.7-расм).



### 3.3.7-расм. МДХ мамлакатларининг “Doing Business”да рейтинг (2015-2020 йй.)<sup>166</sup>

3.3.7-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, 2015-2020 йй. МДХ мамлакатлари ичида Ўзбекистон “Doing Business” рейтинг бўйича энг юқори кўрсаткич кузатилмаса ҳам, аммо умумий ҳисобда рейтингнинг кўтарилиши бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган. Яъни, рейтинг кўрсаткичининг 76 поғонага кўтарилганлиги кузатилган. Шунингдек, юқори натижалар, Тожикистон (+60), Қозоғистон (+52), Азербайджан (+46), Россия (+34), Қирғизистон (+22) ва Беларусда (+8) кузатилган бўлса, фақат Арманистонда 2 поғонага пасайишга эришилган. 2020 йилда энг юқори кўрсаткичга Қозоғистон эришган, кейинги ўринда эса Россия туради.

Аммо, умумий ҳисобда аксарият МДХ мамлакатларида айрим рейтинглар бўйича маълум бир нечта салбий кўрсаткичлар кузатилса, Ўзбекистонда биронта кўрсаткичлар бўйича пасайиш кузатилмаган, аксинча, барча кўрсаткичлар бўйича ижобий натижаларга эришилган.

Ўзбекистоннинг “Doing Business” рейтингда 2015-2020 йилларда кўрсаткичлари таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, таҳлил даврида эришиб келинаётган ижобий тенденциялар сақланиб келинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган

<sup>166</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузулди: Doing Business 2015 Going Beyond Efficiency / A World Bank Group Flagship Report. 12<sup>th</sup> edition. 2014. P.227.; Doing Business 2020 Economy Profile Uzbekistan. 17<sup>th</sup> edition. www.doingbusiness.org



стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичга эришиш мумкин. Бунда нафақат, «қурилишга рухсатномалар олиш» (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича мамлакатнинг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгача яхшилашга эришилади, балки рейтингнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилади.

### **3 боб бўйича хулоса**

Уй-жой қурилиши бозорининг инновацион ривожланиши ва унда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги бўйича куйидаги хулосаларни белгилаш мумкин:

1. Ўзбекистонда 2013-2019 йилларда корхона ва ташкилотларда инновацияларни жорий қилишда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларнинг иштироки паст даражадалиги муаммосини бартараф этиш имкониятини беради. Чунки, жаҳон амалиётидан маълумки, инновацион жараёнларнинг иштирокчилари фақат корхона ва ташкилотлардан иборат бўлмайди, ушбу жараёнларда бевосита илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий таълим муассасалари ўзига хос муҳим роли мавжуд.

2. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида сўнгги йилларда ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона, ташкилотлар, кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони кўпайишига эришилган. Умумий сон жиҳатидан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони кўпайиши билан бирга уларнинг таркибида қурилиш корхоналарнинг сонининг кўпайиб бориш тенденцияси ҳам кузатилган ва уларнинг салмоқли улуши кичик корхона ва микрофирмаларга тўғри келган.

3. 2013-2019 йилларда инновацияларни яратувчи корхоналарнинг сон кўрсаткичидаги ижобий тенденциялар пировард натижада мамлакатда жорий қилинган инновациялар сони ўсишига таъсир кўрсатди ва ушбу ижобий тенденцияларнинг асосини технологик инновациялар ташкил этган.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектлари иштирокида ўтказиладиган танланма кузатувлар

асосида инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар 9та мезонларнинг 2013-2019 йиллар бўйича таҳлилига кўра:

- таҳлил даврида барча 9та мезонлар бўйича ижобий натижаларга эришилган, айниқса, 2013 йилда фоиз кўрсаткичи юқори бўлган молиявий маблағларнинг етишмаслиги, янгиликларнинг қимматлиги, малакали ходимларнинг етишмаслиги, аввал амалга оширилганлиги сабабли янги инновацияларга зарурат йўқлиги каби кўрсаткичларда 2019 йилда ижобий ҳолатлар кузатилган;

- инновацион фаолиятнинг барча босқичларида асосий муаммолардан бири ҳисобланадиган молиявий маблағларнинг етишмаслиги кўрсаткичида 2019 йилда 2013 йилга нисбатан ижобий ўзгариш бўлишига қарамасдан ҳам 2019 йилда асосий муаммолардан бири сифатида сақланиб қолган;

- муҳимлиги жиҳатидан долзарб аҳамиятга эга бўлган – малакали ходимларнинг етишмаслиги муаммоси ҳам асосий тўсқинлик қилувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Таҳлил қилинган муаммоларни ўрганиш асосида фикримизча қурилиш соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантириш учун қуйидаги чоратadbирларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, жумладан:

- инновацияни ривожлантириш учун замонавий инфратузулмаларни шакллантириш;

- қурилиш соҳасида рақамлаштириш жараёнларини фаоллаштириш, хусусан, рақамли технологияларни жорий қилиш ва бунинг натижасида қурилиш жараёнларини автоматлаштиришга эришиш;

- маҳаллий қурилиш маҳсулотлари ва технологиялардан фойдаланиш учун меъёрий-ҳуқуқий асосларни ва техник назорат қилиш нормаларни халқаро стандартларга мослаштириш;

- қурилиш соҳаси учун илмий-тадқиқот ва таълим йўналишида кадрларни тайёрлаш, шунга мос равишда тармоқда илмий-тадқиқот марказлар сонини кўпайтириш;

- илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёни билан алоқадорлигини йўлга қўйиш;

- ишчилар, техник ходимлар, бошқарув ходимлар иш фаолиятида модернизацияни амалга ошириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш малакасига нисбатан замонавий талабларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

- қурилиш соҳасидаги кичик бизнеснинг инновацион фаоллигини оширишга ва қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш. Бунда, инновацияларни жорий қилувчи, қурувчи компанияларни рағбатлантириш механизмларни жорий қилиш.

Уй-жой қурилиш бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ДХШ асосида ривожлантириш учун қуйидагиларни инобатга олиш таклиф этилади:

- уй-жой қурилишида ДХШ муносабатларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган институционал асосларини шакллантириш;

- ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш доирасида маҳаллий ҳокимият ва тадбиркорларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш;

- ДХШ лойиҳалари танловида иштирок этадиган инвестор-қурувчилар учун расмий талабларни қонунчилик билан расмийлаштириш;

- ДХШ лойиҳаларининг жозибадорлигини оширишга қаратилган аниқ иқтисодий механизмнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий уй-жойларнинг қурилишига фаол жалб қилиш ва бунга давлат томонидан фаол рағбатлантириш мақсадида фискал механизмнинг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ. Яъни, бу борада муҳим иқтисодий механизмлардан бири бу солиқ солишнинг энг мақбул йўналишларини жорий қилиниши бўлади, жумладан, солиқ тўлаш муддатларини узайтириш, солиқ чегирмаларни жорий қилиш, асосий воситаларнинг амортизация жараёнларини тезлаштириш ва бошқалар.

## ХУЛОСА

“Уй-жой қурилиши тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари” мавзусидаги диссертацияда, уй-жой қурулиш бозорида тадбиркорлик фаолияти шаклланиши ва ривожланишининг назарий-методологик асослари, уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳозирги ҳолати ҳамда самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этилиши асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Замонавий техника ва технологиялар, ахборот технологиялари ва интернет ривожланган асри деб таърифланган даврда, инсон учун, физиологик талабларидан бири бу уй-жой билан таъминланиш, яъни, ҳавфсизликга бўлган эҳтиёжнинг ҳар замонда доимийлиги А.Маслоунинг “эҳтиёжлар иерархияси” назариясининг мукаммалигини тасдиқлайди.

Инсониятнинг уй-жой билан таъминланиш эҳтиёжи, бозор иқтисодиёти қонунияти – эҳтиёжни қондириш учун тақлиф бозорининг ривожланишига асос солади. Яъни, ушбу йўналишда мустақил фаолият юритадиган, ўз билими, маблағи, таваккали ва меҳнатига таянадиган тадбиркорнинг шаклланишини билдиради.

2. Бугунги кунда қурилиш соҳаси мамлакатнинг умум иқтисодий ривожланиш жараёнларига бевосита таъсир кўрсатади, чунки, қурилиш корхоналари мураккаб иқтисодий тизимларни ташкил этиб, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида иштирок этади. Пировард натижада қурилиш соҳасининг ривожланиши бевосита мамлакатнинг иқтисодий ривожланишга, хусусан, ЯИМга ижобий таъсир кўрсатиши ва аксинча, ривожланмаслиги салбий таъсир кўрсатади.

3. Қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш доирасидаги илмий адабиётларнинг таҳлили асосида, соҳадаги тадбиркорлик фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган турли

хилдаги чекловлар ва тўсиқлар мавжудлиги аниқланди ва улар учта асосий тизимга ажратилди:

- умумиқтисодий чекловлар – мамлакат иқтисодиёти даражасида;
- умум соҳалараро чекловлар – бутун қурилиш соҳасига таълуқли бўлган чекловлар;
- махсус чекловлар – қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик фаолиятига таълуқли бўлган чекловлар.

Мазкур чекловларнинг таркиби таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, махсус турдаги чекловлар бевосита бозор иқтисодиёти қонунияти билан боғлиқ муаммоларга асосланган ва уларнинг ижобий ечими умумиқтисодий ва умум соҳалараро чекловларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

4. Уй-жой қурилиши бозорида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлардан Европа Иттифоқи мамлакатларида кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳолатининг таҳлили асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- қурилиш соҳаси бу аввало ички бозорга мўлжалланган фаолият бўлиб, соҳанинг кластер механизмлари асосида ривожлантирилиши ички бозорнинг ўсиш нуқтасига айланади. Қурилишда кластерларнинг ривожланиши ижтимоий самарадорлиги ҳам кузатилади ва у аҳоли томонидан уй-жойларни харид қилиш имкониятини рағбатлантириши мумкин, айниқса, кластер таркибида хизмат кўрсатувчи банкнинг мавжуд бўлиши аҳоли учун мақбул ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

- иқтисодиётнинг назарий асосларидан маълумки, кластерларнинг ташкил этилиши ва ривожланиши эркин иқтисодий жараён бўлиб унинг истиқболи бозор қонуниятлари асосида рўй беради ва бу жараёнларга давлатнинг аралашуви (айниқса, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда) минимал бўлган.

Аммо, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кластерларнинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг муҳим бўғинига айланганлиги, давлат томонидан

кластерларга кўмак кўрсатишнинг қуйидаги йўналишлари кенг фойдаланилмоқда: молиявий ёрдам; кластер инфратузилмасини яратиш; ахборот-коммуникация тизимини яратиш ва ривожлантириш орқали ахборотлардан фойдаланиш шароитини яратиш; таълим тизимида кўмаклашиш: кластер ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва бошқалар. Мазкур чора-тадбирларнинг асосини, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бозор рақобати курашида сақланиб қолган ва рақобатбардошликка эришган кластерларнинг янги ривожланиш босқичи кузатилган. Яъни, инновацион кластерларга шаклланиш босқичи. Бу борада, давлатнинг инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришдаги стратегик мақсадлари айнан фаолият кўрсатаётган кластерларда амалга ошириш имконияти мавжуд ва давлат томонидан мавжуд кластерларни инновацион кластерлар сифатида шаклланишида кўмаклашиши истикболда соҳанинг ва пировард натижада мамлакатнинг рақобатбардошлигини янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

5. Ўзбекистонда уй-жой қурилиши бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши динамикасининг таҳлилларига кўра, мамлакатда кенг қамровли, чуқур таркибий ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ижобий ўсиш динамикаси натижасида уй-жой қурилишида кўплаб эришилган натижалар қайид этилади, хусусан:

- Қурилиш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг натижадорлиги сифатида, фуқароларга фойдаланишга топширилган турар жойларнинг динамикасида ижобий натижаларга эришилган. Масалан, 2010-2020 йилларда энг катта ҳажмдаги қурилиш 2019 йилга тўғри келган, аммо пандемиянинг салбий таъсири туфайли 2020 йилда ушбу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилган. Энг муҳими, фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг умумий кўрсаткичида қишлоқларда фойдаланишга топширилган уй-жойлар кўрсаткичнинг ҳам ўсиши кузатилган.

- Ўзбекистонда қурилиш соҳасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилишда ижобий натижаларга эришилган, яъни, умумий жиҳатдан уларнинг сони мунтазам ошиб бориши кузатилган. Айниқса, қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар сонининг ўсишида кузатилган. Мазкур кўрсаткичнинг вилоятлар кесимидаги таҳлилидан ҳам барча вилоятлар бўйича ўсиш тенденция кузатилган.

- Қурилиш соҳасида 2015 йилга нисбатан ишчилар сони камайши кузатилган ва таҳлил даврида фақат пасайиб бориш тенденцияси аниқланган, айниқса кескин пасайиш 2018-2019 йилларга тўғри келган. Аммо, 2020 йилда ушбу ҳолат ижобий ўзгарди ва 2020 йилда 2019 йилга нисбатан бандлик сони кўпайшига эришилган.

Умумий ҳолда қурилиш соҳаси меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқлардан бири бўлишига қарамадан тадқиқот натижасига кўра, соҳада малакали кадрларни тайёрлаш долзарб бўлиб қолмоқда, чунки, қурилиш соҳаси ҳар бир жараёнида малакали мутахассисларни жалб қилишни талаб этади. Айниқса, мамлакатда барча соҳаларда инновацион жараёнлар фаол амалга ошириляётган шароитда, замонавий фикрлайдиган илғор технологиялардан фойдаланадиган мутахассисларга талаб ошиб боради.

- 2020 йилда пандемия таъсирида бошқа тармоқлар сингари қурилиш соҳасида ҳам нотекис динамик кўрсаткичлар қайт этилди. Бундан ташқари, мамлакат аҳолиси сони шиддат билан ўсиши натижасида, уй-жойга бўлган талабнинг кундан-кунга ошиб боришига таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, уй-жой қурилиш ишлари ҳажми ва унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг миқдорий боғлиқлигини эконометрик таҳлил қилиш ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг қисқа муддатли прогноз қийматларини ишлаб чиқиши аҳолини уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳамда соҳанинг ривожлантиришнинг кейинги стратегияларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Амалга оширилган прогноз натижаларига кўра, 2025 йилда жами қурилиш ишлари ҳажми 268488,4 млрд. сўмга, қурилишга киритиладиган

инвестициялар 704255,7 млрд. сўмга, қурилиш корхоналари сони 49530 тага, уй-жой қурилиши ҳажми 25983,4 млрд. сўмга, уй-жой қурилишига киритиладиган инвестициялар ҳажми 69221,8 млрд. сўмга, қурилишдаги кичик корхоналар сони 49416 тага, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қурилишдаги улуши 226234,3 млрд. сўмга, фойдаланишга топшириладиган уй-жойлар 17699,9 минг квадратга етиши мумкин.

7. Жаҳон амалиётининг таҳлили асосида белгилаш лозимки, давлат томонидан уй-жой қурилишини тартибга солиши асосан мамлакатдаги турли қатламдаги аҳолининг тўлов қобилиятларини қўллаб-қувватлаш ва уни оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат бўлиши муҳимдир. Бунинг учун, давлатнинг уй-жой қурилишига аралашуви, талаб ва таклифни рағбатлантириш, маъмурий бошқарув, аҳолининг айрим қатламлари учун уй-жойлар қурилишининг қўллаб-қувватланиши орқали амалга оширилади.

Бунинг учун, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий механизмлари сифатида иқтисодий-тежамкор уй-жойларни қуриш, уй-жой қурилишида хусусий секторнинг улушини давлат хусусий шерикчилик муносабатларини ривожлантириш асосида ошириш, ижтимоий кафолатлар ва мажбуриятларни амалга ошириш, тижорат ва ипотека дастурларини фаол ривожлантириш ҳамда қурилиш соҳасини инновацион ривожланишини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Аксинча, уй-жой бозорида давлатнинг талаб ва таклифни рағбатлантиришда иштирок этмаслиги ёки иштироки паст даражада бўлиши бозордаги умумий мувозанатнинг бузилиши ва ижтимоий тенгсизлик аломатларининг кучайишига сабаб бўлиши мумкин.

8. Уй-жой қурилиши бозорининг инновацион ривожланиши ва унда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулосаларни белгилаш мумкин:

- Қурилиш жараёни узоқ даврга асосланганлиги ва унда иштирок этадиган кичик ва ўрта корхоналарнинг илмий-тадқиқотларни амалга оширишга маблағларини йўналтириш имконият даражаси паст ва юқори



технологик инновацияларни баҳолаш, жорий қилиш учун зарурий кўникмаларга эга эмас.

Аммо фикримизча, қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инновацион фаоллигини ошириш учун қурилиш кластерларнинг ташкил этилиши қурилиш компаниялар, илмий-тадқиқот муассасалари, олий таълим муассасаларининг фаол жалб қилиниши соҳанинг инновацион жараёнларини фаоллаштиришга хизмат қилади. Чунки, жаҳон амалиётидан маълумки, инновацион жараёнларнинг иштирокчилари фақат корхона ва ташкилотлардан иборат бўлмайди, ушбу жараёнларда бевосита илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий таълим муассасалари ўзига хос муҳим роли мавжуд.

- Сўнгги йилларда мамлакатда ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона, ташкилотлар, кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони кўпайишига эришилган. Умумий сон жиҳатидан мазкур корхоналарнинг сони кўпайиши билан бирга уларнинг таркибида қурилиш корхоналарнинг сонининг кўпайиш тенденцияси ҳам кузатилган ва уларнинг салмоқли улуши кичик корхона ва микрофирмаларга тўғри келган.

- 2013-2019 йилларда инновацияларни яратувчи корхоналарнинг сон кўрсаткичидаги ижобий тенденциялар пировард натижада мамлакатда жорий қилинган инновациялар сони ўсишига таъсир кўрсатди ва ушбу ижобий тенденцияларнинг асосини технологик инновациялар ташкил этган.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тадбиркорлик субъектлари бўйича ўтказиладиган танланма кузатувлар асосида инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омилларнинг 2013-2019 йиллар бўйича таҳлиliga кўра қуйидагилар аниқланган:

- таҳлил даврида барча мезонлар бўйича ижобий натижаларга эришилган, айниқса, 2013 йилда фоиз кўрсаткичи юқори бўлган молиявий маблағларнинг етишмаслиги, янгиликларнинг қимматлилиги, малакали ходимларнинг етишмаслиги каби кўрсаткичларда 2019 йилда ижобий ўзгаришларга эришилган;

- инновацион фаолиятнинг барча босқичларида асосий муаммолардан бири ҳисобланадиган молиявий маблағларнинг етишмаслиги кўрсаткичида 2019 йилда 2013 йилга нисбатан ижобий ўзгариш бўлишига қарамасдан ҳам 2019 йилда асосий муаммолардан бири сифатида сақланиб қолган;

- муҳимлиги жиҳатидан долзарб аҳамиятга эга бўлган – малакали ходимларнинг етишмаслиги муаммоси ҳам асосий тўсқинлик қилувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Таҳлил қилинган муаммоларни ўрганиш асосида фикримизча қурилиш соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантириш учун қуйидаги чоратadbирларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, жумладан:

- инновацияни ривожлантириш учун замонавий инфратузулмаларни шакллантириш;

- қурилиш соҳасида рақамлаштириш жараёнларини фаоллаштириш, хусусан, рақамли технологияларни жорий қилиш ва бунинг натижасида қурилиш жараёнларини автоматлаштиришга эришиш;

- маҳаллий қурилиш маҳсулотлари ва технологиялардан фойдаланиш учун меъёрий-ҳуқуқий асосларни ва техник назорат қилиш нормаларни халқаро стандартларга мослаштириш;

- қурилиш соҳаси учун илмий-тадқиқот ва таълим йўналишида кадрларни тайёрлаш, шунга мос равишда тармоқда илмий-тадқиқот марказлар сонини кўпайтириш;

- илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёни билан алоқадорлигини йўлга қўйиш;

- ишчилар, техник ходимлар, бошқарув ходимлар иш фаолиятида модернизацияни амалга ошириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш малакасига нисбатан замонавий талабларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

- қурилиш соҳасидаги кичик бизнеснинг инновацион фаоллигини оширишга ва қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурларини ишлаб

чиқиш. Бунда, инновацияларни жорий қилувчи, курувчи компанияларни рағбатлантириш механизмларни жорий қилиш.

Белгилаш зарурки, инновацион технологиялар қурилиш соҳасини комплекс ривожлантиришга, амалдаги нархларни арзонлаштиришга, қурилиш жараёнларига сарфланадиган вақтларни қисқартиришга, соҳада мавжуд бўлган рискларни камайтиришга қаратилган бўлиши зарур.

10. Уй-жой қурилиш бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ДХШ муносабатлари асосида жалб қилиш таклиф этилади ва бунда қуйидагиларни инобатга олиш таклиф этилади:

- уй-жой қурилишида ДХШ муносабатларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган институционал асосларини шакллантириш;

- ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш доирасида маҳаллий ҳокимият ва тадбиркорларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш;

- ДХШ лойиҳалари танловида иштирок этадиган инвестор-курувчилар учун расмий талабларни қонунчилик билан расмийлаштириш;

- ДХШ лойиҳаларининг жозибадорлигини оширишга қаратилган аниқ иқтисодий механизмнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий уй-жойларнинг қурилишига фаол жалб қилиш ва бунга давлат томонидан фаол рағбатлантириш мақсадида фискал механизмнинг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ. Яъни, бу борада муҳим иқтисодий механизмлардан бири бу солиқ солишнинг энг мақбул йўналишларини жорий қилиниши бўлади, жумладан, солиқ тўлаш муддатларини узайтириш, солиқ чегирмаларни жорий қилиш, асосий воситаларнинг амортизация жараёнларини тезлаштириш ва бошқалар.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси” фармонида устувор йўналишлардан, соҳада кластерни ривожлантириш ҳамда соҳани малакали

кадрлар билан таъминлаш белгиланган. Мазкур устувор йўналишларни бажарилишини таъминлашга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари асосида кўйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

- Қурилиш соҳасида кластер механизмини ривожлантиришда айнан уй-жой қурилишига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг жалб қилинаётган ҳолда кластер механизмининг шаклланишига шароитлар яратилиши мақсадга мувофиқ.

Жаҳон амалиётида кластер механизми қурилиш соҳасининг инновацион ривожланишига ҳам ижобий таъсири илмий тадқиқотларда ўз тасдиғини топган. Ўзбекистонда қурилиш соҳасининг инновацион ривожланиши бўйича эришилаётган натижалар асосида белгилаш лозимки, кластер механизми соҳада инновацион ривожланишни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

- Соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки, кўплаб ривожланган мамлакатларда ҳамда қурилиш соҳасида етакчи бўлган йирик компанияларнинг кун тартибидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири, ёшлар учун мазкур соҳанинг тобора жозибардорлигининг пасайиб бориши бўлмоқда, бунга ноқулай меҳнат шароитлари ва бошқа қатор муаммолар таъсир кўрсатади.

Таҳлил натижаларига кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам айнан қурилиш соҳасида малакали кадрларга бўлган талабнинг юқорилигини кўрсатмоқда. Ушбу борада уй-жой қурилишида кластерларнинг ташкил этилиши ўзаро узвий равишда соҳада фаолият кўрсатаётган кадрларнинг касбий малакаси, билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилади. Пировард натижада, инновацион иқтисодиётни шакллантириш учун зарурий кўникмаларга эга бўлган мутахассислар тайёрланади.

- Мамлакатда эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барча соҳа ва йўналишларда, шу жумладан, қурилиш соҳасида қўллаб-қувватланиши бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистоннинг

нуфузли халқаро рейтинглардаги ўринлари яхшиланиб бормокда. Хусусан, Ўзбекистоннинг “Doing Business” рейтингида 2015-2020 йй. ижобий натижаларга эришганлиги, яъни, 72 поғонага ижобий ўзгариши мазкур ислохотларнинг натижаси ҳисобланади.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичларда, 2025 йилда «Бизнес юритиш»нинг «Қурилишга рухсатномалар олиш» йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгача яхшилаш вазифаси инобатга олган ҳолда бу борадаги аниқ вазифаларни шакллантиришни тақарозо этади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2015 йил 22 май, ЎРҚ-385-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси” 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон Фармони.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари

